

АҲМАДАЛИЕВ ЮСУФЖОН ИСМОИЛОВИЧ
КОМІЛОВА НАРГИЗАХОН ЎРИНОВНА

**ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ
ХУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**



Фарғона-2020

**АҲМАДАЛИЕВ ЮСУФЖОН ИСМОИЛОВИЧ
КОМИЛОВА НАРГИЗАХОН ЎРИНОВНА**

**ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ
(Монография)**

**Фаргона –2020
“Poligraf Super Serviz” МЧЖ**

УЎК: 91:502/504

КБК: 63.5

A 90

АҲМАДАЛИЕВ ЮСУФЖОН ИСМОИЛОВИЧ

КОМИЛОВА НАРГИЗАХОН ЎРИНОВНА

ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ / (Монография)
“Classic”-2020.

Мазкур монография ўзбек халқининг табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш маданиятнинг (этноэкологик) ҳудудий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишлиланган. Халқимизнинг кўп асрлик табиатдан оқилона, унга зарар етказмасдан, табиий жараёнлар бориши билан уйғун фойдаланиш маданияти ва унинг асраш, авлоддан-авлодга етказиб бериш усуллари Фарғона водийси аҳолиси мисолида кўриб чиқилган.

Географлар, экологлар, этнографлар, ҳамда олий ўқув юртларининг ушбу йўналишларда таҳсил олаётган талабалари, малака ошириш курслари тингловчилари, илмий тадқиқот олиб борувчи мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Н. Қ. Комилова-география фанлари доктори, профессор (ЎзМУ)

Тақризчилар: Р. Баллиева - тарих фанлари доктори, профессор (ҚҚДУ)

О.И. Абдуғаниев - география фанлари номзоди, доцент (ФарДУ)

Фарғона давлат университети илмий Кенгаши қарорига асосан чоп этилди (2020 йил

30 декабрдаги З-сонли баённома)

ISBN: 978-9943-6874-7-9

©“Classic”-2020

«Халқларимизнинг табиатга унинг бойликларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш борасида кўп асрлик анъаналарига суянган ҳолда биз ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришамиз»¹.

Ш.М.Мирзиёев

МУҚАДДИМА

Дунёда аҳоли сонининг ортиши ва иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланиши натижасида табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами кенгайиб, унга тушадиган антропоген босим миқдори ортиб бормоқда. Бу ҳолат, аҳоли зичлиги юқори, хўжалик тармоқлари интенсив ривожланган худудларда ижтимоий-экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай районларда барқарор ривожланишни таъминлаш масаласи БМТнинг қатор конференцияларида (Рио-де-Жанейро, 1992, Йоханнесбург, 2002, Нью-Йорк, 2015) инсониятнинг яқинлашиб келаётган ижтимоий-экологик ҳалокатлардан кутқариш, ривожланишнинг барқарор йўлига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида - «туб жой аҳоли фойдаланадиган анъанавий билимлар ва қадриятлари, ресурслардан фойдаланиш усууллари» эканлиги таъкидланмоқда². Мазкур муаммолар ечимида замонавий инновацион ёндашувлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш анъаналарига асосланган этноэкологик ёндашувнинг аҳамияти юқоридир.

Жаҳонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг йўналишларидан бири сифатида маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш яъни, этноэкологик маданиятига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жаҳон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Турманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутки. Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 25 август, № 173 (7131).

² Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru/>;

халқларининг табиатдан мувозанатли, тежамкор фойдаланишга йўналтирилган кўнирма, малака, одат ва таъқиқларни ўзида мужассамлаштирган этноэкологик маданиятдан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли масканларини худудий ташкил этишда, рекреацион объектлар тўрини такомиллаштиришда фойдаланиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириши таъминлашда мавжуд табиий ресурслардан илмий асосда фойдаланиш, ҳар бир худуднинг табиий шароитига ҳамда шаклланган анъаналарига мос келадиган ва уларнинг имкониятларидан унумли фойдаланишга шароит яратадиган ишлаб чиқариш тармоқлари ва аҳолини жойлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олишга»³ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланиш тажрибалари асосида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий-экологик муаммоларни олдини олишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги 791-сонли «Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. <http://lex.uz/pages/getpege....>

вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Аҳоли этноэкологик маданиятининг ижтимоий-географик жиҳатларини тадқиқ этиш муаммоларини ўрганишнинг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан Ж.Х.Стюард, Х.С.Конклин, МДҲ мамлакатлари олимларидан Л.С.Берг, П.Н.Савицкий, Б.В.Андреев, В.И.Козлов, Л.Н.Гумилев, Р.Ф.Итс, С.М.Мягков, А.Г.Дружинин, Ю.А.Веденин, К.Б.Клоков, К.П.Иванов, И.Ю.Гладкий, В.Н.Калуцков, М.В.Рагулина ва бошқаларнинг ишларида келтирилган.

Халқимизнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини ўрганишнинг ижтимоий-географик жиҳатлари А.Ф.Миддендорф, Д.Н.Қашкаров, Ҳ.Ҳ.Хасанов, Р.У.Раҳимбеков, А.А.Рафиқов, А.И.Жабборов, А.А.Аширов, У.Абдуллаев, А.А.Қаюмов, Р.Баллиева, А.С.Солиев, А.Н.Нигматов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Ю.И.Ахмадалиев ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Фарғона водийсини географик жиҳатдан тадқиқ этиш ишлари анча мукаммал даражада амалга оширилган. Табиий шароит ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масаласига бағишлиланган ишлар водийнинг ҳар бир вилояти ва туманларини қамраб олган. Бироқ, маҳаллий аҳолининг табиатдан фойдаланишда қўп асрлик анъаналари, уларнинг ҳудудий ижтимоий-географик ва экологик жиҳатлари тадқиқ этилмаган.

Мазкур тадқиқот ишининг мақсади Фарғона водийси аҳолисининг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий этноэкологик маданиятининг ҳудудий жиҳатлари асосида табиий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

этноэкологик тадқиқотларни ижтимоий-географик мазмун ва моҳият касб этадиган йўналишларини ажратиш, уларнинг предметлааро хусусиятига мос услугуб ва усулларини танлаш, такомиллаштириш;

этноэкологик маданият йўналишларини таснифлаш, бугунги ижтимоий-экологик билимлар ойнаси орқали баҳолаш, худудий жиҳатларини районлаштириш;

Фарғона водийси аҳолисининг анъанавий ер ва сувдан фойдаланиш, аҳоли масканларини жойлаштириш маданиятининг ижтимоий-географик ва этноэкологик хусусиятлари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳолининг географик обьектларга ном қўйиш, қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг ҳудудий ташкил этиш маданиятини тадқиқ этиш орқали табиий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштирувчи географик ахборотлар базасини (харита, жадвал, тасниф) яратиш.

Тадқиқотнинг обьекти ва предмети Фарғона водийси аҳолиси этноэкологик маданиятининг ҳудудий жиҳатлари тадқиқот обьекти, унинг

ижтимоий-географик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда табиий ресурслардан фойдаланиш усулларини такомиллаштириш масалалари эса предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда районлаштириш, тизимли таҳлил, қиёсий-географик, тарихий-географик, этногеографик, статистик ва картографик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижасида қўйдаги илмий янгиликлар асослаб берилди:

илк бор водий аҳолисининг этноэкологик маданияти шаклланишига таъсир этувчи ландшафт (рельеф, иқлим), аҳоли (этнослар салмоғи, касбкори, марказий аҳоли маскани), ҳўжалик (сугориш тизими, қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва экин майдонлари таркиби) омилларининг ҳудудий хусусиятлари аниқлаган;

Фарғона водийси ҳудуди табиий ресурслардан фойдаланиш маданиятни шакллантирувчи «ландшафт-аҳоли-ҳўжалик» кўрсаткичларни миқдорий

баҳолаш асосида 4 та этноландшафт минтақаси ва 17 та этноэкологик районларга ажратилган;

Водийдаги ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг 3 та даврга (1876 йилгача; 1876-1991 й.й.; 1991 йилдан кейинги) хос бўлган табиий-ташкилий, товар-мақсадли, дастур-мақсадли турлари аниқланган, уларнинг экологик, иқтисодий, ижтимоий йўналишдаги ютуқларидан фойдаланган ҳолда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

водийнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилувчи табиий ресурслардан фойдаланишни такомиллаштиришда мавжуд қадамжолар ва географик номларнинг ижтимоий-экологик функциясидан фойдаланиш имконини берувчи географик ахборотлар базаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Фарғона водийсидаги табиий ресурслардан фойдаланишнинг худудий таркибини ижтимоий-экологик талаблар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган;

водийдаги этноэкологик районларда аҳоли масканларининг «ландшафт - аҳоли-хўжалик» кўрсаткичларини тенг асосда эътиборга олувчи мувозанатли жойлаштиришнинг ҳамда экотуристик салоҳиятини оширишнинг мақсадли режалари яратилган;

табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган экологик муаммоларни башорат қилиш, мавжудларига ташхис қўйишга) кўмаклашувчи топонимлар ва географик терминларнинг экологик таснифи тузилган;

тикланмайдиган табиий ресурслар истеъмолини онгли равишда тежаш ва асраш қўнималари шаклланган, юксак экологик маданиятга эга бўлган ёшларни тарбиялашда этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг маълумотларидан, илмий тадқиқотларнинг

замонавий усуллари, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар илмий-асосланган манбалардан олингани, архив ва фонд материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сайёрамизнинг турли минтақаларида табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш оқибатида вужудга келаётган ижтимоий-экологик муаммоларнинг этногеографик илдизлари мавжудлиги, бугунги экологик муаммоларни бартараф этишда этногеографик ёндашувнинг аҳамиятли эканлиги билан изоҳланади;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, аввало, олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Фарғона водийсида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг стратегик дастурларини такомиллаштиришда, шунингдек, республикамиз аҳолиси кенг қатламининг этноэкологик маданиятини юксалтириш, таълим тизимида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиша фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Муллифлар мазкур монографияга асос бўлган тадқиқот ишини Ўзбекистонда бошлаб берган Қорақалпоғистон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори, Р.Баллиевага, шунингдек ўзларининг қимматли маслаҳатлари, беғараз ёрдамлари билан тадқиқот ишига ёрдам берган Ўзбекистон география жамияти президенти, г.ф.д., профессор Ф.Ҳ.Ҳикматовга, г.ф.д., профессор Н.Комиловага, Андижон давлат университети кафедра мудири, г.ф.н., Р.Қодировга ўзларининг чексиз миннатдорчилигини билдиради. Ушбу монография ҳақида билдирилган ҳар қандай фикр-мулоҳазалар муаллифлар томонидан мамнуният билан қабул қилинади.

І БОБ. ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ЭТНОЭКОЛОГИК ҚАРАШЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Этноэкологиянинг географик илдизлари ва асосий тушунчалари

Табиат билан жамият ўртасида юз берадиган ўзаро алоқадорлик ва муносабатлар тизими ҳозирги даврга келганда анча мураккаблашди. Бу алоқадорлик ўрнини жамиятнинг табиатга кўрсатаётган кучли таъсири ва босими эгаллади. Натижада, табиатда турли хил экологик муаммоларнинг кучайиши ва унинг ижтимоий-экологик муаммоларга айланиб бориши кузатилмоқда. Бундай ёндашувда этноэкологик тадқиқотларнинг долзарблиги янада ортади.

Этноэкология иборасини замонавий фанга биринчи бўлиб, америкалик этнолог Г.Конклин (1954) киритган (юонон тилида *ethnos* – халқ, *oikos* – уй, бошпана, *logos* – сўз, таълимот) бўлсада, бу тушунчани ифодаловчи илмий қарашлар кишилик жамиятида анча қадимдан мавжуд бўлган. Бу дунёқарашларда жамият билан табиатнинг ўзаро алоқадорлигини, бир-бирига таъсирини илмий жиҳатдан асослашга астойдил ҳаракат қилинган. Дастраски этноэкологик ғоялар қадимги Рим ва Грециядаги файласуфлар томонидан илгари сурилган.

Географияда табиий шароитга баҳо бериш, унинг инсон яшashi ва фаолият кўрсатиши учун қандай имкониятларга ва тўсиқларга эга эканлигини аниқлаш Страбондан бошланган. У иқлимини жамиятга таъсирини шундай баҳолайди: Ойкуменанинг шимолий чегараси Қора денгиздан 400 милл шимолроқдан ўтади, ундан юқорида цивилизациянинг ривожланиши фақатгина «гулхан атрофида» бўлиб, совук иқлим ҳаётни қийинлаштиради. Ўз даврида Гиппократ (эр.ав. 460-377 йй.) қуруқликнинг кишилар яшайдиган қисмини 3 та шимолий совук жанубий мўътадил ва жанубий иссиқ минтақаларга бўлиб, у ерда кишиларни жисмоний ва ақлий ривожланишидаги ўзига хосликлари, кишиларни жисми ва руҳиятини иқлим

белгилашини ёзган экан [38; 94-б.]. Бундан ташқари, Аристотел, Герадот, Страбон, Ибн Холдун, Абу Райхон Беруний асарларида, ҳиндларнинг «Артхашастра» трактатида табиий шароитнинг кишилик жамиятига таъсири баҳоланади.

Этноэкологик қарашларнинг ривожланишига катта туртки бўлган географик детерминизмни асосчиси сифатида француз мутаффакири Ш.Монтескье тилга олинади. Маълум бўлишича, Ш.Монтескье ва бошқа Фарбий Европа олимларининг кишилик жамиятига табиатнинг таъсири ҳақидаги дунёқараашлари қадимги дунё ва Ислом цивилизацияси таъсирида юзага келган экан [41; 178-б.]. Ватандошимиз Абу Райхон Беруний жойнинг табиий хусусиятлари (тупроқ, сув, ҳаво)ни кишилик жамиятига ва унинг фаолиятига таъсири ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: «Одамлар тузилишларининг ранги, сурат, табиат ва аҳлоқда турлича бўлиши, фақатгина насларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одамлар яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир» [16; 11-б.]. Юқоридаги, ҳаволадан кўриниб турибдики, Абу Райхон Беруний географик омилнинг ролини бўрттириб, орттириб кўрсатишдан, замонавий тилда айтганда «географик детерминизм»га йўл қўйишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлган. Инсонларга биринчи навбатда «наслар» яъни кишилик жамиятининг таъсири борлигини таъкидлаш билан бир қаторда табиий омилларнинг ўрни ва аҳамиятига ҳам эътибор бериш кераклигини таъкидлайди. Бундай ёндашув тўғрива ўринли эканлигини таъкидлаб А.Солиев шундай ёзади -«географик детерминизм бу маълум даражада мавжуд объектив ҳолдир, ҳамма гап уни қандай талқин қилишда» [144; 45-б.].

Афсуски, Ш.Монтесъкенинг «Қонунлар руҳи» асарида жамиятга табиатнинг таъсирини бўрттириб, унинг биринчи даражали ягона омил сифатида кўрсатилиши ушбу ғоя ўта беъмани ғоялар қаторига киришига сабаб бўлди. Унинг ёзишича, «иссиқ иқлим шароити ҳалқларнинг жисмоний табиатига ва маънавий дунёқарашига таъсир этади ҳамда, қулликнинг ривожланишига сабаб бўлса, мўътадил иқлим шароити эса, кишилар

интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб, кучли ва қаътиятли шахсларнинг юзага келишига сабаб бўлади» [77; 85-б.]. Бу дунёқараш кейинчалик империалистик экспанцияни, миллатчилик ва ирқчиликни оқлаб кўрсатувчи куролга айланиб, илмий жамоатчилик назаридан қолди.

Этноэкологик ғояларнинг ривожланишида антропогеографиянинг асосчиси бўлган. Ф.Ратцелнинг асалари (1899) муҳим роль ўйнаган. У давлатга тирик биологик организм сифатида қараб, у ерда яшовчи этносларнинг ер ва унинг табиий шароити билан яқин ва узлуксиз алоқадорликда бўлинишини таъкидлайди. Унинг фикрича, этносларнинг ривожланишида уларнинг жойлашган ўрни билан бир қаторда, аҳоли зичлиги ҳам салмоқли ўрин эгаллайдиҳамда аҳолининг зич бўлишина фақат халқларнинг жисмоний ривожланишига балки маданиятнинг ўсишига ҳам туртки бўлади [133].

Этноэкология иборасини ишлатмаган бўлса-да, бу йўналишдаги асосий ғоялардан бири, яъни «кишиларнинг атроф табиат-муҳитга мослашиб бориши»ни ўз моҳиятига сингдирган «Инсон экологияси» (Human Ecology) иборасини биринчи бўлиб, америкалик географ Г.Берроуз қўллади. Кейинчалик, бу йўналишда инсониятнинг этник хилма - хиллигига унинг турли табиий шароитларга мослашишга уриниши (реакцияси) натижасисифатида қараш ҳақидаги фикрлар айтилди [38; 86-б.].

Хорижда Ж.Стюард томонидан этноэкологиянинг аналоги сифатида яратилган «Маданий экология»нинг мақсади маданиятлараро фарқларни, биринчи навбатда ҳар бир маданий вилоятнинг «юзи» билан боғлиқ бўлган ўзига хосликларнинг келиб чиқиш сабабларини очиб беришdir, деб белгиланди. Ж.Стюард (1955) қарашларида географик омилларнинг кишилик маданиятига таъсири очиб берилиши қўйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

биринчидан, унинг ғоявий қарашлари «эволюциянинг кўпхиллилиги» концепциясига асосланади ва табиий омилларни жуда диққат билан эътиборга олишни талаб қиласди;

иккинчидан, қиёслаш мумкин бўлган табиий шароитга эга бўлган жамиятда юз берадиган ўхшаш эволюцион жараёнлар ҳар доим ҳам маданий «диффузия натижаси» бўлмаслиги, шу жойдаги табиий шароит таъсирида юзага келганлиги эътироф этилади.

Этноэкологик қарашларнинг ривожланишида француз поссибилистларининг (П.Видаль де ла Блаш, 1926) ғоялари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Улар томонидан ишлаб чиқилган моделга кўра, инсон табиатга мослашувчи пассив эмас, балки, фаол агент сифатида кўрилади. Бир хил яшаш муҳитида бўлган турли инсонлар ҳар-хил маънавий, техникавий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа нотабиий омиллар таъсирида турлича иқтисодий ривожланиш йўлини танлашлари эътироф этилади. Бу ғояни қулай ва турлитуман табиий шароитга эга бўлган районлар учун қўллаш зарурлиги айтилади. Бундай ёндашувда кишининг маълум ҳудудда ўзини қандай тутиш сабабини мажмуали (табиий, ижтимоий, иқтисодий) ҳисобга олиш зарурати англаб этилади.

Россияда этноэкологик ғояларнинг тарихий илдизларини яратиша Л.С.Берг (1922), П.Н.Савицкий (1927), М.Г.Левин, Н.Н.Чебоксаров (1955), В.Б.Андреанов (1972; 1975), Л.Н.Гумилев (1990) каби олимларнинг хизмати катта.

Л.С.Берг этносларни атроф-табиий муҳит билан бўладиган алоқасида мослашувчанликка асосий омиллардан бири сифатида қараб шундай ёзади: - «Географик ландшафт тирик организмларга (инсонга ҳам) мажбурий таъсир кўрсатиб, уларнинг тур имконияти даражасида маълум йўналишларда ўзгаришига мажбур қиласди. Тундра, ўрмон, дашт, чўл, тоғ, сувли муҳит, оролдаги ҳаёт ва бошқаларбарчаси тирик организмларда ўзининг алоҳида изини қолдиради. Юқоридаги муҳитга мослаша олмаган турлар бошқа географик ландшафтга кўчиб кетади ёки нобуд бўлади» [33;181-б.].

Ҳар бир этноснинг ягона тизим ҳолида шаклланишига сабаб бўладиган жойларни П.Н.Савицкий (1927) инсонларнинг «Туғилган жойи» тушунчасига мос аналог сифатида этносларнинг «Ривожланиш жойи» деб атайди. Унинг

ёзишича жой ва унинг табиий-иклим шароити кишиларнинг турмуш тарзига, хўжалик юритиш тизими ва маданиятига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказади. Бу таъсирга мослашиш механизми ишлаб чиқилади ва авлоддан-авлодга бериб бериб борилади. Бундай механизм сифатида халқларда шаклланган кўникма, малака ва анъаналар келтириб ўтилади [100; 31-б.].

Хўжалик-маданий турлари ва тарихий маданий вилоятлар концепцияси М.Г.Левин, Н.Н.Чебоксаров (1955) томонидан ишлаб чиқилган, Б.В.Андианов (1972; 1975) томонидан такомиллаштирилган. Бугунги кунимизда ушбу концепция бўйича маълум худуднинг «табиат-аҳоли-хўжалик» тизимини ўзаро алоқадорликда ўрганиш имконияти яратилди. Таълимот асосчиларининг фикрларига кўра, «хўжалик-маданий турлари» деганда, маълум табиий географик шароит ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражасида яшовчи халқларга тегишли бўлган, тарихан шаклланган хўжалик ва маданиятнинг ўзига хос мажмуаси тушунилади [19; 14-б.]. Бундай турларнинг шаклланишида хўжаликнинг йўналиши вагеографик муҳитнинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланади. Бир хил географик муҳитда яшовчи турли халқларда шунга мос ҳолда «хўжалик-маданий» турлари бўлиши, тарихий ривожланиш натижасида бир тур ўрнига янгиси, иккинчиси келиши мумкин. «Хўжалик-маданий турлари» концепцияси орқали ер юзасининг табиий шароит ва табиий ресурслар билан таъминланганлиги бўйича хилма-хиллиги оқибатида юзага келган инсониятнинг маданий табақалашувининг (дифференцияцияси) моҳияти очиб берилади. Бу хўжалик юритиш, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа соҳаларда турли хил маданий мослашув натижаларига яъни, «хўжалик-маданий турлар»ини юзага келишига сабаб бўлади.

«Тарихий-маданий вилоятлар концепцияси»да эса, турли макон ва замон шароитида, халқларнинг ўзаро таъсири натижасида инсониятнинг маданий табақаланиши акс этади, яъни, маконда бир-бирига яқин бўлган халқларнинг маданияти турлича бўлиши ва аксинча холатлар узоқ маданий алоқаларнинг натижаси бўлиши мумкинлиги айтилади.

Юқоридаги хўжалик-маданий турларни районлаштириш (кичик таксономик бирликларда) масаласи этнологияда у қадар яхши ўрганилмаган. Районлаштириш бирликлари сифатида зона, провинция, област, район олиниши мумкинлиги айтилади [19].

Мазкур ғояларда биз учун энг муҳим бўлган нарса хўжалик-маданий турларини ва тарихий-маданий вилоятларни юзага келишидаги энг муҳим жиҳат экологик аниқроғи геоэкологик омилнинг тан олинишидир. Гарчи этноэкологик ёндашувда ижтимоий соҳа вакилларининг концепциялари устивор ўрганилаётган бўлса-да, бу ғояга ҳамоҳанг келадиган **маданий ландшафт** (К.Зауэр, 1974; Л.С.Берг, 1915; Л.Н.Гумилев, 1990; А.Г. Исаченко, 2003; В.Н.Калуцков, 2009; М.В.Рагулина, 2005) тушунчasi географик йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларга кўпроқ мос келади.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тадқиқ этишдаги илмий қараашлар ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жамиятдаги, илмий билиш кўламининг кенгайиши, маълумотлар банкининг ортиб бориши билан табиатнинг кишилик жамиятига ва аксинча таъсирларни баҳоловчи турлича илмий қараашлар юзага келди. Улар орасида этноэкологик ёндашув ва этноэкология йўналиши жадал ривожланиб бормоқда [124].

Этноэкология ёки унинг синоними сифатида ишлатиладиган «этник экология» иборасини МДҲ давлатларига олиб кирган В.И.Козловнинг (1983) фикрича, «**этноэкология** бу- этнография билан инсон экологияси (ижтимоий экология) оралиғида жойлашган, этник география, этнодемография ва этник антропология билан туташиб қолган жойлари бўлган илмий йўналиш»дир [84; 8-б.]. Илмий йўналиш сифатида у ўз олдига қўйидаги вазифаларни ўрганишни қўяди:

-табиий ва ижтимоий-маданий яшаш шароитига эга бўлган этник жамоаларни ёки бутун этносларни анъанавий ҳаётни қўллаб - қувватлаш тизимидағи хусусиятларни;

- мавжуд шаклланган экологик алоқадорликни кишилар саломатлигига таъсирини;

-этносларнинг табиий қобиқдан фойдаланишдаги ўзига хосликлар ва уларни ушбу қобиққа таъсирини;

-этносларнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини;

-этноэкотизимларни шаклланиш ва фаолият кўрсатиш қонуниятларини.

Юқорида, асосан, география фанларини ўрганиш соҳасига яқин бўлган вазифаларнигина ажратилди. Бундан ташқари, мавжуд этноэкологик маданиятни кишилар саломатлигига таъсири, табиатдан фойдаланиш борасидаги этносларни ўзига хос меҳнат қуроллари ясами, кийиниши, уйжой қуриш маданияти каби мавзулар ҳам бор, улар кўпроқ этнология, медицина ва экология фанларининг ўрганиш доирасига тегишлидир. Этноэкологиянинг юқоридаги яқин, бироз кенгайтирилган таърифи ва вазифалари Ю.И.Гладкий [38; 30-б.], Н.А.Ямков [124; 19-б.] томонидан ҳам берилган.

Бироқ, этноэкологияга торроқ маънода, тадқиқот обьектларини аникроқ белгилаш имконини берадиган ёндашувлар ҳам мавжуд. Юқорида таъкидланганидек, фанга этноэкология атамасини киритган америкалик этнограф Г.Конклин (1954 йил) мазкур илмий йўналишнинг вазифасини табиатҳақидағи халқ билимларини жамлаш ва уларни атроф муҳит билан бўладиган алоқада қўллаш усулларни ишлаб чиқищдан иборат деб кўрсатади. Кейинроқ, бу йўналиш «анъанавий экологик билимлар»ни (TEK – traditional ecological knowledge) ёки «махаллий экологик билимлар»ни (LEK – local ecological knowledge) ўрганиш йўналишида жадал ривожланди. Бугунги кунда эса этнолкологик тадқиқотларнинг катта қисмини сиёсий экология (political ecology) йўналиши эгаллаб бормоқда [124; 8-б.]

Ф.Р.Итс (1990) этноэкологияга асосий вазифаси этносларнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини ўрганиш бўлган илмий йўналиш сифатида қарайди. И.И.Крупник фикрича, этноэкология «этник жамоаларнинг атроф-муҳитни моддий ва маънавий жиҳатидан ўзлаштиришлари ва унинг ресурсларидан фойдаланишдаги ўзаро алоқалари шаклини ўрганувчи-этнографиянинг алоҳида бўлимни» [63; 14-б.].

И.И.Крупник ўз тадқиқотларида этносарнинг турмуш тарзини чукур таҳлил қилиб, унинг моддий томонларидан ташқари маънавий томонларини ҳам очиб берди.

Хорижда яратилган маданий экологияда ҳам МДҲ давлатларида кенг тарқалган этник экологияда ҳам асосий эътибор кишилик жамиятининг атроф-муҳитга мослашиш жараёнини ўрганишга қаратилган. Бу жараёнда маданият табиатга мослашишни амалга оширадиган восита сифатида қаралган. Маданият ёрдамида кишилар нафақат у ёки бу табиий муҳитга вақт давомида мослашиб борганлар, балки маълум даражада мазкур табиий муҳитни қайта ўзгартириб, «маданий ландшафт»лар яратганлар [59; 8-б.].

Табиий муҳитга мослашувнинг воситаси сифатида маданиятни ҳар томонлама ўрганиш зарурлиги ҳақидаги концепция Э.С.Маркарянга (1983) тегишли. Унинг фикрича, мослашувчанлик бу -жамиятни ижтимоий-маданий жиҳатидан қайта қуриш жараёнидир. Ўз навбатида, жамият доимо ҳаракатда ва ўзгарувчандир. Мослашувчанлик бир томондан жамият ичидаги маданий ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи куч бўлса, бошқа томондан, атроф яшаш муҳитнинг «маданийлашиб» ўзгариб боришини таъминлайди ёки географияда ўрганиладиган «маданий ландшафт»лар яратилишига сабаб бўлади [55; 209-б.].

В.П.Алексеевнинг антропогеоценоз, И.И.Крупникнинг этноэкотизим концепциялари бир-бирини тўлдириб, этноэкологик тадқиқотларга тизимли ёндашув олиб кирилишига сабаб бўлди. Антропогеоценоз, В.П.Алексеев бўйича, алоҳида тизим бўлиб, унинг таркибий компонентлари сифатида хўжалик юритувчи жамоа, унинг ишлаб чиқариш фаолияти ва ўзлаштирилаётган (эксплуатация қилинаётган) худуд олинади. Хўжалик юритувчи жамоанинг асосий кўрсаткичлари сифатида унинг сони ва демографик таркиби ўрганилса, ишлаб чиқариш фаолияти жамоа аъзоларининг билим ва кўнималари, иш қуроллари ва унумдорлиги орқали очиб берилади. Бирок, В.П.Алексеев ўзлаштирилаётган худудни тавсифламайди. Аслида бу худуд ўзининг табиий-географик муҳити, табиий

шароити ва ресурсари билан юқоридаги компонентлар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади ва география фанини ўрганиш доирасига киради. Бу алоқадаги ягона қарашлар этнограф ва географлар томонидан белгилаб берилган [59; 5-б.].

И.И.Крупник юқоридаги модел терминларини бироз ўзгартириб, тўлдирди ва этноэкотизимнинг компонентлари сифатида «хўжалик юритувчи жамоа», «ўзлаштирилган ҳудуд», «уй ҳайвонлари популяцияси», «хўжалик-маиший ускуналар»ни киритди. Бунда асосий эътибор ўрганилаётган жамоани атроф-муҳит билан озиқ-овқат занжири шаклида бўладиган моддий энергетик алоқасига қаратилди. Бу ғоялар бугунги кунда фанга чуқур кириб борган экотизимли ёндашувга асос бўлиб, антропоэкотизим тушунчаси яратилишига сабаб бўлди. Этноэкотизим эса антропоэкотизимнинг хусусий кўриниши бўлиб, у алоҳида масштабга эга (унинг кўлами маҳаллий жамоанинг ердан фойдаланишдаги ҳудудий чегараси билан аниқланади) [124; 138-б.].

Этноэкотизим ғоясини этнологик ва географик тадқиқотларда муҳим ўрнашиб қолди. Шу ўринда, инсонлар жамоасини экотизимнинг таркибий қисми сифатида қараб таҳлил қилиш, географияда анча олдинроқ Л.С.Берг (1922) ва Л.Н.Гумилев (1990) томонидан таклиф этилганлигини айтиб ўтиш лозим.

Этноэкологиянинг яна бир концепцияси В.И.Козлов ва унинг шогирдлари томонидан фанга киритилган бўлиб, бунда асосий эътибор, маҳаллий жамоанинг табиий ва ижтимоий шароитга муваффақиятли мослашишининг мезони сифатида жамоанинг узоқ умр кўриш кўрсаткичинитаҳлил этиш таклиф этилади. Бу йўналишдаги географик тадқиқотлар тиббиёт географияси йўналишида Ўзбекистонда Н.Қ.Комилова (2005), И.Турдимамбетов (2018) томонидан ўрганилди.

Этноэкологик ғояларнинг географик йўналишини ривожланишида Л.Н.Гумилевнинг (1990) алоҳида хизматлари мавжуд. Унинг қарашлари бўйича нафақат алоҳида олинган инсонларда, балки бутун бошли этносларда,

табиатнинг барча яратмаларида бўлгани каби, ўзларининг «ривожланиш жойи» бўлади [41; 185-с.]. Этноснинг «ривожланиш жойи» бу унинг биринчи марта яхлит тизим сифатида шаклланган ландшафтлар мажмуасидир. Ҳар бир этнос ўзи яшайдиган ландшафтлар мажмуасидан нафақат моддий жиҳатдан балки, маънавий жиҳатдан ҳам озуқа олади. Ушбу ландшафтлар унинг хўжалик юритишига, озиқланиш тизимиға, уй-жой қурилишига, кийиниши, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишига, маънавий ҳаётига (санъат, адабиёт, дин) сезиларли таъсир этмай қолмайди. Минералларда бундай жойни кон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида макон деб атасалар, этносларда бу жой муқаддас Ватан сифатида тилга олинади. Бу Ватанни асрараш унинг табиатидан оқилона фойдаланиш, этноландшафт ёки «боқувчи ландшафтни» асрараш, асрлар давомида шаклланган юксак **этноэкологик маданиятни** сақлаб қолиш ва уни инновацион ғоялар билан бойитиш, ландшафт-экологик режалаштиришда ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилади.

1.2. Этноэкологик тадқиқотларнинг ижтимоий-географик йўналишлари ва босқичлари

Этноэкологик маданият ҳам, умумий маданиятнинг таркибий қисми сифатида маданиятшунослик ва этномаданият йўналишларида кенг ўрганилмоқда [69; 112; 125; 143;]. Бугунги кунда маданият тушунчасига берилаётган таърифлар сони 500 тадан ортган бўлсада, ҳанузгача ягона тўхтамга келинмаганлиги, айниқса, бу иборани ғарб ва шарқда турлича талқин этилиши диққатга сазовордир. Ғарбда, маданият атамаси лотинча «cultura» сўзидан олинган бўлиб, дастлаб қишлоқ хўжалиги экинлари ва уй ҳайвонларини маданийлаштириш жараёнига нисбатан, кейинроқ эса, «цивилизация» (фуқаровий) сўзининг синоними сифатида ишлатилди. Шарқда эса, маданият атамаси араб тилидаги «маданий» шаҳарлик иборасига яқин сўз билан ифодаланиб, кўпроқ зиёли инсон маъносига яқин туради. Ҳар

икки ҳолда ҳам, маданият дейилганда кишилик жамияти фаолияти давомида яратилган ва яратилаётган барча ютуқлар тушунилишини англаш қийин эмас.

Маданиятни, жумладан этноэкологик маданиятни географик ўрганиш йўналишлари кейинги йилларда гуманитар географик тадқиқотларда марказий ўринни эгалламоқда [29; 35; 36; 37; 41; 48; 53; 55; 82; 94;].

Мазкур тадқиқотларнинг методологик жиҳатидан тўғри йўналишини белгилашда Ю.И.Гладкий (2003) томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги концепция диққатга сазовордир. Унга кўра, «этноэкологиянинг географик қанотида- этносларнинг экологик муҳит билан бўладиган барча алоқалари эмас, балки уларнинг фақатгина онгли фаолияти воситачилигидан келиб чиқадиган алоқаларини ўрганади» [38; 151-б.]. Бундай тушунишда этноэкология биологиялашган ёки социологиялашган талқинларга мос келмайдиган алоҳида мақомга эга бўлади. Ҳар қандай этнос, биринчидан, тирик жонзотлар йиғиндиси бўлиб, унинг яшаш тарзи табиатнинг кўр-кўrona, онгиз кучлари билан ўзаро алоқасида намоён бўлади. Бу йўналишдаги изланишлар биологик фанларни жумладан, биоэкологиянинг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Иккинчидан, этнос - ижтимоий мавжудотларнинг алоҳида жамоаси ҳисобланиб, бу жиҳатидан у социологик тадқиқотларнинг жумладан, ижтимоий экологиянинг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Учинчидан, этнос – табиатнинг ўзига хос мавжудотларининг умумий йиғиндиси ҳисобланиб, хаёт тарзи сифатида уларнинг онгли фаолиятига хизмат қилади. Бундай фаолиятни ўрганиш география фанининг ўрганиш обьекти ҳисобланади [38; 154-б.].

Шундай қилиб, географик йўналишида этноэкологик тадқиқотларда асосий эътибор этносларнинг атроф-табиий муҳит билан онгли фаолияти воситачилигига бўладиган алоқаларини ўрганишга қаратиласди. Бундай тизимли алоқаларнинг пировард натижасида юзага келадиган ва география йўналишидаги этноэкологик тадқиқотларнинг марказига қўйиладиган асосий обьект сифатида *этноэкологик маданият ва унинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш белгиланди*.

А.Г.Дружининнинг географик маданиятнинг 14 та турини ажратиши тақлиф қиласи [42; 11-б.]. Улардан маданиятнинг геотизимларга таъсирини ўрганиш (5), геоэтник маданият (7), анъаналар ва хулқ-атвор географияси (9), қадриятлар географияси (11), дин географияси (12) каби турлар геоэкологик йўналишдаги изланишлар моҳиятини белгилашга мос келади.


Ю.А.Веденин (2004) маданий меросни сақлаш ва ундан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда аҳамиятли бўлган 3 та ёндашувни ажратади: а) генетик (мерос-миллий ва минтақавий маданиятнинг ўзига хослигини сақловчи, тарихий хотирани ташувчиси); б) экологик (мерос-жамият ва биосферанинг барқарор ривожланиши асоси); в) географик (мерос-дунёни, мамлакатлар, минтақалар, этносларнинг маданий ва табиий хилма-хиллигини сақлаш асоси) [37; 29-б.]. Бундай ёндашунинг биз учун аҳамиятли жиҳати маданият ва маданий меросга экологик-географик йўналишдаги тадқиқот обьекти сифатида қаралишидир. Маданиятга миллий ва минтақавий ёндашув этник маданиятни юзага келтиради. Этномаданият эса - бу маданиятни маълум этносга хос бўлган хусусиятларни сақлаб қолиш мақсадида ўзлаштирилган кўринишлар мажмуидир.

Этномаданият илмий йўналишида таҳлил этиладиган масалалар орасида маънавий мероснинг асрлараро шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб, одатга айланган қисми «анъанавий ҳалқ маданияти»га эътибор қаратилади. М.Муродов ва унинг ҳаммуаллифларининг таъкидлашича, «бу маданият-этносларнинг тарихий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти натижасида тараққий этган, минг йилликлар мобайнида аждодлар фикрлари, тажрибалари, орзу-истаклари, анъаналари ва қадриятларини ўзида бирлаштирган, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша сайқалланиб, мураккаблашиб борган бебаҳо мерос» ҳисобланади [143; 9-б.].

Этномаданият шакланишида табиий-географик омилнинг ўрни юқори бўлган турларини (табиатдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва хк.) умумий экологик маданият билан уйғунлаштириш

натижасида этноэкологик маданият юзага келади [125;13-б.]. Этноэкологик маданиятга берилган қўплаб таърифларни [64; 65;] умумлаштирган ҳолда унга қуидагича таъриф бериш мумкин, *Этноэкологик маданият* - умумий маданиятни таркибий қисми бўлиб, этносларнинг табиат билан бўладиган онгли фаолияти натижасида юзага келган қадриятлар, анъаналар, урфодатлар ва фаолият турларини ўзида жамлаб, этнос билан у яшайдиган ландшафтнинг мураккаб ўзаро алоқаси жараёнида шаклланади ва муайян географик шароитда этносларнинг табиат билан барқарор муносабатини таъминлайди.

Халқимиз этноэкологик маданиятига юксак баҳо бериб, М.Муродов шундай ёзади: «Бугунги кунда табиат тўғрисидаги экология илми билан шуғулланаётган ўнлаб фан даргохлари-ю, юзлаб олим-тадқиқотчилар олиб бораётган илмий ишлари хulosалар, натижалари минг йиллар муқаддам ишлаб қўйилганлигини моддиончи, эл маданияти тарихидан бехабарлар билмайдилар» [143; 105-б.].



1-расм. Этноэкологик маданиятни географик тадқиқ этиш йўналишлари

Этноэкологик маданият этнос билан табиатнинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланади, агар у экоцентрик йўналишда табиатга тўғри оқилона, экофиль муносабатни шакллантиришга ёрдам берса, этнос ва табиатнинг барқарор ривожланиши таъминланади. Акс ҳолда этноснинг технократик, экофоб дунёқараш билан шаклланган маданияти экологик таназзулни юзага келтириши ҳам мумкин.

Мазкур тадқиқотда этноэкологик маданиятнинг барча йўналишларини эмас, балки, география фанининг ўрганиш обьекти бўладиган З та методологик талабга жавоб берадиган, яъни худудий мазмунга эга, карталаштириш имконияти мавжуд ва уни тадқиқ этиш географик қобиқ учун янги билимлар берадиган жиҳатлари ўрганилди [17; 53-б.].

Натижада этноэкологик маданиятни моддий йўналишидан анъанавий дехқончилик маданияти, сув ресурсларидан фойдаланиш ва аҳоли масканларини бунёд этиши маданияти танлаб олинди. Этноэкологик маданиятни маънавий йўналишларидан эса, жойларга ном бериш, диний эътиқодни муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжсолар ташкил этиш маданияти ҳамда этноэкологик маданият намуналаридан барқарор ривожланишнинг ландшафтли режсалаштириши, инновацион дастурларини яратиш ва экологик таълим тарбиянинг худудий жиҳатларини ўрганишга асосий эътибор қаратилди (1.2.1-расм).

Этноэкологик маданият элементларини ўрганиш ва уни инновацион усувлар билан бойитиб бориш этнослар учун барқарор ривожланиш имкониятини беради. Маданият элементлари орасида экологик изланишлар олиб борилганда анъаналар, одатлар, таъқиқ ва нормаларни алоҳида ўрганиш талафтили берилганда анъана деганда-«узоқ тарихий жараёнда этносларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти асосида, атроф-муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб, тарақкий этган ва асрлараро аждодлар фикри, орзу-ўйлари, тажрибалари, ютуқлари ва қадриятларини мужассамлаштирган бебаҳо мерос» тушунилади [125; 8-б.]. Одат- кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари тушунилади. Экологик тадқиқотлар учун аҳамиятли бўлган этноэкологик маданият

элементларидан таъқиқлар, нормалар шартларга ислом ҳукуқида эътибор қаратилган [71], бу ҳақида 1.3.-параграфда маълумот берилади.

Албатта бундай мураккаб объектни ўрганиш кучли методологик база ва предметлараро алоқани тўғри йўлга қўйишни талаб этади. Тадқиқотнинг дастлабки босқичида объектнинг географик хусусиятларидан ташқари биологик ҳамда ижтимоий жиҳатларини узвий предметлараро алоқани таъминлаган ҳолда ўрганиш зарур. Шундагина объектнинг бир бутунлиги ва яхлитлиги таъминланади, географик детерминизмга йўл қўйилмайди. Тадқиқотдан қўзланган мақсадга қараб, этногеографик, ижтимоий географик ёки экологик-географик (геоэкологик) томонга йўналтирилади.

Тадқиқот давомида фанлар ва илмий йўналишлардаги услуг ва усуллардан босқичма-босқич фойдаланиб борилади. Тадқиқот йўналишлари тизимини чуқурлашиб борувчи тўртта босқичга бўлиб ўрганиш таклиф килинди (1.2.2-расм).

Биринчи босқичда тадқиқотнинг умумий методологик жиҳатларини белгилаб берувчи табиий ва ижтимоий фанларнинг мавзуга алоқадор жиҳатлари қараб чиқилади. Этноэкологик маданиятнинг юзага келишига туртки бўлган географик, биологик, экологик омиллар табиий фанлар блокида, тарихий, этнологик ва фалсафий омиллар, ижтимоий фанлар блокида тадқиқ этиб борилади. Уларга табиий фанлар блокидан география, экология, биология фанлари киритилса, ижтимоий блокдан этнология, маданиятшунослик ва фалсафа фанлари киритилади.

Иккинчи босқичда тадқиқот объектининг умумий (ҳам табиий ҳам ижтимоий) томонлари ёритилиб, унга тизимли ёндашувни таъминлаб берувчи йўналишлардаги усуллар ва ютуқлар ўрганилади. Объектнинг этномаданий жиҳатларини шу босқичда очиб берилади. Дастрас этноэкологик маданиятнинг тарқалиш ҳудуди ва минтақалари аниқлаб олинади. Бу соҳа этнология ва география оралиғида шаклланган этногеография йўналишида ўрганилади.

I. Даstлабки маълумотлар йиғиши

Табий фанлар

Ижтимоий-гуманитар фанлар

Биология

География

Экология

Химия

Фалсафа

Тарих

Маданиятшунослик

Социология

II. Таҳлилий қисм

Ҳудуднинг табий-тарихий, ижтимоий-экологик шароитини тавсифлаш

Этно-география

Геоэкология

Этномаданият

Этноэкологик
фильтр

III. Этноэкологик маданият функцияси ва ҳудуд экологик ҳолатига тъсирини тавсифлаш

Аграр этнология

Этноботаника

Амалий этнология

Этнозоология

Этноэкология

Этнометеорология

Эктоология

Экотопонимика

Этнопедагогика

Этноландшафтли режалаштириш

Инновацион-экологик лойихалаш

IV. Ҳудудни барқарор ривожланишини таъминлаш учун тавсиялар ишлаб чиқиши

1.2.2-расм. Этноэкологик маданиятни географик тадқиқ этиш босқичлари.

Этногеографиянинг мазкур тадқиқотлар учун энг мақбул таърифи ва вазифалари И.В.Сахаров (1977) томонидан берилган бўлиб, унинг ёзишича, «ушбу илмий йўналиш турли этник жамоаларнинг жойлашиши ва тарқалиши хусусиятларини, этник районлаштиришнинг макондаги табақаланишини таҳлил қиласи, тадқиқотларда этнология, этнодемография ва ахоли географияси маълумотларидан фойдаланади» [102; 7-б.]. «Ландшафт-этнос-хўжалик» тизимида юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш ва районлаштириш тарихий география ва этник картография илмий йўналишлари билан узвий алоқада таҳлил этилади [19; 15-25 б.]. Халқларнинг моддий ва маънавий маданияти шаклланишига географик омилларнинг таъсирини ўрганиш ва уларни кичикроқ ҳудудлар бўйича ҳаритага туширишга мазкур йўналишдаги тадқиқотларда устувор эътибор қаратилади [35; 7-17 б].

Маълум ҳудуддаги экологик муносабатларни ўзгариши, этнослар таъсирида ландшафтга тушадиган босим ортиб, мувозанатнинг бузилиши геоэкология йўналишида ўрганилади. Бугунги кунда бу йўналиш Б.И.Кочуров (2016), И.Ю.Гладкий (2003), А.А.Рафиқов (1998), А.Н.Нигматов (2010), Ш.Шарипов, Ю.И.Аҳмадалиев (2014) ва бошқалар томонидан ривожлантирилмоқда. Йўналишнинг этногеографик тадқиқотлар моҳиятига мос келувчи таърифи А.И.Жиров (2001) томонидан берилган. Унга кўра, геоэкология фан сифатида «аҳоли ва антропоген таъсир объект ва субъектларини кўриниб турадиган ёки вақтинча яширин, геотопологик ва экологик жиҳатдан аҳамиятли хусусиятларини тадқиқ этади, ҳамда геоэкологик макон доирасида юзага келадиган экологик муносабатлар моҳиятини ўрганади. Унинг тадқиқот обьекти сифатида, геотизим ёки экотизим олинса, тадқиқот предмети сифатида мазкур геоэкотизимларнинг юзага келиш қонуниятлари, тамойиллари ўрганилади» [47; 155-б.].

А.Нигматов геоэкологиянинг предметига тўхталиб шундай ёзади; «Геоэкологиянинг предмети- геомажмуаларнинг қайси бир жиҳатларини

ўрганмоқчи эканлигидадир. Геоэкология предметида организмларнинг (жумладан, инсонларнинг) геомажмуалар доирасида ўзаро ва уларни ўраб турувчи атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларининг табиий, иқтисодий ижтимоий, сиёсий ва ҳаттоқи, хуқуқий жиҳатларининг ҳудудийлик, тизимлилик ва даврийлик жиҳатлари тадқиқ этилади» [82; 45-б.].

Геоэкологик тадқиқотлар табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг турли жабҳаларини қамраб олаётганлигини таъкидлаб, Б.Кочуров «Географлар ва экологларнинг биргаликдаги интилишлари, инсонни нафақат табиий, балки, ижтимоий, маданий, иқтисодий, техноген муҳитда ва уларни шакллантирадиган геотизимларда ўрганадиган геоэкологиянинг ривожланишига олиб келди», деб ёзади [62; 7-б.]. Бундан кўриниб турибдики, жамият билан табиат ўртасидаги алоқадорликни ижтимоий–маданий жиҳатларини географик тадқиқ этиш МДҲ давлатларида ва Ўзбекистонда долзарб мавзулардан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Учинчи босқичда этноэкологик маданиятнинг таркибий қисмларини, унинг ҳудудий жиҳатларини бевосита *этноэкология, агарар этнология* йўналишларида асосий эътибор, халқларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажриба, кўникум ва малакаларини ўрганишга қаратилади. Шунингдек, халқларнинг моддий маданиятидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган томонларини ер ва сувдан фойдаланиш, қишлоқ қурилишидаги минтақавий фарқлар ва уларнинг табиий ҳамда ижтимоий–иқтисодий асослари ўрганилади [58; 57; 28;].

Кўп минг йиллик дехқончилик ва ирригация тарихига эга бўлган Фарғона водийси учун, хўжалик-маданий типлари ва тарихий географик вилоятлар ҳакидаги таълимотга асосланиб, ажратилган этноэкологик районлардаги *ер фонди, қишлоқ хўжалиги ерлари ва экин майдонлари* таркибини ва уни ўзгаришини ўрганиш ва сувдан фойдаланиши маданиятини экологик нуқтаи-назардан баҳолаш тўғри илмий, хулосалар чиқаришга,

хозирда мавжудгеоэкологик муаммоларнинг моҳиятига тўғри ташҳис қўйишга имкон беради [62].

Этноботаника, этнозоология –илмий йўналишларида, алоҳида этник гуруҳларни экосистеманинг ўсимлик, ҳайвонот дунёси ўртасида юзага келадиган муаммоларни ўрганади. Мазкур ёндашувда экосистеманинг тарихий ўзлаштирилиш жараёни, жамоанинг экологик мувозанатни сақлаши, ўсимликлар ва ҳайвонларни анъаналар ва инновацияларга мос ҳолда моддий ва маънавий ҳаёт доирасида мослаштириш, фойдаланилиши (дехқончилик, чорвачилик, овчилик, балиқчилик ва бошқ.) усуллари ўрганилади.

Шу билан бирга, жой номларини ўсимликномига қўйилиш ҳолатлари кенг тарқалган. Дунёдаги ўсимликларга қўйилган номлар орасида Фарғона ва Бухоро шаҳри номлари энг кўп учраши ҳам фикримизнинг далилидир [117; 169-б.].

Амалий этнология йўналишида дастлабки тадқиқотлар XIX асрда бошланган бўлса-да, XX асрнинг 30-40 йилларида этнологиянинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланди. Бу даврда мазкур йўналишнинг ривожланиши хорижда (Б.Британия, АҚШ) ҳам Россияда ҳам деярли бир ҳил мақсадни, колониал мустамлака тизимиға тортилган ёки тортилиши мумкин бўлган халқларни бошқариш механизмини ишлаб чиқиши ва такомиллаштиришни кўзлаган. Шу билан бирга бундай асарлардан [73; 74; 104;] бугунги кунда қатор илмий, илмий–амалий вазифаларни ҳал этишда фойдаланилиб келинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, юқоридаги тадқиқотчиларнинг кўпчилиги халқимизнинг табиатдан, айниқса ер-сувдан фойдаланиш соҳасидаги эришган ютуқларини, уларни экологик моҳиятини тўғри англаб етганлар. Бунга А.Ф.Миддендорфнинг Фарғона вилоятидаги обикор дехқончилик маданияти билан амалий танишиб, унга юксак баҳо бергани ва «...биз бу ишни Шарқ халқларидан ўрганишимиз керак», деб ёзганини мисол қилиб келтириш мумкин [74; 225-б.].

Этноэкологик маданиятнинг маънавий жиҳатлари этноэкология илмий йўналишининг этноэкотопонимика, экотеология, этнопедагогика каби йўналишларида тадқиқ этилади.

Экотопонимика – топонимика, этнология ва экология фанлари оралиғида шаклланаётган илмий йўналиш бўлиб, маҳаллий миллат томонидан қўйилган жой номларининг экологик функцияси ҳақида фикр юритилади. Жой номлари худуднинг ўзига хос географик ва экологик хусусиятларини ўзига мужассамлаштиради. Улар фанда экологик топонимлар деб аталмоқда [109; 110; 136].

«Экологик топонимлар» ибораси биринчи мартда 1993 йилда Х.Л.Ханмагомедов, томонидан ишлатилди. Экологик топонимлар деб «ўтмишдаги табиий-географик шароит ва ландшафтлар, этносларни янги ижтимоий-географик ва ландшафт муҳитига жойлашиши ва мослашишига таъсир этувчи омиллар, антропоген таъсир натижасида йўқ бўлган ландшафтлар, алоҳида ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида маълумот берувчи топонимларга айтилади» [109; 97-б.]. Бизнинг тадқиқотларда мазкур топонимларнинг асосий қисмини шу худудни ўзлаштирган этнослар томонидан қўйилганлигини, улар мазкур этнослар маънавий тилини таркибий қисми эканлигини эътиборга олиб, уларни этноэкологик топонимлар деб номлашни йўналишни эса, этноэкотопонимика деб юритиш мумкин. Терминлар чалкашлигига йўл қўймаслик учун бу ишда экологик топонимлар иборасини ишлатдик. Бу йўналишдаги тадқиқотларни экологик топонимларни таснифлашданбошлаш мақсадга мувофиқдир [55; 59; 136].

Экотеология- (Дин экологияси) йўналишни асосчиси швед тарихчisi О.Хульткранц [86] таърифи бўйича йўналишининг вазифаси атроф-муҳитни динга бўладиган бевосита таъсирини ўрганишдир. Бироқ, бугунги тушунчалар бўйича, атроф-муҳитнинг динга таъсири ёки аксинча диннинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсирини ўрганишни бир фан олдига вазифа қилиб қўйиш у қадар тўғри эмас. Бундай бир томонлама таъсирни ўрганишдан кўра, бу икки соҳанинг ўзаро алоқасини ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги

тадқиқотчилар томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, бугунги кунда табиий муҳитнинг динга ва диннинг табиий муҳитга таъсирини ўрганиш вазифаси фанлар ўртасида аниқ тақсимланди. М.Бюттнернинг таъкидлашича, «... эколог атроф муҳитнинг динга таъсир даражасини ўрганса, географ бунга қарама-қарши масалани – диннинг атроф-муҳитга таъсир даражасини ўрганади». Бироқ, В.А.Огудиннинг «Дин экологияси атроф-муҳит билан диннинг бир-бирига таъсирини эмас балки уларнинг ўзаро алоқасини ўрганади» деган фикри бугунги кундаги тадқиқотларга жумладан, мазкур ишни моҳиятига кўпроқ мос келади [86; 23-б.].

Муқаддас жойларни асраб авайлаш, бошқа табиат неъматларига нисбатан тежамкорлик билан муносабатда бўлиш каби диний ўтитлардан амалда фойдаланишнинг ижобий томонлари ҳақида маълумот берилади. Бунда ислом динидаги табиат неъматларига бўладиган муносабат, азиз ва муқаддас жойлар, зиёратгоҳлар ва уларнинг диний-экологик функцияси ҳақида тўпланган маълумотларнинг этноэкологик жиҳатларига тушунтириш берилади.

Этнопедагогика - педагогика билан этнология оралиғида шаклланган илмий йўналиш бўлиб, анъанавий халқ педагогикасини қиёсий ўрганиш, болага таълим-тарбия бериш усуллари, ўйинлар ва фольклордан фойдаланиш жиҳатларини тарғиб қиласида [65; 132-б.]. Ушбу тадқиқотда барча йўналишлардаги таълим-тарбия ишлари этноэкологик ёндашув асосида олиб борилади яъни, экологик ва этнологик (анъанавий, халқ) маданиятнинг қўшилиши натижасида олиб борилган тарбия экологик жиҳатидан етук бўлган ёшларни тарбиялашга кўмак беради. Экологик жиҳатдан тарбияли бўлган кишигина жамиятни барқарор ривожланиш йўлига олиб ўтишнинг бош омили бўла олади [75; 59-б.]. Халқимизга хос бўлган табиатнинг барча неъматларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уволдан қўрқиш каби ҳислатларни ёшлар онтига сингдириб бориш мазкур йўналишдаги тадқиқотлар марказида туради.

Тўртинчи босқичда ўрганилаётган ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун ландшафт-экологик режалаштириш ва инновацион экологик лойиҳалар яратиш бўйича этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб тавсиялар ишлаб чиқилади [62; 103; 131]. Геоэкологик тадқиқотларнинг марказий тушунчалари сифатида «алоҳида этнослар яшайдиган ҳудудда барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий усуулларидан бири сифатида этноэколандшафт мувозанати сақлаш олинмоқда» [38; 139-б.]. Бундай мувозанатни таъминлаш воситаси сифатида этноэкологик маданиятни географик ўрганиш, олинган натижаларни миңтақани барқарор ривожланишини таъминловчи режалаштириш жараёнида амалиётга татбиқ этиш зарурлигини К.Б.Клоков, К.П.Иванов, И.Ю.Гладкий, В.Н.Калуцков, М.В.Рагулина, Б.И.Кочуров, А.Нигматов, Ю.И.Аҳмадалиев ва бошқаларнинг тадқиқот натижалари кўрсатиб беради.

1.3. Ижтимоий экологик муаммоларнинг этногеографик жиҳатлари

Бугунги экологик муаммоларни юзага келишига сабаб, бўлаётган кўплаб омиллар орасида этногеографик омилларнинг ҳам борлигини ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларда ҳар томонлама асосланмоқда [62; 124; 38]. Мазкур тадқиқотда асосий эътибор, этносни ўзи шаклланган табиий-атроф мухитда узок вақт давомида турғун яшashi натижасида юзага келадиган этноэкологик маданиятини табиий-географик жиҳатларини ҳар томонлама тадқиқ этишга қаратилади. Албатта, этносларнинг ландшафт билан бўладиган ўзаро алоқаси доимо ривожланиб, такомиллашиб борадиган тарихий жараён бўлиб, бу жараёнга таъсир этадиган омиллар турли туман. Бугунги дунёқараш бўйича ривожланиш жараёнида анъаналар ўрнини тизимли ўзгаришлар, яъни инновациялар эгаллаб боради.

Табиатдан фойдаланиш соҳасида асрлар давомида шаклланган, давр синовларидан ўтган, миллий қадриятлар даражасига кўтарилиган, шарқона шукроналик, озга қаноат қилиш, исрофгарчиликдан, уволдан қўрқиши каби

хислатлари билан уйғунлашган аńана, тажриба, кўникма ва малакалар этноэкологик маданиятнинг асосини ташкил этади. Ҳозиргача ўтказилган тадқиқотларда бу маданиятга кўпроқ ўша давр ва муҳитдан келиб чиқиб баҳо берилди. Тўғри, бундай ёндашув ижтимоий-иқтисодий тараққиётни аниқроқ ифода этишга кўмаклашади, техника ва технологияни такомиллашиб боришини кузатиш имконини беради. Бироқ, мазкур тадқиқотда ҳалқимизнинг табиатдан фойдаланиш борасида тўплаган аńана, кўникма ва малакаларига этноэкологик маданият сифатида баҳо беришга ҳаракат қилинди. Бугунги экологик ва ижтимоий билимлар ойнаси орқали қаралса, бу оддийлик замирида яширган, ижтимоий-экологик мувозанатни сақловчи ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш маданияти кўринади. Бундай кўникма, малака, аńана ва одатларни инсоният эришганзамонавий илмий ва техник ютуқлар, инновациялар билан бойитиш, ижтимоий тараққиётни хисобга олиб қайта баҳолаб, хаётга тадбиқ этиш барқарор ривожланишнинг асосий шартларидан бири сифатида қаралмоқда [27; 64:].

Аńана ва инновацияларни амалиётга тадбиқ этишда жуда эҳтиёткорлик даркор, чунки аńанага кўпроқ эътибор бериш мутаассиблик ва турғунликка, инновацияларга кўпроқ берилиш бекарорлик, олдиндан айтиб бўйласлик ва бошқарувнинг заифлашувига олиб келиши мумкин.

Этноэкологик ёндашувда «она ёки боқувчи» ландшафтдан фойдаланувчи ҳалқлар томонидан тўпланган тажриба, кўникма ва малакаларни асраш, авлоддан авлодга бериш шу ҳалқнинг мавжуд бўлишининг асосий шарти эканлиги назарда тутилади [41; 427-б.]. Бизнинг ҳалқимизни ўз она ландшафтларига муносабатда юқоридаги шарт ва тамойилларга оғишмай амал қилиб келганликлари хорижлик олимлар томонидан кўп мартда таъкидланган. Табиат ва жамият олдидаги масъулият ҳисси, ўз ишларига садоқат билан ёндашишда, «Ўрта Осиёning ярим ёввойи ҳалқлари ғарбий Европанинг маданий ҳалқларидан анча илгарилаб кетганликлари» XIX-асрнинг 60-йилларида ёқ рус олими Н.Н.Раевский томонидан эътироф этилган [94; 7-б.]. Бундай ҳислатларни (афсуски,

уларнинг ўрнини кейинги 100 йилликда очофатлик балосига учраган, европача технократик дунёқараш ҳислатлари эгаллай бошлаган эди) тиклаш, қайта жонлантириш зарурдир. Бунга эришиш йўлларидан бири сифатида, инсон ва унинг табиат билан уйғунликда яшашини таъминловчи этноэкологик маданиятни ривожлантириш таклиф этилмокда.

Этноландшафт мувозанатини сақловчи тамойиллар замонавий «барқарор ривожланиш» ғоясига ҳамоҳанг эканлиги билан характерланади. Этноэкологик йўналишдаги «этнос-ландшафт-хўжалик» алоқаларини таҳлил қилишда Л.Н.Гумилевнинг «Боқувчи ландшафт» ҳақидаги ғояси Фарғона водийсига ўхшаш қишлоқ хўжалиги тармоқлари устун бўлган ҳудудлар учун мос келади. Бундай ландшафтларда «Этнос-ландшафт-хўжалик» алоқалари анча барқарор бўлиб, камдан-кам ҳоллардагина ўзгариши билан ажралиб туради [49; 104-б.]. Кўп ҳолларда бундай ўзгариш «ландшафт-этнос-хўжалик» тизимига бошқа, бегона этносларнинг кириши билан кузатилади.

«Этнос-ландшафт-хўжалик» ўртасида содир бўладиган ўзаро муносабатлар тарихий категория бўлиб, замон ва маконда ўзгариб туришикўп олимлар томонидан таъкидланган. Жумладан, Л.Н.Гумилев [41] бундай ўзгаришлар «боқувчи ландшафтга» бегона этносларнинг кириши билан юз беришини, ўзаро алоқага киришаётган этносларнинг бир-бирлари билан ва ландшафт билан алоқасининг ижобий ва салбий бўлиши, уларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Тарихчи олимлар М.Г.Левин, Н.Н.Чебоксаров [68] томонидан ишлаб чиқилган, Б.В.Анрианов [19] томонидан такомиллаштирилган хўжалик-маданий турлар ҳақидаги таълимотда эса, тарихий ривожланиш натижасида бир тур ўрнига янгиси, иккинчиси келиши мумкинлиги айтилади.

География фанида ишлаб чиқилганхудудий ташкил этишнинг асосий тамойиллари ҳам юқоридаги каби *тарихий* категория бўлиб, замон талабига мос равишда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тартибиға бўйсунган ҳолда, ўзгариб туради. Иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида, ҳудудий ташкил этиш тамойиллари, турлари ва шакли ҳам ўзгариши мумкин. Бу

холат табиатдан фойдаланиш жараёнида янада аникроқ намоён бўлиши, жаҳон мамлакатлари тажрибасида кузатилган [91].

Кўп асрлик, вақт синовига бардош берган, такрорлашлар ва янгиланишлар натижасида такомиллашиб борган, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тўпланган кўнирма ва малакалар йиғиндиси яъни *этноэкологик маданият* авлоддан авлодга бериб келинади. Халқларнинг миллий қадриятлари даражасига айланиб улгурган бундай маданиятнинг унутилиши ёки уни назарга илмаслик оқибатида дунёда кўплаб минтақавий экологик муаммолар келиб чиқган. Мазкур муаммоларнинг этногеографик илдизлари борлигини исботлаш учун, тарихда юз берган экологик муаммолар геоэкологик ёндашув асосида қайта ўрганиб чиқилди.

Ўрта Осиё каби қурғоқчил иқлим шароитидаги худудларда табиатдан фойдаланиш обикор дехқончилик билан боғлиқ. Бироқ, бу фаолият тури ҳар доим ҳам, кишилик жамияти кутганидек иқтисодий ривожланишга асосланган фаровон ҳаётга олиб келмаган. Табиат қонунларини менсимаслик, уларга зид ҳаракат қилиш орқали юз берган экологик фалокат, фожеалар тарихда кўп учрайди. Шулардан бири қадимги Бобил (Вавилон)да юз берди. Инсоният тарихида етти мўъжизанинг бири бўлган «Осма боғлар» яратилган, хукуқ олами ҳозиргача ўрганадиган «Ҳамураппи қонунлари» ёзилган, фотихлар Александр Македонский, форслар шохи Кир босқинига бардош берган, дунёдаги биринчи миллионер шаҳар пухта ўйланмаган гидротехник иншоот сабабли бир неча ўн йилликларда ер юзидан йўқ бўлиб кетганлиги бугунги экологик билимлар ойнаси орқали қаралганда маълум бўлди [41;428-6.].

Эрамиздан аввалги XIX - асрда Шарқий Арабистондаги Аморелар томонидан қурилган «Боб-эл» Аллоҳнинг дарвозаси деб эъзозланган шаҳарни эрамиздан аввалги 612 йилда Халделар қабиласи эгаллайди. Эрамиздан аввалги 582 йилда Бобил шохи Навуходоносор Миср маликаси Нитокрисга ўйланади. Малика Нил дарёсига қурилган ирригация иншоотларини бу ерда

ҳам қуриш орқали суғориладиган ерлардан кўпроқ фойда олишни таклиф қиласди. Натижада, Фурот дарёсидан сув олувчи Паллукат канали қурилди. Оқибатда, Фурот дарёси секин оқади, ётқизиқлар суғориш каналлари ва суғориладиган ерларни тўлдирди, канал оқиб ўтган худудларда тупроқнинг шўрлашиши юз берди, деҳқончилик ва боғдорчилик фойда бермай қўйди, суғориш иншоотларини тутиб туришга йилдан-йилга кўпроқ маблағ сарфланадиган бўлди. Оқибатда, йирик шаҳар ҳам ривожланаётган мамлакат ҳам инқирозга юз тутди (1-илова).

Маликанинг хатоси шаҳарни барбод қиласди деб ўйлаш нотўғри. Асосий сабаб шоҳнинг келгинди бўлгани, бу ерни босиб олганида. Агар шоҳ, маҳаллий аҳолидан бўлганида, ота-боболари қўллаб келган мелиорация усулини, этноэкологик маданиятнинг афзалликларини биларди ёки ҳамюртлари билан маслаҳатлашарди. Афсуски, шоҳ Холде, аскарлари араблар, маслаҳатчилар мисрлик яхудийлар эди. Уларни босиб олган мамлакатлар географияси устида бош қотиришга вақтлари йўқ эди, тезроқ ва кўпроқ фойда олиш бош мақсад қилиб олинган эди.

Мисрлик ирригаторлар ўз мелиорация усулларини Нилдан Фурот дарёсига меҳаник усулда кўчириб келганлар. Нил тўлин сув даврида (Виктория, Альбетт кўлларида тиниб),унумдор ил (лойқа) олиб келади, Ливия чўлида тупроқнинг шўрланиш хавфи кам, чунки худуднинг дренаж ҳолати яхши, ортиқча еrosti сувлари Ўрта Ер денгизига ташлаб юборилган.

Суғориш ишларини ташкил қилишдан олдин, жойнинг географик, гидрологик, гидрогеологик ҳолати пухта ўрганилган.

Нил дарёсидан фарқ қилиб, Фурот дарёси Арманистон тоғлигидан бошланади, тўлин сув даврида дарё майда шағал ва қум зарраларини олиб келади. Шунинг учун ҳам, Бобилликлар дарёга тўғон қурмасдан, кичик ариқ ва чархпалакларда унинг юза қисмидаги сувдан фойдаланганлар. Ортиқча сувни Дажла дарёси орқали денгизга ташлаб юборганлар. Бу эса, мазкур худудда узоқ вақт деҳқончилик барқарор ривожланишини таъминлайдиган ўзига хос «маданий ландшафт» шаклланишига олиб келган.

Афсуски, юқоридаги кабиҳолат, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Орол денгизи ҳавзасида ҳам тақрорланди. Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг қарори билан 1955 йилдан бошлаб, пахта экиш Россия, Украина, Мольдова, Грузия, Арманистон Республикаларида бутунлай тугатилиб, асосий ҳосилни Орол ҳавзасидан олиш учун янги ерларни ўзлаштириш бошланди [95; 28-30 б.]. 1965 йилга келиб, бу ҳавзада сүғориладиган майдонлар 2,8 млн. гектарга кўпайди. Курилган каналлар ва сув омборлари дарёлар режимига салбий таъсир кўрсатди. Адабиётларда қайд этилишича, 1961 йилдан Орол дengизининг сатҳи пасая бошлади [89]. Маҳаллий олимлар ва кенг жамоатчиликни Оролни ҳам Каспий ва Байкал кўллари каби кутқариш керак деган фикрларига Ўрта Осиё «билимдони»хисобланган олим С.Ю.Геллер шундай жавоб ёзди: «Орол муаммосини муҳокама қилишда, уни Каспийга қиёслаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки сувдан фойдаланишдан келадиган иқтисодий самара турлича, қолаверса дарё суви бутунлай сүғоришга ишлатилса, Оролдаги балиқчиликдан 100 марта кўп фойда олиш мумкин» [89; 7-б.].

Бундан ташқари бу «олим» Орол тубидан шамол учирадиган тузлар ҳам, Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг сүғориладиган районлари учун ҳавф тутғирмаслигини «башорат» қилган эди.

Оролни кутқариш имкониятини бутунлай қўлдан берилишига Россиялик инженер И.А.Герарди томонидан ишлаб чиқилган гидротехник иншоот лойиҳаси сабаб бўлди. Унга кўра, 1976-1980 йилларда «Шимол ва Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиё, Қозогистон ва Волга ҳавзаси дарёларига буриш» ҳақидаги ғоя илгари сурилди [88]. Бу ҳаёлий иншоотни қуриш эмас, балки, лойиҳа борлигининг ўзи Орол фожеасини яқинлаштириди, чунки ким Орол тақдиди ҳақида гапирса, унинг сўзи Сибирдан келадиган ҳаёлий дарёлар суви билан беркитилди. Орол фожиаси узоқ вақт омма назаридан яширилиб, сир сақланди (2-илова).

Шу соҳани ўрганган тарихчи олим О.Комиловнинг ёзишича;-«Сув хўжалиги идоралари раҳбар кадрлари таркибининг қарийб 90 фоизини

европа (рус) миллатига мансуб шахслар ташкил қилди. Уларнинг маҳаллий шарт-шароитни билиш-билмаслиги, тажриба ва малакаси умуман эътиборга олинмади. Чунки, собиқ ҳукуматга фақат Иттифоқ манфаатини ўйлайдиган ва унга ғамхўрлик қиласидиган кадрларгина зарур эди [60; 281-б.].

Юқоридаги мисоллардан, ҳар қандай гидроотехник иншоотлар ҳам, фожеали оқибатларга олиб келар экан деб хулоса чиқариш нотўғри. Чунки, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Хоразм каби дунё цивилизацияси марказларига айланган минтақалар ҳам, минг йилликлар давомида сугориб келинган ва табиатдан фойдаланишининг мазкур тури бу ҳудудларнинг гуллаб яшнашига сабаб бўлган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, гидротехник иншоотлар куйидаги ҳолатларда аянчли ижтимоий-экологик оқибатларни келтириб чиқариши мумкин:

Биринчидан, иншоот қурилиш оқибатлари пухта ўйланмаганда, жойнинг табиий географик хусусиятлари ҳар томонлама кенг ўрганилмаганда, ёки бугунги тушунчалар билан айтганда экологик экспертиза ўтказилмаганда;

Иккинчидан, бошқа жойдан келганлар (тарихда босқинчилар) иншоотлар қурилишига раҳбарлик ва ҳомийлик қилганда, бирданига қўп ва хўп фойда қўриш мақсад қилиб қўйилганда, бугунги тушунчалар бўйича инвесторларни жой табиатини ўрганишга вақт ва маблағ сарфлашга тоқатлари бўлмаганда [41];

Учинчидан, гидротехник иншоот қурилишида гигантоманияга берилиб, жой табиатига сингиб кетмайдиган ниҳоятда катта иншоотлар қурилганда.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича қурилган иншоотлар экология фанидаги «эски автомобил» тамойили бўйича ишлайди, яъни вақт ўтган сари иншоотни ишлатишга сарфланадиган маблағлар ортиб, ундан олинадиган иқтисодий самара камайиб бораверади [99; 393-б.] Бундай иншоотларнинг ҳудудда бўлиши нафақат самарасиз, балки жуда ҳатарли ҳамдир. Россиянинг Сяно-Шушенск ГЭСи да 2009 йил 17 августда юз берган, 75 нафар инсон хаётга зомин бўлган, Енисей дарёсининг 130 км узунлиқдаги қисмини

трансформатор мойи билан ифлослаган фожиали авария фикримизнинг ёрқин исботидир [96].

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланган, табиат билан уйғунликда яратилган, унинг қонунлариға мослашувга асосланган, миллий қадриятлар даражасига күтарилигандар, географик асосга эга бўлган, экологик маданиятни менсимаслик, уни бутунлай инкор этиш юқоридаги каби аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда йирик магистрал каналлар, сув омборлари қуриш билан олиб бориладиган технократик йўлдан ташқари, қатра сувни тежашга, оқар сувлар йўналиши ва режимини ўзгартирмасликка, сувдан навбатлашиб фойдаланишга, қўшни ҳалқларни сувга бўлган эҳтиёжига ҳурмат билан қарашга асосланган, минг йиллар давомида синовдан ўтган этногеографик йўналиш ҳам борлигинитадқиқотлар кўрсатмокда.

Бугунги кунда география фанида этноэкологик маданият намуналарини ҳаётга татбиқ этишнинг воситаси сифатида ландшафтли режалаштиришдан фойдаланиш тавсия этилади [62; 67; 103; 131]. Бунинг сабаби, этноэкологик маданият ва ландшафт-экологик режалаштириш асосида табиатдан фойдаланишнинг тамойилларини бир-бирига мос тушиши таъкидланмоқда.

Замонавий фанда ландшафт-экологик режалаштириш деганда – хўжалик фаолияти натижасида табиатга етказиладиган зарарни олдини олиш ёки камайтириш билан бирга инсонлар фаолият юритиши учун қулай шароит яратиш ёки мавжудларини сақлаб қолишига қаратилган фаолият тури тушунилади [140; 24-б.]. Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, экологик-ландшафтли режалаштиришни худудий режалаштириш таркибий қисми бўлганлиги учун, бу ерда барча тармоқларнинг манфаатлари тўқнашади. Ишлаб чиқариш тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт) ландшафт ва унинг компонентлари имкониятидан максимал фойдаланишга ҳарақат қиласидилар. Бироқ, ландшафт «манфаати» ва

имкониятини эътиборга олиш ҳам зарур бўлади. Мазкур қарама-қаршиликларни келиштириш (компромисс), мувофиқлаштириш ландшафт-экологик режалаштиришнинг асосини ташкил этади.

Ландшафт экологик режалаштириш билан этноэкологик маданият асосида ташкил этилган табиатдан фойдаланишни табиий-тарихий турининг тамойиллари деярли бир ҳил бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Табиатдан фойдаланишнинг мазкур туридаги асосий тамойил: табиатдан фойдаланувчи тармоқларни ландшафт талабига мослаштириш, унга зарар етказмасдан унинг имкониятларидан тўла фойдаланишдир [58]. Бу тамойил ландшафт-экологик режалаштиришда ҳам қўлланиб хорижий мамлакатларда, жумладан Германия, Франция, Буюк Британия ва АҚШда яратилган норматив база асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Европа Иттифоқи давлатлари учун 2000 йил 20 октябрда Францияда қабул қилинган «Европа ландшафт конвенцияси»дан режалаштиришини ҳуқуқий асоси сифатида фойдаланилиб келинмоқда [103; 37-б.].

Этноэкологик маданият намуналаридан ландшафт экологик режалаштириш жараёнида қўллаш учун АҚШда ишлаб чиқилган «ландшафтли режалаштириш усули» кўпроқмос келади [131]. Бу усул бўйича ландшафтли режалаштириш ҳам 4 та босқичда амалга оширилиб, ҳар бир босқич этноэкологик тадқиқотларда қўлланиладиган маълумотлар йиғиш, баҳолаш, таснифлаш, тавсиялар бериш босқичларни (1.2.2.-расм) ўзида жамлайди.

Биринчи боб бўйича хulosалар

Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларини барқарор-лаштириш, юзага келаётган минтақавий экологик муаммоларни ҳал этишда маҳаллий халқларнинг анъанавий табиатдан фойдаланиш маданиятини ўрганувчи этноэкологик тадқиқотларга бўлган эҳтиёж ва талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Бирок, узоқ йиллар мобайнида хукмрон бўлганшўро мафкураси, «географик детерминизм»да айбланишдан қўрқиши ҳисси бу йўналишнинг илмий-назарий асосларини етарлича ривожлантириш

имконини бермади. Этноэкологик тадқиқотларнинг географик йўналишларини назарий-методологик асосларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

География йўналишидаги этноэкологик тадқиқотларнинг обьекти сифатида этноэкологик маданиятнинг барча йўналиш ва элементлари эмас балки, географиянинг 3 та методологик талабга жавоб берадиган, яъни худудий мазмунга эга, карталаштириш имконияти мавжуд ва уни тадқиқ этиш географик қобиқ учун янги билимлар берадиган йўналишлари танлаб олинади. Шунга кўра, этноэкологик маданиятни моддий йўналишидан ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ва аҳоли масканлари бунёд этиши, маънавий йўналишларидан эса, жойларга ном берииш, диний эътиқодни муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжсолар ташкил этиш маданияти ҳамда, этноэкологик таълим тарбиянинг худудий жиҳатларини ўрганиш ажратиб олинди.

Маҳаллий аҳоли томонидан қўлланиб келинган табиатдан фойдаланиш маданиятининг кескин ўзгартирилиши барча тарихий даврларда салбий экологик оқибатларни келтириб чиқарганлиги тарихий экспурс ёрдамида аникланди. Айниқса, қуруқ иқлимли худудларда маҳаллий этносларнинг ер-сувдан фойдаланиш маданиятини менсимаслик, эътиборга олмаслик, антик даврларда ҳам, (Бобил фожиаси) бизнинг давримизда ҳам, (Орол муаммоси) салбий экологик оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тадқиқотлар натижасида кўрсатиб берилди.

Бугунги кунда география фанида этноэкологик маданият тамоиллари ни ҳаётга тадбиқ этишнинг воситаси сифатида ландшафтли режалаштиришдан фойдаланиш мумкинлиги ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан Германия, Франция, Буюк Британия ва АҚШ мисолида ўрганилди.

2-БОБ. ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ТАДҚИҚ ЭТИШГА ИЖТИМОЙ-ГЕОГРАФИК ЁНДАШУВ

2.1. Этноэкологик маданиятни ўрганишга ижтимоий-географик ёндашувнинг зарурати

Этноэкологик тадқиқотлар олиб боришда мажмуали ёндашув алоҳида аҳамият касб этади, сабаби, бу тадқиқотларни бир вақтнинг ўзида табиий ҳамда ижтимоий моҳиятга эгадир. Тадқиқотда ечимини кутаётган муаммоларнинг катта қисми табиий-экологик характерда бўлсада, уларнинг ечимида ижтимоий-тариҳий масалаларни ҳал этилиши катта ўрин тутади. Шунинг учун, тадқиқот ишида мажмуали қарашларни ўзида мужассамлаган тариҳий ҳамда, экотизимли ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилади [24; 58; 59; 123;].

Бугунги кунда, кишилик жамияти олдидаги экологик хавф-хатарни бартараф этиш ва ривожланишининг барқарор йўлига ўтиш концепцияси бўйича кишилик жамиятида бир неча минг йилликлар давомида доимо ўзгариб келган, геоэкология илмий йўналишининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланган, табиатдан фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори, аҳолининг сони, табиий ресурслардан фойдаланиш қўлами, табиатдаги антропоген босим миқдори, экологик ва этноэкологик ландшафт мувозанати каби кўрсаткичларни ўзгаришини макон ва замонда назорат қилиш зарурати пайдо бўлмоқда [140]. Бу эса, ўз навбатида экологик мувозанатни сақлаб қолишга инновацион қарашлар билан бир қатордатарихий ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Иқтисодий ва ижтимоий географиядакишилик жамиятини худудий ташкил этиш тамойиллари, турлари ва шакли турли омиллар таъсирида ўзгариши мумкин. Бу ҳолат табиатдан, жумладан, ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида янада аниқроқ намоён бўлиши мумкинligини жаҳон мамлакатлари мисолида В.А.Пуляркин томонидан асослаб берилган [91; 104-6.]. Ушбу методологик асосларга таяниб, тахлил қилинганда,


минтақавийшароитда табиий ресурслардан фойдаланишни худудий ташкил этишнинг учта турини ажратиш Ю.И.Аҳмадалиев томонидан таклиф қилинган. Бу турларниҳам, табиатдан фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб, шартли равиша *табиий-ташкилий, товар-мақсадли ва дастур – мақсадли* деб аталган [24; 129-б.].

Фарғона водийсида XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар, мавжуд бўлган, худуднинг табиий имкониятлардан фойдаланишга асосланган табиатдан фойдаланишнинг дастлабки турини биз *табиий-тарихий тур деб атадик, сабаби бу даврда масаланинг ташкилий жиҳатлари у қадар ривожланмаган*. Табиатдан фойдаланишни худудий ташкил этишнинг бу турида рельеф, иқлим, тупроқ хусусиятлари, водийнинг ёпиқ ўрни ҳамда, аҳолининг миллий-этник хусусиятлари, кўникма, малака ва одатлари ҳисобга олинган. Бу тур, одатда, узоқ тарихий вақт давомида шаклланиб, унда тўпланган кўникма, малака ва тажрибалар табиат билан уйғун, мутаносиб алоқадорликка асосланади. Бинобарин, экологик нуқтаи-назардан қаралганда, бу тур энг мустаҳкам бўлиб, шу мақсадда ўрганишга арзийди.

Агар «Этнос-ландшафт-хўжалик» тизимининг ўзаро муносабатлари «геотрион»лар шаклида жойлаштирилса, асосий оғирлик юки хўжаликка тушаётганлигини, хўжаликни худудий ташкил этища уни ландшафт кўраткичларига мувофиқ, уни талабларига мослаб, олиб борилаётганлиги намоён бўлади. Этноснинг ландшафт талабларига мос келадиган хўжалик кўрсаткичларигина «кўникма-малака-анъана» сифатида сақланиб қолинаётганлиги намоён бўлади. «Этнос-ландшафт-хўжалик» муносабатлари ривожланиб бориши билан ҳар қандай минтақада табиий ландшафтларнинг (биосфера) миқдори қисқариб, унинг ўрнини хўжалик (техносфера) кўрсаткичлари эгаллай бошлайди (**2.1.1.-расм**).

«Этнос-ландшафт-хўжалик» тизимидағи муносабатлар такомиллашиб боргани сари, [24; 68;] биринчи тур ўрнини навбатдаги табиатдан фойдаланишни худудий ташкил этишнинг *товар-мақсадли тури* эгаллайди. Бу турда минтақанинг табиий имкониятлари билан бир қаторда субъектив

омиллар (масалан, товар экинларига бўлган талабнинг ортиши, бегона этносларнинг ландшафтга кириб келиши) ҳам эътиборга олинади. Натижада, худуднинг табиий ландшафт хусусиятлари кўпроқ ўзгартирилади, илмий-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланилади. Иқтисодий самарадорлик юқори бўлса-да, оқибатда геоэкологик муаммоларнинг келиб чиқиши учун замин тайёрланади. Бу тур Фарғона водийсида 1876 йилдан 1991 йилгача бўлган даврда мавжуд бўлган.



2.1.1.-расм. Табиатдан фойдаланишда «ландшафт-этнос-хўжалик» тизимининг ўзариши

«Этнос-ландшафт-хўжалик» тизимининг ўзаро муносабатларини «геотрион»лар шаклидан асосий оғирлик юки ландшафтга тушаётганлигини кузатиш мумкин. Ландшафтни мажбуран хўжалик кўрсаткичларига мослаш, мелиорация ва ирригация ишларини керагидан ортиқча кучайтириш, дарёлар режими ва йўналишларини ўзгартириш кузатилади. Бизнинг шароитимизда ирригация ишлари машина (насос) ёрдамида олиб борилиб, сув чиқариш мутлақо таъқиқланган худудлар (масалан, адирлар) сугорилади. Экологик нуқтаи-назардан бундай ёндашувни Н.Ф.Реймерс «табиатга жарроҳлик йўли

билан аралашув» деб баҳолайди ва занжир реакцияси тарзидаги экологик муаммоларни келтириб чиқаришини ёзади [99; 393-б.]. Бундай турда мазкур тадқиқот учун энг муҳим бўлган жиҳат маҳаллий этнослар билан улар худудига кириб келган (ёки босиб олган) «илғор» этнослар ўзаро алоқага киришадилар. Л.Н.Гумелев фикрича, «илғор, бегона ёки келгинди» этнослар табиатдан фойдаланишдаги ўз ландшафтларида қўллаган техник жиҳатдан юқори бўлган усулларни маҳаллий этносларга ўргатиб, уларнинг ландшафтларида қўллай бошлайдилар [41; 427 б.]. Бу эса, ландшафт имкониятлари пухта ўрганилмаса, 1.3.-параграфда кўрсатиб ўтилганидек, фожиали экологик оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Этнос-ландшафт-хўжалик» тизими муносабатларининг учинчи яъни «дастур-мақсадли тури» табиатдан фойдаланишни барқарор ривожланиш тамойилларига асосланиб, хўжалик юритаётган, илғор ривожланган мустақил давлатлар учун ҳосдир. Фарфона водийсида бу турга ўтиш мустақиллигимиздан сўнг, амалга оширила бошланди. «Этнос-ландшафт-хўжалик» нинг ўзаро муносабатларини акс эттирувчи «геотрион»ларда ҳар бир компонентга тенг миқдорда оғирлик юки тушаётганлигини кўриш мумкин. Бироқ, бу турда ҳам, биосферанинг ўрнини кўпроқ техносфера ва этносфера эгаллаб бораётганлигини чизмадан кўриш мумкин.

Бу турда барқарор ривожланишини таъминловчи ландшафтли режалаштириш, инновацион экологик лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилади [62; 105-б.]. Бунинг учун, юқоридаги икки турни пухта таҳлил қилиб, уларнинг биринчисини ижтимоий-экологик, иккинчисини иқтисодий-технологик жиҳатдан ибратли ютуқлар дастур мақсадли тур учун танлаб олинади.

Мазкур тадқиқотни мақсади, этноэкологик маданиятни географик жиҳатларини тадқиқ этиш бўлганлигидан бу ерда табиий ва ижтимоий йўналишларни бир вақтда ўрганиш имкониятини берувчи тизимли ёндашув зарур бўлади. Сабаби, этноэкологик маданиятнинг элементлари сифатида ижтимоий, иқтисодий, табиий ва экологик кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик олинади.

Этноэкологик маданиятни ўрганишни географик билимларда дастлаб, тарихий ёндашувда кузатилгани каби районлаштириш масаласи кўриб чиқилади. Бунда «этник худуд», «этник макон»,«этник чегара»,«этник ядро» тушунчаларига эътибор қаратилади [38; 152-б.]. Бироқ, Фарғона водийси каби турли этнослар аралашиб кетган, кичик худудларда юқоридаги бирликлардан фойдаланиш имконияти деярли йўқ. Шунинг учун юқоридаги бирликлардан кичик худудларни ўрганиш учун «этник ядро» тушунчаси кўлланади. Этноснинг кичик бирликларини (субэтнос) ёки тарихий-этнографик районларни ажратишида мазкур этнос вакилларини ўзига бирлаштириб турувчиэтномаданий марказлар алоҳида аҳамияига эга [49; 124-б.]. Улар ажратилган районнинг этноэкологик маданияти шаклланган жой сифатида алоҳида ўрин эгаллади. Кўп ҳолларда бундай масканлар илоҳийлаштирилиб, муқаддас қадамжоларга,зиёратгоҳларга айлантирилади. Ҳар бир этноландшафт зонаси ягона табиий-тарихий худуд сифатида бир-бутун, яхлит чегараларга эга район сифатида мавжуд бўлиши илмий асосланган [24; 108-б.]. Мазкур зоналардаги табиий шароитни кишилик маданиятига таъсир этиши ва аксинча кишилик маданиятини табиий шароитни ўзгартиришга ўтказадиган таъсири М.Г.Левин, Н.Н.Чебоксаров (1955), Б.Андрянов (1975) томонидан ишлаб чиқилган «хўжалик-маданий турлар» ва «тарихий этнографик вилоятлар» тўғрисидаги концепцияда очиб берилган.

Тарихий маданий (этнографик) вилоятлар ягона тарихий тақдири,ҳамда ўхшаш ландшафтларда яшовчи халқларнинг узоқ йиллик ўзаро таъсиrlари натижасида маълум маданий жамоада шаклланади. Бундай вилоятларда вақт ва ҳудудда маҳаллий ўзига хос хусусиятларга, умумий моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган этник тизимлар вужудга келади. Ушбу тадқиқотда бундай тизим сифатида район, ундан кичик бирликсифатида этномаданий ландшафт ажратилди. Тилшунос олим Н.И.Толстой (1995) томонидан фанга киритилган бу ибора бўйича, этномаданий ландшафт бу- анъанавий этник ландшафтдир. Уни ажратишнинг асосий минтақавий-маҳаллий мезонлари


сифатида анъанавий табиатдан фойдаланиш шаклларининг сақланганлиги, анъанавий қурилиш ва архитектуранинг мавжудлиги, тил ва фольклор анъаналарининг сақланганлиги, анъанавий этиқодга амал қилиш, жойнинг тимсоли ва номининг сақланганлиги каби хусусиятлар олинади. Шу билан бирга, этнос вакиллари ўзининг қайси субэтник маданий қатламга мансублигини тан олиши, масофадан ёки яқинлашишига қараб марказни ўзгариб бориши тамоили эътиборга олинади. Айтайлик, Тошкентда ўзини Марғилонлик деб таништирган этнос вакили – Олтиариқ, Қўштепа, Тошлоқ, Ёзёвон ва хатто Қува туманларидан бўлиши, Марғилонни этник ядро сифатида тан олишини назарда тутади.

Этномаданий ландшафтни географик тадқиқ этишда, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, предметлараро ёндашув талаб қилинади. Этномаданий ландшафт компонентларини табиатшунослик ва маданиятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мумкинлиги таклиф этилади [54; 91-б.]. Мазкур тадқиқот марказга дастлаб, табиий ландшафт кўрсаткичлари қўйилади, маданиятни аникроғи экологик маданият кўрсаткичлари периферияда ўрганилади. Этноэкологик тадқиқотларда этноландшафтни таркибиға рельеф, иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик, хайвонот дунёси ва этник жамоа киритилади. Кейинги босқичда, объектни тизимли таҳлил қилиш мадсадида маданиятшунослик кўрсаткичлари диққат марказига олинганда табиий атроф-мухит маданият учун табиий географик вазият сифатида ўрганилади, унинг таркибидатабиий-мухитдан ташқари, кишилик жамоси, хўжалик, аҳоли маскани, тил, маънавий маданият киритилади [38; 114-б.].

Этноэкологик маданиятнинг предметлараро характерини эътиборга олиб, уни тизимли тадқиқ этиш В.Н.Калуцков томонидан таклиф этилган «ромашка» модели услубидан фойдаланиш мумкин [54; 72-б.] Бу модел қуидаги имкониятлари билан ажralиб туради, биринчидан; объектни тадқиқ этишда мажмуалилик, бир-бутунлилик, яҳлитлик таъминланади, иккинчидан; юқоридаги ҳолатлар тадқиқотчини ландшафтни ўзаро ички алоқаларини эътиборга олишга йўналтиради, учинчидан; бир хил йўналишдаги

тадқиқотларда, масалан: географ табиий-муҳитни, тил тизими ни-диалектолог, фолькларни-фольклоршунос ўрганади. Маданий ландшафтни бир бутун ўрганишда эса, тадқиқотчи фақатгина этноландшафтнинг алоҳида олинган компонентларини эмас, балки улар ўртасидаги ички (тизимли) алоқаларни ўрганишга эътибор қаратади.

Этноэкологик маданиятни географик тадқиқ этишда, биз ҳам юқоридаги методик асосга таянган ҳолда қуидагича кўринишдаги ўзига хос моделни ишлаб чиқдик (2.1.2-расм).



2.1.2-расм. Этноэкологик маданиятнинг таркибий қисмлари.

Этноэкологик маданиятнинг таркибий қисмларини ўрганишда ҳар бир компонентни экологик жиҳатидан аҳамиятли томонларига диққатни қаратиш зарур.

Дастлабки тадқиқотларда этноэкологик маданиятнинг моддий таркибий қисми ўрганилади. Табиий ландшафт шароити ва ресурслар этноэкологик маданиятни «атроф-табиий муҳит» блокида ўрганиб чиқилади. Бу босқичда бир хил экологик шароитга эга бўлган ландшафт турлари ажратиб олинади. Асосий эътибор минтақадаги табиий ландшафт

кўрсаткичларига, уларнинг дифференциясига таъсир қилувчи омилларга қаратилади. Фарғона водийси шароитида бундай кўрсаткичлар сифатида рельеф шакли, тупроқ тури ва иқлим кўрсаткичлари ўрганилади. Бу турлар водийдаги этноэкологик районларни ажратиш учун асос бўлиб хизмат қиласи, ҳамда анъанавий-хўжалик турларини юзага келишига сабаб бўлади. Бу асосда ажратилган этноландшафт минтақалар ва этноэкологик районлар доирасида экологик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлган хўжалик (қишлоқ хўжалиги) ва этник (кўникма, малака ва анъаналар) кўрсаткичлар таҳлил этилади.

«Анъанавий хўжалик» юритиш тизимидан ер ва сувдан фойдаланиш маданияти ва уларнинг экологик асосига эътибор қаратилади. Бугунги кундаги экологик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлаётган хўжалик кўрсаткичларидан ер ва сувдан фойдаланишнинг худудий жиҳатларини этноэкологик йўналишда ўрганиш зарур хисобланади. Жумладан,

а) этноэкологик район худудини хўжалик тармоқлари бўйича тақсимланиши, қишлоқ хўжалик ерларининг худудий жойлашиши (суғориладиган ҳайдов ерлар, яйловлар, боғ ва томорқалар) нинг ландшафт кўрсаткичларига мослиги, ҳар бир этноэкологик райондаги экин майдонларининг таркиби ва уларнинг ўзгариши, табиий ландшафт кўрсаткичларига мос тақсимланиши;

б) анъанавий мелиорация ва ирригация ишларининг ташкил этилиши, тупроқка ишлов бериш ва ўғитлаш, суғориш турлари ва усулларини танлаш, навбатлашиб суғоришнинг этноэкологик моҳияти, суғориш тизимини ва маъмурий-худудий бошқарувнинг ўзига хос ижтимоий-экологик жиҳатлари.

Анъанавий хўжалик шаклларини (дехқончилик, чорвачилик, томорқа хўжалиги) минтақада қисман сақлаб қолиш этноэкологик маданиятни бошқа компонентларини ҳам сақлаб қолишга имконият яратади ва аксинча анъанавий хўжаликни бирданига вайрон қилиш бутун этноэкологик маданиятнинг йўқ бўлишига ва фожиали этноэкологик оқибатларга олиб келиши мумкин [41; 428-6].

Этноэкологик маданиятнинг «аҳоли маскани» блокида аҳоли масканларининг худудий жойлашуви ва унга таъсир этувчи географик омиллар ҳар томонламатаҳлил этилади. Аҳоли масканларининг худудий жойлашишига сабаб бўлган ижтимоий-экологик омиллар, аҳоли масканини номи ва уни этимологияси, унда табиий ва ижтимоий шароитни акс эттириши, аҳолининг этник таркиби кўриб чиқилади [54; 48;].

Аҳоли масканларининг конфигурацияси ва уларнинг ландшафт турига, хўжалик кўрсаткичларидан сугориш тизимига, транспортва бозор иқтисодиёти талабаларига мослиги ўрганилади. Аҳоли масканларининг экологик омиллар таъсиридаги ўзига хос хусусиятлари (улардаги қадамжолар, зиёратгоҳлар, «экологик сокинлик ҳудудлари») картографик усулда таҳлил этилади.

Этноэкологик маданиятнинг «этник жамоа» блокида -этнологик, ижтимоий-оилавий, конфессионал жиҳатларда ўрганиш мумкин. Ҳар қандай маданий ландшафтни ўз жамоаси бўлади, бу жамоа ландшафтнинг таркибий қисми ҳисобланиб, уни ўзини она ландшафти (боқувчи ландшафт каби) деб ҳисоблайди ва ундан фойдаланишни ташкил этади. Этносларнинг тури, демографик кўрсаткичлари, хўжаликнинг қайси тармоғида қўпроқ бандлиги каби кўрсаткичлар мазкур блокда алоҳида ўрганилади. Кейинги йилларда этник жамоанинг «жой» тимсолига муносабати, уни географик қўшиқларда ифодалаш усулларига алоҳида эътибор берилмоқда [54; 224-б.].

Этноэкологик маданият таркибидаги «тил» блоки -жамоанинг ўзи учун дунё қиёфасини яратади, маҳаллий ҳалқ географик терминлари, топонимлар тизими орқали этномаданий ландшафтни табиий ва маданий хусусиятларини ўзида жамлайди. Жойнинг табиий-экологик хусусиятлари (рельефи, тупроғи, гидрогеологик ҳолати, ўсимлик-ҳайвонот дунёси) у жой хўжалик фаолиятига тортилгандан сўнг юз бериши мумкин бўлган экологик ўзгаришлар, у ерда яшовчи этнослар ҳақида маълумот беради [109; 114;]. Географик терминларнинг индикаторлик функцияси ва уларни экологик мувозанатни

сақлашдаги ўрнимазкур худуд учун энг мақбул бўлган дараҳт ва экин турларини аниқлаш каби масалалар кўриб чиқилади.

Этноэкологик маданиятнинг «маънавий мерос» блокида этносларнинг диний эътиқодийўналишида муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг худудий жойлашиши, экологик функцияси, диннинг экологик тавсиялари, таъкиқлари, кўрсатмалари ўрганилади.

Этноэкологик маданиятнинг тил ва маънавий компонентлари юқоридагилардан ташқари қўшимча функцияни бажариши ҳақида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Бу компонентлар этноэкологик маданиятнинг бошқа компонентларни тасвирлаш, сақлаб қолиш, макон ва замонда узатиш (ретрансляция) вазифасини ҳам бажаради [54; 69-б.]. Мазкур компонентларнинг бу функцияси бизнингча, экологик таълим-тарбия жараёни, ҳамда этноэкологик маданиятдан фойдаланиб, минтақада барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши билан хамоҳангdir.

Бундай методологик ёндашувда этноэкологик маданиятнинг ҳар бир компонентидан бизнинг тадқиқотимиз учун зарур бўлган, барқарор ривожаланишни таъминловчи, экологик мувозанатни сақловчи жиҳатларини ажратиб олиш имконияти яратилади.

Мазкур ёндашувда тадқиқот марказига экологик мувозанатни сақловчи этноэкологик маданият намуналарини табиий ва ижтимоий географик мөхиятларини очиб беришга ҳаракат қилинади. Бунда этносларнинг ҳаётни таъминлаш тизимидағи мослашувчанлигига эътибор қаратилди. Этносларнинг атроф муҳитга табиий, моддий, ижтимоий ва психологик мослашувчанлиги жамиятда этнодемографик, этномаданий, этноландшафт мувозанатини сақлаш ва барқарор ривожланишга ўтишнинг асоси сифатида қаралади.

2.2. Этноэкологик маданиятнинг ҳудудий жиҳатларини ижтимоий-географик тадқиқ этиш усуллари

Фанда ҳар қандай ҳодиса ёки объект турли усуллар ёрдамида тадқиқ этилгандагина ижобий натижага эришиш, улар ҳақида тўлақонли, хақоний маълумотлар базасини яратиш мумкин бўлади. Мазкур тадқиқот иши моҳиятидан келиб чиқиб унда районлаштириш, қиёсий типология, картографик, топономик усуллардан фойдаланилади.

Этноэкологик маданиятнинг келиб чиқиши генезисини ўрганишда районлаштириш усули қўл келади. Бир хил этнослар ёки бир хил тарихий-географик вилоятларда шаклланадиган этноэкологик маданият турларига табиий омилнинг таъсирини ўрганишда мазкур усулнинг афзаликлари юқори.

Дастлаб ажратиб олинган ҳудудий обеъктда типология ва районлаштириш ўтказилади. Бу усулдан фойдаланишда география фанида қўлланган малакалардан фойдаланилади. Этноэкологик маданиятни ҳудудий жиҳатларини тадқиқ этишда «ландшафт-аҳоли-хўжалик» кўрсаткичларининг бир вақтда ҳисобга олинишига имконият яратувчи этно-экологик районлаштириш ўтказилади. Бундай районлаштириш ўтказиш усул ва мезонлари пухта ишлаб чиқилган [24; 42; 46].

Қиёсий усулдан фойдаланиб таҳлил этилиши назарда тутилаётган этноэкологик маданиятни ҳудуддий жиҳатлари яъни, тарқалиш чегаралари ўрганилади.

Мазкур ишда ажратиб олинган этноэкологик районларда этноэкологик маданиятнинг 3 та қўриниши чукур таҳлил этилади. Табиий ресурслардан (ер ва сувдан) фойдаланиш маданияти, аҳоли масканларини жойлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги этноэкологик маданиятнинг топонимик ва диний ҳудудий жиҳатлари районлар доирасида ўрганиб чиқилади.

Биринчи босқичда этноэкологик районлардаги табиатдан фойдаланишнинг табиий-тарихий турида ер фондининг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланиши ўрганилади ва кўрсаткичларни ўзгариб бориши районлар доирасида кузатилади. Ҳар бир райондаги экологик функцияни бажарувчи [62] ер турларини ўзгаришига эътибор қаратилади, масалан, «ўрмон боғлар», қўриқ, бўз ерлар, яйловлар эгаллаган майдонларни фоиз ҳисобидаги ўзгаришига эътибор берилади.

Иккинчи босқичда қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби таҳлил қилинади, суғориладиган ерлар, ҳайдаладиган ерлар, боғлар, қўриқ ерларнинг миқдори ўрганиб чиқилади. Кўрсаткичлар этноэкологикрайонлар, бекликлар, волостълар бўйича ҳам ўрганилиши мумкин. Ҳар бир райондаги ер турларига қандай ландшафт минтақасидан жой ажратилганлиги, ер турининг мазкур фойдаланиш турига мос келиши ўрганилади.

Учинчи босқичда экин майдонлари таркиби ўрганиб чиқилади, жой ландшафти шароитидан келиб чиқиб, унга мос келувчи экин турлари ва дарахтлар алоҳида таҳлил этилади.

Ердан фойдаланиш маданиятини ўрганишда бир вақтни ўзида тарихий ва географик қиёслаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Тарихий қиёслаш усулидан фойдаланиб, ердан фойдаланиш маданиятидаги ўзгаришлар, янги инновацияларни киритилиши маълум вақт давомида тадқиқ этилади. Киритилган ўзгаришларнинг сабаблари ва экологик жихатидан мақбуллиги алоҳида таҳлил қилинади. Киритилаётган ўзгаришларни этноэкологик моҳияти, ердан фойдаланиш тамойиллари ва турларини ўзгариш сабаблари очиб берилади.

Районлар доирасида бундай таҳлиллар натижаси юқоридаги районларда бир хил этнослар яшаса-да, фойдаланилган жойларда ердан турлича фойдаланилиши, бу ердаги шаклланган этноэкологик маданиятга табиий-ландшафт омилни таъсири борлигини аниқлаш имкониятини беради.

Қиёсий географик усулдан фойдаланиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасида этноэкологик маданиятни минтақа учун ҳаётий аҳамият касб

этган яна бир тури - сувдан фойдаланиш маданияти юзага келишида этноландшафт омилни ролини очиб бериши мумкин бўлади. Водийнинг шарқий ва ғарбий, шимолий ва жанубий қисмларидағи сувдан фойдаланиш соҳасидаги ўзига хосликларни таҳлил қилиш орқали бу маданиятга ҳам табиий–ландшафт омил қай даражада таъсир этиши масалаларига эътибор қаратиш мумкин [14;15; 32; 45; 52; 60;]. Минтақада сувдан фойдаланиш маданиятини қуидаги жиҳатлари ўрганилади:

- а) суғориш усуулларини танлаш;
- б) суғориш иншоотларини қуриш ва таъмирлаб туриш;
- в) суғориш тизимини бошқариш, мироблик тизими.
- г) суғоришни этник ва диний-хуқуқий усулда бошқариш ва б.

Этноэкологик районлар тизимида ўрганилиши мумкин бўлган навбатдаги этноэкологик маданият кўриниши аҳоли масканларини ташкил қилиш маданиятидир. Ҳар бир ландшафт зонасида юзага келган аҳоли масканини жойлашган ўрни, аҳолисининг бандлиги, қишлоқлар конфигурацияси, хўжалигини ихтисослашуви каби масалалар ҳам қиёсий – географик усулда таҳлил қилиб чиқилади. Ҳар бир этнос томонидан яратилган аҳоли масканларининг экологик ва ижтимоий жиҳатлари ўрганиб чиқилади.

Аҳоли масканларини таҳлил қилишда уларнинг номланишига ҳам эътибор берилади. Этномаданий ландшафтшуносликдаги янги йўналиш сифатида жой ва номнинг бирлигини англатувчи топос алоҳида ўрганилади. Муаян маданий ландшафт доирасидаги жойга фойдаланишнинг бошланиши билан, унинг худудий, ташқи кўринишдаги, маъносидаги ўзига хос хусусиятларни акс эттирувчи ном (топоним) берилиши билан **топос** юзага келади. Топоснинг оддий формуласи топос=жой+топоним [54; 98-б.]. Бундай ёндашувда жой топоснинг моддий асосини, базисини ташкил қилса, топоним унинг ғоявий асосини усткурмасини ташкил этади. Бу икки жиҳатнинг ўзаро бирикуви мукаммал, ягона ўзига хос яратмани юзага келтиради. Экологик жиҳатдан уларни бирга тизимли ўрганишгина кутилган натижани беради.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қўлланиладиган анъаналарни ўрганишда ҳам қиёсий усуслардан фойдаланиш мумкин, бунда ҳар бир муҳофазага олинган обьектларни (муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларни) жойлашган ўрни, майдони, муҳофаза обьекти хариталаштирилиб, минтақавий ҳудуд бўйича таққослаб, қиёслаб чиқилади [85; 67-б.]. Шу каби қиёсий-географик таҳлилдан фойдаланиб, маънавий этноэкологик маданият кўринишларини ҳам ўрганиб чиқиш мумкин. Байрамларни, ҳалқ ижодиёти намуналарини, об-ҳавони олдиндан айтиш белгиларини ҳудудий жиҳатлари ҳам мазкур метод ёрдамида ўрганилади. Бундан ташқари этноэкологик маданиятнинг маънавий йўналишлари биринчи мартда тизим – таҳлил, картографик, топонимик усуслар ёрдамида ҳам таҳлил қилинади.

Географик номлар ёки минтақа топонимиясини илмий жиҳатидан ўрганишга ҳам турли нуқтаи-назардан ёндашиш талаб қилинади. Географик номларни ўрганиш усуслари ҳакида Э.М.Мурзаев (1979), А.И.Попов (1965), Е.М.Поспелов (1981), ўзбек олимларидан Ҳ.Ҳасанов (1985), С.Қораев (2006), Н.Охунов (1989), З.Дўсимов (1977), Т.Эназаров (2006), Қ.Ҳакимов (2010) каби олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Бироқ, бизнинг тадқиқотимизда топонимлар этноэкологик нуқтаи-назардан тадқиқ этилади. Умумий географик жиҳатлар билан бирга ҳар бир топонимнинг ижтимоий-экологик функциясига эътибор берилади [136]. Ю.Аҳмадалиев ва П.Отақулов томонидан ишлаб чиқилган топонимларнинг ижтимоий-экологик функцияси бўйича таснифланган маълумотлардан фойдаланилди.

Географик номларни ўрганишдаги бундай кенг, мажмуали ёндашув турли фанлардан қўлланадиган усуслардан бир вақтни ўзида фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, географик номлар маълум минтақага, ҳудудга боғланган бўлиб, уларни алоҳида ўрганиш эмас, балки бутун минтақа топонимияси билан бирга ўрганилганда кутилган илмий натижага эришиш мумкин бўлади.

Юқоридаги қонуниятлардан келиб чиқиб, топонимик тадқиқот усусларини учта фан доирасида умумлаштириб қўрибчиқиши мақсадга

мувофиқ. Ўз навбатида ҳар бир фан учун хос бўлган маҳсус усуllар топонимик тадқиқотлар самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Тарихий маълумотлар ҳар доим ҳам номлашнинг тарихий жараёнини кузатиш ва тиклаш имконини бермайди. Шу сабабдан кўпинча топонимик маълумотларни тарихий воқеа-ходисаларни аниқлашда қўшимча манба сифатида фойдаланиш яхши натижа беради.

Географик номлар албатта бирор ҳалқ тилидан қўйилади, шунинг учун ҳар бир географик номнинг этнологик асоси мавжуд бўлади. Бу ерда географик ном этноним бўлиши (ҳалқ, уруғ, қабила) шарт эмас. У табиий, иқтисодий-географик топонимларда ҳам маълум ҳалқ тилидан қўйилган бўлади. Шуни ҳисобга олиб ҳар қандай географик номнинг қайси ҳалқ тилидан қўйилганлигига эътибор қаратилади. Топонимларни ўрганиш ҳам юқорида (1.2.-параграфда) таъкидланганидек этноэкологик билимлар ойнаси орқали, мақсадли режа асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари олинган натижаларнинг илмий асосларини аниқлашда картографик усулдан ҳам фойдаланилди. Дарёларга навбатлашиб сув узатиш тизими, этноэкологик районларни ва этноландшафт минтақаларини ажратиш, экологик сокинлик ҳудудларининг ягона каркасга бирлашганлигини асослаш учун замонавий картографик усуллар (ArcGIS) қўлланилди.

2.3. Фарғона водийси ҳудудининг «табиат-аҳоли-хўжалик» тизимидағи табақаланиши

Этносларнинг пайдо бўлиши ва фаолият юритишига табиий муҳитнинг таъсир кўrsatiшини ва ушбу табиий муҳитнинг ўзгариши этник жараёнларга ҳам таъсир этиши мумкинлигини қўп тадқиқотчилар тан олади. Ўзбекларни ёз ойларида оқ яктак, қишда қора тўн кийиши, шимол ҳалқлари мўйнали пўстинда совуқдан химояланишига иқлим омилининг таъсир этиши ҳаммага аён. Шунингдек, иқлимининг дехқончиликни ихтисослашувига ва қурилиш

технологиясига ва ўсимликлар таркибига таъсир кўрсатиши ҳам турли соҳа вакиллари томонидан эътироф этилади.

Бироқ, бундай ёндашувдаги тадқиқотларда географик детерминизмда айбланишдан эҳтиёт бўлиш зарурлиги ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу ҳақдаги фикрларни умумлаштириб, М.В.Рагулина шундай ёзади: - «Географик тадқиқотларда детерминизмда айбланишдан хавотир олиш замирида, табиий омиллар билан ижтимоий ходисалар ўртасидаги ҳар қандай алоқаларни ўрганишдан четлаб ўтиш бехавотир ҳисобланди. Бугун эса, детерминизмга кўпроқ адолатли баҳо берилмоқда. Бироқ, бу фандаги йўқотишлар ўрнини қопламайди» [92; 74-б.].

Этносларнинг атроф-муҳит билан узвий алоқасини мавжудлиги ҳудуднинг тупроғида яққол сезилади ва улар хўжалик юритиш орқали тупроқда «бокувчи» ландшафтни кўради [41; 178-б.]. Мазкур тадқиқотда асосий эътибор ландшафтни ҳалқ хўжалиги тармоқларини юритиш (асосан аграп соҳага), табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш маданиятини шаклланишига таъсирини ўрганишга қаратилди.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг табиий-тарихий турида қўлланилган анъана, кўникма ва малакаларни тадқиқ этиш ва уларнинг геоэкологик асосларини очиб бериш жараёнида мазкур тур учун энг мақбул вақт (замон) ва ҳудудни (маконни) аниқлаб олиш муҳим вазифадир [24; 91;].

Олиб борилган ижтимоий-географик [24; 108; 113], тарихий [31; 32; 66; 73; 93; 98; 74;] тадқиқотлардан маълум бўлишича Ўрта Осиёда этноэкологик маданиятнинг энг юқори кўринишлари суғориб дехқончилик қилинадиган минтақаларда Хоразм, Зарафшон, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида кузатилган. Фарғона водийсида этноэкологик маданиятнинг энг юқори даражага кўтарилилган даври эса XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларига тўғри келади. Биринчидан, айнан шу даврга келиб водийда тарихан шаклланган табиий ресурслардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тўпланган кўникма, малака ва анъаналар (яъни, этноэкологик

маданият) энг такомиллашган, иқтисодий жиҳатдан фойдали, ижтимоий жиҳатдан зарурий, экологик жиҳатдан самарали кўринишга келди. Иккинчидан, бу даврни тадқиқ этиш учун етарлича географик, этнографик, статистик, картографик ва фонд материаллари тўпланди. Учинчидан, бу даврда Фарғона водийсида яхлит, дастлабки бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш тизими вужудга келди. XX асрнинг бошларига келиб, дунёнинг бошқа мустамлака ўлкаларида бўлгани каби, Фарғона водийсида ҳам вазият кескин ўзгарди: бир томонлама, товар-хом ашё этиширишга асосланган, жойнинг табиий-географик, этносларнинг маҳаллий хўжалик хусусиятларини эътиборга олмайдиган товар-мақсадли ишлаб чиқариш ривожлантирилди [19; 91;].

Фарғона водийсида аҳолининг этноэкологик маданияти шаклланишига ландшафт ва хўжаликнинг таъсирини ўрганиш мақсадида олиб борилаётган тадқиқотда бир вақтнинг ўзида ландшафт, хўжалик ва этник кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштирган районлаштириш ўтқазилади. Ландшафтли ёндашув натижасида табиий ландшафтларнинг ҳудудий табақаланиш қонуниятлари очиб берилди. Бутун водий ҳудуди ландшафт асосидаги минтақаларга ажратиб чиқилгандан сўнг, тарихий ёндашув ёрдамида хўжалик-маданий турлари аниқланди. Бундай ёндашув ландшафт имкониятларидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш ҳолатини ва тарихан шаклланган хўжалик юритиш маданиятни ўрганиш имконини беради. Тарихий давр мобайнида табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқаси ва ландшафтга кишиларнинг таъсири ва аксинча ҳолатлар ижодий ўрганилади. Бу эса, аҳолининг асрлар давомида тўпланган, такомиллашиб борган маданиятини, аниқроғи водий аҳолиси учунгина хос бўлган табиатдан фойдаланиш (этноэкологик) маданиятини ўрганиш, ижодий ривожлантириш учун замин яратади.

Фарғона водийси ландшафтлари географ олимлар томонидан анча мукаммал ўрганилган [12; 29; 34; 70; 111;]. Ландшафтшунослик фанида тоғ оралиқ ботиқларида баландлик даражасидан келиб чиқадиган рельеф

қатлами ландшафтда баландлик минтақаларини [12] ёки яруслар [34], микрозоналарни юзага келтириши айтилади [111]. Мазкур тадқиқотнинг моҳиятидан келиб чиқиб, ландшафтшунослар фикрини умумлаштирган ҳолда Фарғона водийсида 4 та баландлик минтақаси ажратилади. Водийнинг орографик жиҳатдан берклиги учун ҳар бир баландлик поғонасидаaloҳида ландшафт турларига мос келувчи этноландшафт минтақани ажратиш мумкин.

Фарғона водийси аҳолисининг этник кўрсаткичлари [10; 13; 27; 51;] ва хўжаликнинг XIX аср охиридаги ҳолати батафсил ўрганилган [31; 32; 43; 74; 73; 81;].

Этноэкологик маданиятнинг шаклланишига табиий омилларнинг таъсирини ва ландшафтдаги антропоген ўзгаришлар моҳиятини ўрганишда худудни кичикроқ таксономик бирликлар даражасида районлаштириш талаб этилади. Тарихий-географик районлаштиришнинг кичик таксономик бирликлари, уларни ажратиш мезонлари тарихий география фанида ишлаб чиқилган [46]. Бунга кўра, тарихий-географик вилоят, район ва кичик районлар ажратилади. Кичик районлар хўжалик-маданий марказлари атрофида шаклланиб, улар асрлар давомида шу худуднинг маъмурий марказлари вазифасини бажариб келган. Этнологияда бу маскан этномаданий марказлар деб аталади [49]. Бундай кичик районлар чегараси ҳам маъмурий чегараларга мос тушганлиги сабабли, улардан статистик, картографик ва хўжалик кўрсаткичларни таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Уларни таҳлил қилиш орқали олинган маълумотларни бугунги кун билан қиёслаб, асрлар давомида сақланиб келаётган табиатдан фойдаланиш турларини ижодий ривожлантириш, экологик жиҳатдан мақбул таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши имконияти туғилади.

Шунинг учун, водий аҳолисининг этноэкологик маданиятига табиий омилларнинг таъсирини ва бу маданиятнинг унутилиш оқибатларини ўрганиш учун ландшафт, аҳоли ва хўжалик кўрсаткичларини ҳисобга оловчи этноэкологик районлаштириши ўтказилади. Бундай районлаштиришда

ландшафт турлари доирасида ўтказилган типология асосида хўжалик-маданий ареаллар ажратиб чиқилади. *Этноэкологик район* – этносарнинг ўзлари яшайдиган табиий ландшафт турларига мос ҳолда, унинг имкониятларидан хўжаликда тўла, мувозанатли, оқилона фойдаланиш кўникма, малака, анъаналари шаклланган, маълум этномаданий марказга эга бўлган ҳудудий бирликдир.

Этноэкологик районлар кичик бирликларининг этнологиядаги хўжалик-маданий турларидан фарқли томони мавжуд. Улар кўпроқ жой ҳудудига, ландшафтига боғлиқлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун географик тадқиқотларда бундай *этноэкологик районларни асосий бирлик сифатида олиши* мақсадга мувофиқдир [24].

Этноэкологик районлаштиришда юқорида таъкидланганидек, уч блокдан иборат мезонлар олинади. Барча блокларда этноэкологик маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва бу омилларнинг ўзгариши натижасида юз бериши мумкин бўлган экологик ҳолатларга эътибор қаратилади.

Биринчи блокда бир хил агроэкологик шароитга эга бўлган ҳамда табиатдан фойдаланишда ўхшаш усууллар, кўникма, малакалар қўлланадиган бўлакларни юзага келишига сабаб бўлган кўрсаткичлардан ҳудуднинг денгиз сатҳидан баландлигига боғлиқ равишдаги рельеф шакли, тупроқ тури ва ёғин миқдори кўрсаткичлари ўрганиб чиқилади. Районлаштиришнинг кичик бирликларни аниқлашда қўшимча равишда ҳудуднинг жойлашган ўрни, тупроқнинг механик таркиби, табиий дренаж ҳолати, тупроқ турлари ҳисобга олинади [53; 145;].

Иккинчи блокда этник кўрсаткичлардан дастлаб асосий этносарнинг минтақадаги салмоғи ўрганилади. Минтақада «марказий ўрин» [24] ёки «этник ядро» [38], ёхуд «ахборот марказ»и вазифасини бажарувчи, маълум ҳудуддаги аҳолини ўзида мужассамлаштирган сиёсий, маъмурий, диний, иқтисодий жиҳатдан марказ вазифасини бажарувчи аҳоли марказлараниқланади [49; 83; 104]. Бундай масканлар этноснинг ўзлигини

англашда, унинг ўзгалардан ажралиб турувчи бош белгиси «қаерлик» эканлигини аниқлаш усулида ажратилади. Шунингдек, XIX асрнинг охиридаги асосий ахборот майдонини ҳосил қилган бозорларни ўрганишга ҳам эътибор қаратилади [104]. Албатта, асосий этносларнинг касб-кори ҳам район ҳосил қилувчи омил сифатида ўрганилади. Зарур холларда этник кўрсаткичлардан эгаллаган моддий маданият намуналаридан меҳнат қуроли, суғориш воситаси, аҳолининг жойланиши ва уй-жой қурилиши, овқатланиш ва кийим-бош, транспорт тури; маънавий маданиятдан диний-хукуқий қарашлар, табиат, ер ҳақидаги ҳалқ билимлари, урф-одатлар, байрамлари олинади [26].

Учинчи блокда хўжалик фаолиятини белгиловчи кўрсаткичлар, яъни асосий хўжалик тармоғи, суғориладиган ерлар салмоғи, ер ва экин майдонлари таркиби каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Суғориб дехқончилик қилинадиган худудларда бу омилларнинг район ҳосил қилишдаги ва этноэкологик мувозанатни таъминлашдаги аҳамияти В.В.Бартольд (1965), Б.В.Андианов (1975), А.Абдулхамидов (1974, 1990), З.Исақов (2011) каби олимлар ишларида таъкидланган.

Юқоридаги ландшафт, этник ва хўжаликни район ҳосил қилувчи кўрсаткичларининг миқдорий баҳолаш орқали Фарғона водийсида 4 та этноландшафт минтақаси ва 17 та этноэкологик район ажратилди (2.2.1-жадвал).

Мазкур этноландшафт минтақаси ва районлар тадқиқотнинг навбатдаги босқичида этноэкологик маданиятнинг худудий жиҳатларини таҳлил қилиш, унинг экологик моҳиятини ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қиласи.

2.2.1-жадвал.

Фарғона водийсининг этноэкологик районлари

Этноэколо гик район	Этномаданий ландшафт ҳосил қилувчи кўрсаткичлар:								
	Ландшафт кўрсаткичлари			Этник кўрсаткичлар			Хўжалик кўрсаткичлар		
	Рельеф мезошакли	Тупроқ тури	Ёгин миқ- дори, мм.	Асосий этнослар улуши	Марказий аҳоли масканлар и	Аҳолининг асосий касб-кори	Асосий суғориш тармоғи	Суғорила диган ерлар, фоиз хисобида	Асосий ер ва экин майдонлари таркиби
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
I этноландшафт минтақа									
1. Қорақол- поқ- Бувайда	Конуссимон ёйилмаларнинг қуий қисми, кумли-чўл ландшафтлари	Оч тусли бўз, кум барханлари	150-180	Ўзбек-50, Қорақалп оқ-20	Янгиқўрғон (ч, ш)	Чорвадорлик, дехқончилик	—	7,0-10,0	Яйловлар, камсувталаб экинлар
2. Ёзявон- Улугнор	Конуссимон ёйилмаларнинг қуий қисми, кумли-чўл ландшафтлари	Оч тусли бўз, кум барханлари	160-190	Ўзбек-65, Қорақалп оқ-15	Ёзявон (п)	Чорвадорлик, дехқончилик	Марғилонсой, Улугнор канали	15,0	Яйловлар, камсувталаб экинлар
II этноландшафт минтақа									
3. Кўқон	Соҳ конус ёйилмасининг бироз қия текисликлари	Бўз воҳа, ўтлоқи воҳа	150-180	Ўзбек-90	Кўқон (ч, п, я)	Дехқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик, савдогарлик	Кўқонсой, Авғонбоғ	42,0	Суғориладиган ҳайдов ерлар, камсувталаб донли экинлар
4. Бешариқ- Яйпан	Қия, баъзида ясси текисликлар	Бўз воҳа ўтлоқ	180-200	Ўзбек-89	Бешариқ (д), Яйпан (с)	Дехқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик	Ровот ва Сўх тизими	31,3	Суғориладиган ҳайдов ерлар, мевали боғлар

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
5. Риштон-Боғодд	Паст-баланд парчалан-ган қия текисликлар	Бўз воҳа, ўтлоқи воҳа	200-230	Тожик-18, Ўзбек-60	Риштон (с), Ултарма (ж)	Деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик	Сўх дарёси ўнг соҳили	32,4	Сугориладиган ҳайдов ерлар, мевали боғлар
6. Марғилон	Ясси текисликлар	Бўз воҳа, ўтлоқ	200-220	Ўзбек-82	Марғилон (с, ч, п, ж)	Деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик, савдогарлик	Шоҳимардонс ой, Марғилонсой, Олтиариқсой, Файзиободсой	44,2	Сугориладиган ҳайдов ерлар, узум боғлар, донли ва полиз экинлар
7. Кува-Шахриҳон	Ясси, тепалик, паст-баланд текисликлар ва адирликлар	Типик бўз, бўз воҳа	180-200	Ўзбек-65, Кашқар-20	Кува (ш), Асака (я), Шахриҳон (с)	Деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик	Шахриҳонсой, Исфайрамсой, Кувасой	64,7	Сугориладиган ҳайдов ерлар, мевали боғлар, донли экинлар
8. Андижон	Дарё террасаларининг ясси текисликлари	Ўтлоқи воҳа	130-180	Ўзбек- 87	Андижон (п, я)	Деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик, савдогарлик	Андижонсой, Қорадарё, Улуғнор	54,0	Сугориладиган ҳайдов ерлар, мевали боғлар, донли ва полиз экинлар
9. Избоскан-Учқўргон	Конус ёйилмаларининг қия текислиги	Ўтлоқи ва бўз воҳа	180-240	Ўзбек-74	Пойтуғ (с), Учқўргон (п), Ҳаққулобод (ч)	Деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик	Мойлисув, Норин чап соҳили	57,0	Сугориладиган ҳайдов ерлар, мевали боғлар, донли ва полиз экинлар
10. Наманган	Конус ёйилмаси ясси текисликлари	Бўз воҳа, ўтлоқи	250-280	Ўзбек-87	Наманган (я)	Деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик, савдогарлик	Янгиарик, Розе нбах ариғи	69,0	Мевали боғлар, сугориладиган ҳайдов ерлар, донли ва полиз экинлар
III этноландшафт минтақа									
11. Водил-Кувасой	Ўртча баланд тоғ олди текисликлари	Бўз ўтлоқи, воҳа	200-240	Тожик - 25, Ўзбек-50	Водил (д), Чимён (с)	Боғбончилик, чорвадорлик	Шоҳимардонс ой, Исфайрамсой	33,5	Мевали боғлар, яйловлар

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
12. Мингтепа-Хўжаобод	Қия адир орти текисликлар,ички конус ёйилмаларининг қия, юқори ва ўрта қисми	Ўтлоқи бўз-воҳа. Бўз тупроқлар минтақасин и ўтлоқи воҳа	200-250	Ўзбек 32, Турк 39	Булоқбоши (ч), Хўжаобод (д), Мингтепа (ч)	Чорвачилик, дехқончилик, боғдорчилик	Оқбўйра,Сава й,Аравонсой, Қирғиз-ариқ	40,0	Мевали боғлар, сугориладиган ерлар, яйловлар
13. Ойим-Қорасув	Ички конус ёйилмаларининг ясси қуий қисми	Бўз тупроқлар минтақасин и ўтлоқи воҳа	200-250	Қирғиз-68, Ўзбек-20	Жалолқуду қ (с), Қўрғонтепа (ж)	Чорвачилик, дехқончилик, боғдорчилик	Андижонсой, Шаҳрихонсой	47,0	Мевали боғлар, сугориладиган ерлар, яйловлар
14. Косон-Чорток	Бироз қия, дарё водийси текисликлари	Бўз воҳа, сугориладиган бўз	250-280	Ўзбек-92	Косон (ч), Янгиқўрғон (д), Чорток (ш)	Боғдорчилик, дехқончилик, чорвадорлик	Косонсой,Чор тоқ,Подшоотасой.	23,4	Мевали боғлар, сугориладиган ҳайдов ерлар, донли экинлар
15.Чуст-Поп	Ясси, баъзан қия текисликлар	Бўз воҳа	250-280	Ўзбек -52, Тожик-41	Чуст (п), Ахси-Шаханд (ш), Поп (я)	Боғдорчилик, дехқончилик, хунармандчилик	Ғовасой	37,0	Сугориладиган ҳайдов ерлар, мевали боғлар, донли экинлар
IV этноландшафт минтақа									
16. Чодак-Чоркесар	Бироз қия тоғолди текислиги	Оч тусли бўз, қўнғир	250-300	Ўзбек-79	Чодак (я)	Дехқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик	Чодаксой	19,3	Мевали боғлар, яйловлар
17. Сўх-Шоҳимардан	Адир ва паст(ўртacha) тоғлар	Тўқ тусли бўз тупроқлар	280-320	Ўзбек-54, Қирғиз-22, Тожик-20	Сўх (д), Шоҳимардан (д)	Чорвадорлик,боғбо нчилик,поспонлик	Сўх, Шоҳимардан	0,8-1,0	Ўрмон-боғлар, яйловлар


Изоҳ: Асосий бозор бўладиган жойлар ёнидаги ҳарф бозор бўладиган кунни билдиради.

(Я) – якшанба, (Д) – душанба, (С) – сешанба, (Ч) – чоршанба, (П) – пайшанба, (Ж) – жума, (Ш) – шанба.

Манба: Обзор Ферганской области..., 1885; 1887;1889; Абдулхамидов,1990.

Этноландшафт минтайлар		Этнографик районлар									
I-	Этноландшафт минтайка	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
II-	Этноландшафт минтайка										
III-	Этноландшафт минтайка										
IV-	Этноландшафт минтайка										

.Легенда 2.2.1 жадвал



2.2.1-РАСМ. ФАРФОНА ВОДИЙСИННИГ ЭТНОГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШ КАРГАСИ

2.2.1.-расм. Фарфона водийсини этногеографик районлаштириши картаси

Иккинчи боб бўйича хulosалар

Этноэкологик маданиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи табиий ва ижтимоий омилларни ўзаро алоқадорлик ва яхлитликда ўрганишни таъминлаш учун тарихий-географик ва тизимиёндашувтанлаб олинди. Фарғона водийсидатабиий ресурилардан фойдаланишнинг тарихий-географик хусусиятлари асосида, даврийлик услубидан фойдаланиб, 3 та давр (1876 йилгача; 1876-1991 йй.; 1991 йилдан кейинги) ажратилди. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳар бир давр учун хос бўлган табиий-тарихий, товар-мақсадли, дастур-мақсадли турлари аниқланди. Уларнинг этноэкологик ва техник-иктисодий афзалликларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Этноэкологик маданиятнинггеографик жиҳатлари районлаштириш, тизимили таҳлил, қиёсий-географик, статистик ва картографик усувлар ёрдамида таҳлил қилинди ва тегишли хulosалар чиқарилди. Маънавий маданият намуналарини ўрганишда, уларнинг этноэкологик моҳиятини очиб беришда топонимик маанбаларга таянилди.

Фарғона водийси худуди этноэкологик маданиятни шакллантирувчи ландшафт кўрсаткичларидан: рельеф шакли, тупроқ тури, ёғин микдори, этник кўрсаткичлардан: минтақадаги асосий этнослар салмоғи, этномаданий марказлар, этносларнинг асосий касб-кори, хўжалик кўрсаткичларидан: асосий суғориш тармоғи, суғориладиган ерлар салмоғи, экин ерлар таркиби каби кўрсаткичларини тизимили баҳолаш асосида 4 та этноландшафт минтақаси ва 17 та этноэкологик районларга ажратилди.

З-БОБ. ФАРГОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Анъанавий хўжалик юритиш тизимининг этноэкологик моҳияти

Марказий Осиё минтақасида, хусусан Фарғона водийсида ландшафт қонуниятларига мос тушувчи ҳамда маҳаллий дехқонлар эҳтиёжини қондирувчи ер ва сувдан фойдаланишнинг маданий-этник анъаналари қадимги даврлардан бошлаб шаклланган. Дехқончилик соҳасидаги турли усул ва йўналишлар неолит ва энеолит даврларида яратилган бўлиб, узоқ тарихий вақт давомида такомиллашиб борган [13; 14; 21; 52]. Ландшафтларда юз берган ўзгаришларни олдини олиш учун амалга оширилган тадбирларнинг такомиллашиб бориши оқибатида ушбу бу минтақада ўзига хос табиий ландшафтимувозанати шаклланиб борди.

Юқоридаги методологик асосларга таяниб таҳлил қилинганда, минтақавий шароитда этноландшафтдан фойдаланишни биринчи *табииятарихий тури* тури Фарғона водийсида XV–XVI асрдан бошлаб, шаклланди ҳамда у XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар мавжуд бўлган [73; 81; 66; 24]. Этноландшафтдан фойдаланишнинг бу турида рельеф, иқлим, тупроқ хусусиятлари, водийнинг ёпиқ ўрни ҳамда аҳолининг миллий-этник хусусиятлари ҳисобга олинган. Бу тур, одатда, узоқ тарихий вақт давомида шаклланиб, унда тўпланган кўникма, малака ва тажрибалар табиат билан уйғун алоқадорликка, табиатга мослашишга асосланади. Бинобарин, экологик нуқтаи-назардан қаралганда, бу тур энг мустаҳкам бўлиб, шу мақсадда тадқиқ этилди.

Фарғона водийсида аҳоли, хўжалик ва унинг тармоқлари, табиий шароит ва ресурслар салоҳиятидан фойдаланишнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш жараёнида ҳудуднинг географияси, тарихи ва бошқа хусусиятлари бўйича турли адабиётлар таҳлил қилинди. Фарғона водийсида экологик

ҳолатни оптималлаштиришга таъсир кўрсатадиган ердан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш 2.2.-параграфда ажратилган этноландшафт минтақалар доирасида олиб борилди.

Биринчи этноландшафт минтақа – Фарғона водийсидаги Ҳўжабақирғон, Исфара, Сўх, Шоҳимардонсой, Исфайрамсой, Шахрихонсой дарёлари конуссимон ёйилмаларнинг чекка қисмлари ва конус оралиғи ботиқларини ҳамда Марказий Фарғона чўл ҳудудларини эгаллайди. Мазкур минтақага Қорақалпоқ-Бувайда ва Ёзёвон-Улуғнор этноэкологик районлари киради.

Бу минтақада тупроқ-экологик ҳолатининг салбий томонга ўзгаришига жойнинг гидрогеологик ҳолати ҳамда шамол эррозияси таъсир этиши мумкинлиги бугунги кунда олиб борилган илмий тадқиқотларда исботланди [70; 56-б.]. Бу ерда, ер ости сувлари ушбу минтақага юқоридан оқиб келади ва маълум даражада минераллашади [145; 71-73 б.]. Шунинг учун ушбу ҳудудда тупроқнинг экологик ҳолатига, унинг шўрланишига қарши қаратилган тадбирлар мажмуаси йиғилганлигини кузатиш мумкин (3.1.1.-жадвал).

Мазкур минтақанинг табиий географик хусусиятидан келиб чиқиб, ҳудуднинг кам ўзлаштирилганлиги кузатилади. Ер тоифаларидан асосан заҳира ерлар (хон ва давлатга қарашли ўзлаштирилмаган ерлар) ҳамда баҳорги ва кузги яйлов сифатида фойдаланиладиган, суғорилмайдиган ерлар ўртacha 70 фоизгача майдонни эгаллаган. Бундай ҳудудлар Ёзёвон волостида 54 фоиз, Қорақалпоқ волостида 66 фоиз, Файзобод волостида 67,3 фоиз, Махрам волостида 83 фоиз, Ултарма волостида 86 фоизни ташкил этган [83;23-б.]. Ҳудудларда қум барханларининг кўчишига қарши саксовул, туронғил, жилон жийда каби бутасимон ўсимликлар ўстирилиши характерлидир.

Қишлоқ ҳўжалиги ерлари таркибида асосан кузги ва қишки яйлов сифатида фойдаланилган ерлар кўп. Экин майдонларида шўрга чидамли экинлар, конус оралиқ ботиқларида шоли кўп экилган. Минтақада дарахт ва

бута ўсимликларидан саксовул, чиннигул, жийда, шўра, туронги каби майда баргли дараҳтлар ва эфемер ўсимликлар кенг тарқалган [73; 440-б.].

Экин майдонларини таркибини таҳлил қилинса, бу минтақа учун шўрга чидамли экинлардан оқ жўхори (*Sorghum cernuum*), шолининг уч тури оқ шоли, арпа шоли ва қизил шоли кўп экилиб, ерни шўрини ювиш орқали маданийлаштирилган [73; 449-б.]. Ҳудудда полиз экинларини, айниқса қовун етиштиришда ниҳоятда юқори натижаларга эришилганлиги кўп адабиётларда келтирилган [73; 28; 52;]. Ҳудудда аҳолининг қундалик истеъмолида июль ойидан то октябрь ойигача қовун асосий овқат ҳисобланган ва экин майдонлари таркибида донли экинлардан кейинги ўринни эгаллаган [73; 470-б.]. Суғориладиган ерлар улуши бошқа минтақалардан сезиларли даражада кам, Янгиқўрғон, Бувайда, Қорақалпоқ волостларида 5-25 фоизни ташкил этади [103; 131-б.]. Баландлик минтақаси нафақат қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштиришга балки, суғориладиган экинлар таркибига ҳам таъсир кўрсатади [73; 44-б.].

Минтақа топонимлари ҳудудда бўлиши мумкин бўлган қуйидаги экологик хавф-хатардан ваердан фойдаланишни қийинлаштирувчи омиллар ҳақида батафсил маълумот бериб, экологик даракчилик вазифасини ўтайди.

1. Минтақанинг табиий шароити ҳақида дарак берувчи қум билан боғлиқ номлар кўп учрайди; Жумладан, Бўриқум (Данғара т.), Оқкум (Мингбулоқ т.), Қоракум (Бувайда т.) Қум (Ёзёвон, Бувайда, Шахрихон, Учкўприк туманларида), Қумбости (Учкўприк т.), Қумқишлоқ (Бешариқ, Данғара, Қўштепа, Тошлиқ туманларида), Қумтепа (Қўштепа, Балиқчи туманларида), Қумқияли (Данғара т.) Қуммозор (Бувайда т.). Бу номлар аҳоли масканларида қумли тупроқлар ҳудуднинг ўзлаштиришни қийинлаштирувчи омил эканлигидан дарак берган.

2. Гидрогеологик шароит ҳақида маълумот берувчи номларга; Шўр қишлоғи (Бувайда, Учкўприқ, Фурқат, Балиқчи туманларида) Шўрсув, Шўртепа (Бувайда туманида) каби номларни киритиш мумкин. Юқоридаги тупроқ-экологик шароитда ўсадиган ўсимликлар ҳақида ҳам топонимлар

таҳлилидан маълумот олиш мумкин. Жумладан, Жийда, Жийдали (Данғара т.), Жийдақишлоқ (Мингбулоқ т.), Қоражийда (Қўштепа т), Чорбоғтуронғи (Бешариқ т.) каби.

3.1.1.-жадвал

Фаргона водийсининг этноландшафт минтақаларида ердан фойдаланиш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Этноландшафт минтақалар			
		I	II	III	IV
1.	Кенг тарқалган ер тоифалари	Захира ерлар, қишлоқ хўжалиги ерлари (яйловлар)	Қишлоқ хўжалиги ерлари, аҳоли манзилгоҳлари, табиатни муҳофаза қилиш ва рекреация, тарихий - маданий обьект ерлари	Қишлоқ хўжалиги ерлари, аҳоли манзилгоҳлари, табиатни муҳофаза қилиш ва рекреация, тарихий маданий обьект ерлари	Табиатни муҳофаза қилиш, реакреация мақсадидаги ерлар, сув фонди ерлари, ўрмон фонди, захира ерлар,
2.	Қишлоқ хўжалиги ер турлари	Яйловлар, экин ерлар	Экин ерлари, томорқалар, мевали дарахтзорлар	Экин ерлари, лалми ерлар, мевали дарахтзорлар, томорқалар	Яйловлар, тоф-ўрмон боғдорчилиги ерлари
3.	Асосий экин турлари	Жўхори, шоли, полиз ва бошқа шўрга чидамли экинлар	Донли, мойли ва ем-хашик экинлари, мевали боғлар	Мевали боғлар, полиз экинлари, донли экинлар	Ем-хашик ва полиз экинлари, илдиз мевали экинлар, сабзи, картошка ва б.
4.	Асосий дарахт ва бута турлари	Жийда, жилон жийда, туронғил, саксовул, шўра	Шафтоли, ўрик, олма, нок, анор, шафтоли, гилюс, узум, беҳи, ғайноли, тут, тол	Ўрик, олма, нок, анор, шафтоли, бодом, олхўри, жийда, анжир, ёнғоқ, чонор, тол, терак	Олма, тоф олча, писта, бодом, дўлана, наматак, зирк, дукчўп, арча, терак, қайрагоч
5.	Суғориладиган ерлари (%) ҳисобида)	20-30	40-50	30-40	00,8-1

Манба: 14; 72.

Иккинчи этноландшафт минтақа. Водийдаги дарё ва сойларнинг конуссимон ёйилмасининг марказий қисмини эгаллаб, денгиз сатхидан

баландлиги 400-600 м атрофидаги қия текислик рельефига эга. Иқлим кўрсаткичлари дехқончилик қилиш учун қулай [29; 143-б.]. Бу минтақага Қўқон, Бешариқ-Яйпан, Риштон-Боғдод, Марғилон, Қува-Шахрихон, Андижон, Избосган-Учкўрғон ва Наманган этноэкологик районлари киритилади.

Тупроқ-экологик шароитга кўра бу минтақа энг қулай ҳисобланиб, бўз тупроқлар минтақасининг унумдор ўтлоқи, ўтлоқи-воҳа тупроқлари тарқалган, унумдорлиги юқори бўлганлиги сабабли бу худудлар тўла ўзлаштирилган. Водийнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган худуди ҳисобланади.

Ер тоифаларидан асосан қишлоқ хўжалиги ерлари, аҳоли манзилгоҳлари, табиатни муҳофаза қилиш ва рекреация, тарихий маданий обьект ерлари қўп майдонни эгаллайди. Ҳудуднинг асосий қисмидан интенсив фойдаланилади, бу ўз навбатида ҳудудга тушадиган антропоген босим миқдорининг ортиб кетишига сабаб бўлган. Шунинг учун йирик шаҳарлар ва уларнинг маҳаллаларида «экологик сокинлик ҳудудлари» - зиёратгоҳ, қадамжо, мақбара, мозорлар каби экологик аҳамиятга молик ерлар майдони анча катта. Мисол учун «экологик сокинлик ҳудудлари» ҳисобланган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар XX аср бошларида Қўқонда 25 та, Марғилонда 30 та, Андижон шаҳри ва уни атрофида 35 та, ўрганилаётган даврда Наманганда 60 га яқин бўлганлиги қайд этилади [120; 23-б.].

Минтақада қишлоқ хўжалик ерларидан сугориладиган экин ерлар, томорқа ерлари ва мевали дарахтзорлар сифатида фойдаланиладиган майдонлар улуши катта. Сугориладиган экин ерлар миқдори Норин волостида 66 фоиз, Асака волостида 67 фоиз, Сегаза волостида 73 фоиз, Олтинкўл волостида 75 фоиз, Қува волостида 80 фоиз, Ҳақкулобод волостларида 80 фоизни ташкил этган. Ўртacha бу этноландшафт минтақадаги сугориладиган ерлар миқдори 40-60 фоизни ташкил этган [83; 23-б.]. Минтақа бутун водийдаги дехқончилик энг ривожланган худуд ҳисобланиб,

экин майдонларининг таркибида донли, мойли, толали ва ем-хашак экинлари кўп экиласди. Донли экинларнинг камсувталаб, эртапишар навлари кўпроқ экилган, улардан бутун вегетация даврида бир ёки икки марта сугориладиган мош, тариқ, жавдар, қўноқ, кузги буғдой каби экинлар танлаб олинган. Мойли экинлардан кунжут, пахта, зигир, рапс, махсар, кўжнори, кунгабоқар, каноп, ем-хашак экинларидан маккажўхори, беда, арпа кўп майдонларни эгаллаган. [73; 452-б.].

Бу минтақада ердан фойдаланишда тупроқ унумдорлигини сақлашга қаратилган алмашлаб экиш ва ерни ўғитлашдаги этноэкологик маданият намуналари диққатга сазовор. Минтақада қадимдан заҳирада ўзлаштириш учун ер ва керакли миқдорда сув ресурслари ушлаб турилган. Дехқончилик яйлов чорвачилиги, хунармандчилик ва ривожланган савдогарлик фаолияти билан биргаликда олиб борилган. Қишлоқ хўжалигига ишлатиш мумкин бўлган ерларнинг 40-50 фоизигагина ишлов берилган, қолган ерлар эса алмашлаб экиш тизими бўйича бўз, кўриқ ер сифатида қолдирилган. Маҳаллий дехқонлар шу йўл билан тупроқ унумдорлигини бир хилда сақлаб келганлар. Бу ҳақда Фарғона вилояти бўйича қилинган ҳисоботда Россиялик агроном шундай ёзади: «...ҳисобот йилида маҳаллий аҳоли учун ажратилган яроқли ерларнинг 41,04 фоизигагина ишлов берилди, қолган 476,786 ботмон (1 ботмон- бир гектарга яқин майдон –Н.К.) миқдордаги яроқли ер эса ишловсиз қолди. Бундай ҳолатнинг сабабини тушунтириш қийин» [83; 8-б.]. Дехқончиликнинг маҳаллий шароитини яхши билмаган, ердан фойдаланишда фақатгина кўпроқ ва тезроқ фойда олишни ўйлаган агроном учун тушунарсиз кўринган бу ҳолатнинг сабабини ота-боболарининг кўп асрлик тажрибасига суянган маҳаллий дехқонлар яхши билганлар.

Ерларни ўғитлашда «ердан неча арава беда олсанг, шунча гўнг солиш зарур» деган нақлга амал қилиш орқали экин ерларнинг ориқлаши, тупроқ унумдорлигининг пастлашига йўл қўйилмаган [15;44-б.].

Бу минтақа топономиясида ерга эгалик ҳуқуқини берувчи, ундан эҳтиёткорлик билан, унумдорлигини сақлаган ҳолда фойдаланиш

мажбуриятини юкловчи, «чек» термини қўшилган номлар, ҳамда антропотопоним ва этнотопонимлар кенг тарқалган. Мисол учун, Жумабойчеки (Ўзбекистон т.), Қақирчек (Бешариқ т.), Кўтармачек (Олтинкўл т.), Эшончек (Балиқчи т.), Юқори Мирзаобод (Боғдод т.), Найман (Андижон т., Поп т., Қува т.), Дўрмон (Асака, Қўштепа т.) кабиларни келтириш мумкин.

Учинчи этноландшафт минтақа. Фаргона водийсидаги Сўх, Исфара, Шоҳимардонсой, Исфайрамсой, Аравон, Оқбўйра, Косонсой конуссимон ёйилмасининг юқори қисмларини эгаллади. Баландлиги 700 м дан бошланадиган тўлқинсимон рельефга эга бўлган текисликлар ва адир оралиги ботиклари мазкур минтақанинг асосини ташкил этади. Табиий ўзанлар билан бўлинган ушбу минтақада Водил-Қувасой, Мингтепа-Хўжаобод, Ойим-Қорасув, Чуст-Поп, Косон-Чортоқ этноэкологик районлари жойлашган.

Л.Н.Бабушкин (1985) маълумотларига кўра, мазкур минтақада йиллик ўртacha ҳаво ҳарорати биринчи ва иккинчи минтақага қараганда 2,0-4,0°C га пастроқ бўлиб, ёғин миқдори водийнинг марказий қисмларида 20-30 мм кўплиги билан характерланади. Бу ерда ер ости сувларининг 95 фоизи шакланади, сувлик қатламнинг қалинлиги 20-50 метрни ташкил этади [29].

Юқорида кўриб чиқилган табиий ландшафт хусусиятлари таъсирида суғориладиган ерлар майдони 35 фоиз атрофида бўлган [104; 44-б.]. Ер тоифалари орасида қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари аҳоли масканлари ерлари, сув фонди ерлари кўпчиликни ташкил этади. Сўх дарёси суғориш тизимининг ҳар икки Сарқўрғон ва Кўқон гидроузеллари, Шоҳимардонсой дарёсининг Водил, Исфайрам дарёсининг Бешолиш, Аравон дарёсининг Аравон, Оқбўйра дарёсининг Ўртатоғ, Қорадарёнинг Ўзган, Бозорқўрғон, Норин дарёсининг Учқўрғон, Подшоотасойнинг Заркент гидроузеллари мазкур минтақа жойлашган [104]. Бу ўз навбатида водийнинг текислик худудларини сув билан таъминлашдаги минтақанинг ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалиги ерлари кўпроқ боғдорчилик ва узумчилик учун ажратилган. Маҳаллий дехқонлар ердан фойдаланишнинг бу усули орқали конуссимон ёйилмаларнинг қуи қисмларида ер ости сувлари сатхининг кўтарилиб кетишига ва тупроқ шўрлашувига йўл қўймасдан экологик мувозанатни сақлаганлар. Кам сув талаб қиласидан данакли боғлар кўплиги билан ажралиб турган. Исфара, Конибодом, Шўрсув, Риштон, Қувасой, Янгиқўрғон, Чорток, Косонсой, Булоқбоши худудларида ўрик, бодом, ёнғоқ дарахтлари қўп экилади. Наманган ҳудудида эса олма, нок, олхўри, ғайноли кенг тарқалган. Чуст туманининг Олмос қишлоғида етиштирилган олманинг довруги Марказий Осиёга танилган [73; 276-б.]. Бу эса, юқорида айтилганидек, табиий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш ва қуи минтақада ер ости сувларининг сатҳи ўзгаришига йўл қўймаслик учун замин яратган. А.Ф.Миддендорф (1882) ҳозирда фақатгина тўртинчи минтақадаги тоғларда учрайдиган бодом ва тоғ писталарини адирлар минтақасига қадар тушиб келганлиги ҳақида расмлар билан асосланган маълумотни келтиради [74;124-б.].

Минтақа учун экологик жиҳатдан хос ва мос бўлган мевали дарахтлар турини аниқлашда жой номларидан фойдаланиш мумкин. Минтақада ўрик, шафтоли, олма, анжир, анор дарахтларининг кенг тарқалганлигини асословчи жой номлари учрайди. Жумладан, Ўрикзор (Фарғона, Наманган, Косонсой, Чорток туманлари), Шафтоли (Уйчи тумани), Шафтозор, Олма (Наманган тумани), Олмазор (Жалақудуд, Косонсой, Янгиқўрғон туманлари), Олма-бел (Чуст тумани шимоли), Анжирзор (Наманган тумани), Анорзор (Қува, Избоскан туманлари) кабилар.

Тўртинчи этноландшафт минтақа Олой, Туркистон, Фарғона, Қурама, Чотқол тизмалари ва адирлари ҳудудини ўз ичига олади.

Бу ерда тик қояли рельеф шакллари чуқур водийлар билан алмашиниб келади. Ердан дехқончиликда фойдаланиш шу водийларда қисман йўлга қўйилади, бошқа ҳудудлар эса чорвачилик ва тоғ боғдорчилигига

ажратилади. Минтақада Сўх-Шоҳимардон, Чодак-Чоркесар этноэкологик районлари жойлашган.

Ҳудуд иқлимининг шаклланишида баландлик кўрсаткичи асосий аҳамиятга эга. Ҳаво харорати ва ёғин миқдори водийнинг текислик қисмидан кескин фарқ қилиб, ёз ойларининг қисқалиги ва ёғиннинг кўплиги билан тавсифланади [29; 197-б.]. Тоғли водийларда (Сўх, Шоҳимардон, Обшир, Арслонбоб, Чодак, Чоркесар) 1300-1500 баландликда ёғин миқдори 350-400 мм атрофида бўлади. Бу ҳолат худудда лалмикор дехқончиликни ривожлантириш имконини беради, картошка, кузги буғдой ва дарё водийларида шоли етиштирилади. Иқлимининг бу хусусияти худуддан асосий чорвачилик ялови сифатида фойдаланишга замин яратган.

Ушбу минтақада водийнинг ривожланишида асосий омиллардан бири бўлган сув ресурслари шаклланади. Хўжабақирғон, Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам, Аравон, Оқбўра, Қорадарё, Норин, Подшоотасой, Ғовасой, Чортоксой, Чодаксой каби Фарғона водийсини сув билан таъминловчи асосий дарёлар мазкур минтақадан бошланади. Дарёлар тўйиниш типига қараб, май-июнъ ёки июль-август ойларида тўлиб оқиб, ўзидан қуида турувчи минтақаларни сув билан таъминлайди. Минтақанинг бу хусусияти у ернинг қаттиқ муҳофазага олинадиган худудларга айланишига сабаб бўлган. Бу ҳақида 4.2.-параграфда батафсил маълумот берилади.

Ердан фойдаланишда худуднинг водийни сув билан таъминлашдаги гидрогеологик ҳолати ҳисобга олинган. Тоғ билан текислик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, модда ва энергия алмашинуви жараёни, яъни «тоғ-текислик» геожуфтлиги [18; 33-б.] ёки парагенетик мажмуалар [12] ердан фойдаланишнинг табиий-тарихий типида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Водийнинг текислик худудлари ўзлаштирилиши билан дарё йўналиши бўйича алоқалар тикланган, тоғ қишлоқлари ва текислик худудидаги аҳоли ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти ва мол айрибошлиш йўлга қўйилган.

Маъмурий бўлинишда ҳам ўзгариш бўлган, яъни бутун Сўх дарёси тизимида ягона бошқарув йўлга қўйилган.

Тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолига, ушбу ҳудуднинг дарё суви миқдори ва режимини сақлаш функцияси юклатилган. Ҳудуднинг асосий қисми ялов бўлиб, масалан, Сўх этноэкологик районининг атиги 0,8 фоизи суфориб дехқончилик қилишга ажратилган [83; 23-б.].

Сув эрозиясига йўл қўймаслик мақсадида дарё водийларида шоли, бошқа ҳудудларда кузги буғдой, картошка, сабзи каби илдиз мевали экинлар ва 80 турдаги дараҳтлар экилган. Бошқа маҳсулотлар халқ эҳтиёжини қондириш учун текисликдан келтирилган. Сўх, Чорку, Олмос, Чодак, Новқат қишлоқларида душанба, чорshanба, пайшанба кунлари, ишловчи 70 та савдо растасига эга бўлган, чорва билан ҳам савдо ўтказиладиган бозор бўлган [83; 24-б.].

Олой, Туркистон, Қурама, Чотқол тизмаларининг водийни сув билан таъминлашдаги экологик функцияси ўша даврлардан бошлаб тушуниб келинган. Бу ҳудудларда ҳам ўзига хос «қўриқхона»лар давлат ва маҳаллий аҳоли томонидан ташкил этилган.

Суғориш тизимининг ривожланиши билан араб географлари ва В.Наливкин (1886) асарларида айтилган, адирлар зонасигача тушиб келган «Ўрмон-боғлар»нинг майдони кескин қисқара борган. Аҳоли сонининг ортиб, дехқончилик майдонларининг кенгайиши кузатилган, жамоа мулки бўлган ҳудудларда дараҳтлар кўплаб кесилган. Оқибатда, VIII-IX асрларда дарё режимининг ўзгариши, сув тошқинлари кўплаб кузатилган. Ўз-ўзидан кишилар бу салбий жараёнларнинг сабабини ўрганганлар ва унга қарши қаратилган чора-тадбирларни қидира бошлаганлар. Биринчи навбатда табиатнинг бузилган унсурларини, яъни ўрмонларни тиклашга харакат қилинган. Ўз ўлкасининг гуллаб яшнашини ўйлаган ҳукмдорлар эса аввало, тоғли ҳудудлар табиатини араб «қўриқхоналар» ташкил этган дея хулоса қилиш мумкин. Бундай ўзига хос «қўриқхона»лар, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар кўринишида водийдаги энг кўп зиёратчиларни ўзига чорлаши

билан ажралиб турган [97; 98-б.]. Бу эса ўз навбатида бутун водийда сув таъминотини яхшилаб, этноэкологик мувозанатни сақлашга ёрдам берган.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, ердан фойдаланишнинг ҳар учта тури яъни, худуднинг ҳалқ ҳўжалик тармоқлари бўйича тақсимлашда (ер тоифалари), қишлоқ ҳўжалик ерлари (ер турлари) ва экин майдонлар таркибини шакллантиришда минтақанинг ландшафт-экологик хусусиятлари, аҳолининг меҳнат ва табиатдан фойдаланиш малакалари тўлиқ эътиборга олинган. Бу холат худудда экологик мувозанатни сақлаб, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаб туришга ёрдам берган.

3.2. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг анъанавий усуллари ва ижтимоий географик жиҳатлари

Этноландшафтдан фойдаланишнинг ҳудудий жиҳатларидан бири унинг макон ва замондаги шаклланиши, фаолият қўрсатиши ҳамда ривожланиш тамойилларининг турличалигиdir. Марказий Осиё минтақасида яшовчи аҳоли минг йиллар давомида шариат қонунлари бўйича сув ресурслардан оқилона, ҳамкорликда фойдаланиб келди. Ҳамюртимиз улуғ аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга берилган шарҳларда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, табиат неъматларидан биринчи навбатда ер ва сувдан оқилона, шукроналик билан, унга заарар етказмасдан фойдаланишнинг ҳукуқий асосларини белгилаб берди [71; 79;].

«Ҳидоя» асарининг «Ердан фойдаланиш» (музорба), «Қўриқ ерларни очиш», «Сувдан фойдаланиш», «Вақф китоби»каби бўлимларида ҳукуқий нормалар қурғоқчил иқлим шароитида ижтимоий-экологик талабларга, бугунги иборалар билан тушунирилганда барқарор ривожланиш тамойиллариги мос ҳолда узоқ йиллар давомида ер-сувдан самарали фойдаланишга сабаб бўлиб келди. Асарнинг қўйидаги нормалардан минтақада қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришни рағбатлантиришга эътибор берилганлигини қўриш мумкин, яъни - «Бир киши фойдаланишга яроқсиз

ерда қудук қазиса, шу қудукнинг атрофидаги ер у кишиники бўлур», «Суви чеълак воситасида қўл билан тортиб чиқариладиган қудук ва нозих, яъни суви тута ёки бошқа ҳайвонлар билан тортиб олинадиган қудук учун тўрт тарафидан қирқ зироъ (1 зироъ-66 см) қудук қазувчиники бўлур» [79; 233-б.]. Бошқа бир нормада ўзлаштириган ер бекор ободонлаштирилмай, экилмай қолиши жамият учун зарап келтиришининг олдини олишга харакат қилинади ва шундай дейилади: - «Бир киши фойдасиз бир ернинг атрофини чегаралаб тошлар билан ўраб қўйса, аммо учийилгача у ердан фойдаланмаса, яъни мазкур ерни яроқли қилмаса – ҳоким у ерни иккинчи кишига олиб берур» [79; 233-б.]. Асарда икки ёки ундан кўп қавмлар худудидан оқиб ўтган дарё ёки ариқ сувини тақсимлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари кенг ёритилиб берилган. Ҳидоянинг «Сувдан фойдаланиш бўлими» 8-бандидаги қуйидаги фикрлар мазкур мавзуга бевосита алоқадорлиги билан диққатга сазовордир: «Агар сувни боғлаб тўхтатмаса, ери сув ичмайдиган бўлса ҳам – сувнинг юқорисидаги киши сувни бўғиб тўхтатишдан манъ қилинди, илло шерикларининг розилиги билан тўхтатса дуруст бўлур», ёки 9-бандда «Ариқдан бирга фойдаланувчи шерикларининг биттаси бошқасини сувни олиш учун қуриладиган чигир ва бошқа ускуналарни қуришдан манъ қилиши мумкин. Агар мана шу ускуналар уни қурувчига қарашли ерда бўлса ва бошқаларга зарап бермайдиган даражада бўлса манъ қила олмаслар» [71; 459-б.]. Ҳидоянинг қавмлар ўртасида сувдан фойдаланиш бўйича юзага келиши мумкин бўлган низони хал қилишга қаратилган бандлари ҳам эътиборга моликдир. Бунда «Агар бир қавм ўзлари орасида муштарак ариқнинг сувидаги улушлари устида низога борсалар, сувдаги улушлари ўзларининг ерлари миқдорича бўлинниб берилур дейилади» [71; 459-б.] (Зилова).

Юқоридаги мисоллардан қўриниб турибдики ер-сувдан фойдаланишда жойнинг ландшафт-географик хусусиятлари тўла эътиборга олинган. Маҳаллий аҳолининг ер-сувга бўлган эҳтиёжини имкон даража таъминловчи, сувни тежашга асосланган этноэкологик маданият шаклланганлигини ва

унинг авлоддан-авлодга ўтказиб келинганини қўришимиз мумкин. Бу ҳолат узоқ вақт давомида ўлкада обикор дехқончиликнинг барқарор ривожланишига, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга замин яратган.

Ердан фойдаланишда кузатилгани қаби, сувдан фойдаланишда ҳам асрлар давомида шаклланган табиий-тариҳий тур ўзининг тежамлилиги, экологик муаммоларни келтириб чиқармаслиги, иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги билан тадқиқотчиларни ҳайратга солиб келган.

Фарғона водийсида сувдан дехқончиликда фойдаланиш тарихи анча мукаммал ўрганилган [45; 14; 15; 51; 30; 60; 96; 25; 115; 116;]. Биз масаланиэтноэкологик жиҳатларини ўрганишга, аввало суғориш натижасида юз бериши мумкин бўлган салбий экологик ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган анъана, кўникма ва малакаларга аҳамият бердик.

Фарғона водийсида суғоришга сувини ишлатиш мумкин бўлган кичик сой ва дарёлар сони 6,5 мингтадан кўп бўлиб, асосий майдонлар улардан тортилган канал ва ариқлар ёрдамида суғорилади [50; 144-б.] Бундан ташқари, юқоридаги этноландшафт минтақаларнинг гидрогеологик хусусиятидан келиб чиқиб, ер ости сувларидан (булоқ, қудук, кориз) фойдаланиладиган жойлар ҳам мавжуд [15; 38-б.].

Фарғона водийсининг барча суғориш тизимлари сони 31 та бўлиб, улардан чиқарилган йирик магистрал ариқлар сони 1949 тани ташкил этган. Водийдаги энг йирик суғориш тизимлари ҳисобланган Исфара дарёсидан 90 та Сўх дарёсидан 98 та, Шоҳимардонсойдан 100 та, Аравонсойдан 177 та, Бойистон тизимидан 199 та, Янгиариқ тизимида 201 та йирик ариқлар чиқарилган [106; приложение-29]. Бундай мураккаб суғорниш тизими билан биринчи марта тўқнаш келган Россиялик ва хорижлик олимлар ҳалқимизнинг сувдан фойдаланиш маданиятига қойил қолганликларини кўп марта такрорлаганлар.


Асрлар давомида шаклланган, жойнинг табиий-иқлим, рельеф, тупроқ экологик ва демографик шароитларни ҳисобга олиб ташкил этилган ушбу суғориш тизимига рус хукумати ҳам деярли аралашмаган. Бу ҳақда

В.И.Масальский шундай ёзади: «Бу янги, биз учун яхши таниш бўлмаган соҳага аралашиш лозим топилмади ва барча сувдан фойдаланиш иши маҳаллий аҳолига қўйиб берилди» [73; 425-б.]. А.Ф.Миддендорф эса, Фарғона вилоятидаги суғорма дехқончилик анъаналари билан чуқур танишиб, унга юқори баҳо беради ва Европаликларга қаратса «...биз бу ишни Шарқ халқларидан ўрганишимиз керак», деб ёзган эди [73;169-б.].

Ўлкамиздаги сугориш тизимини ҳар томонлама ўрганган немис олими В.Радлофф ҳудудларнинг сугориш тизимларидан ҳайратга тушади ва бу ишларни техник ва гидротехник билимларга эга бўлмаган маҳаллий аҳоли авлоддан-авлодга бериб келинаётган тажриба асосида бажарганлигидан ҳайратга тушибшундай ёзади: «Мазкур сугориш тармоғи шундай бир ажойиб техника-ки, чиндан-да, ҳатто жуда илмли муҳандислар ҳам бунинг сабабини осонгина эплай олмаган бўлар эдилар» [93; 70-б.].

Водий аҳолисининг сувдан фойдаланиш малакаларидан экологик жиҳатидан аҳамиятли бўлган, географик мазмун ва моҳият касб этувчи дарё сувидан навбатлашиб фойдаланиш ва ҳавзали бошқарув маданияти алоҳида ўрганилди. Водийдаги сувдан навбати билан фойдаланиш ва уни тежаш усуулари ўрганишнинг арзигулик яна бир жиҳати аҳолининг мукаммал гидрологик тавқимдан фойдаланиш маданиятидир. Дарё сувидан фойдаланувчи аҳоли ўз дарёларининг йиллик сув сарфи, режими, тошқинлар бўлиши вақти каби хусусиятларини кўп йиллик кузатишлар натижасида пухта ўрганганлар. Бундай ўзига хос, гидрологик тақвим дарё сувидан унумли фойдаланишга имкон яратган. Кутилаётган йиллик сув миқдорига қараб, экин ерларнинг майдони ва экин турлари белгилаб олинган [14; 29-б.]

Адабиётларда маҳаллий аҳолининг ариқларга сувни навбат билан олиши қура ташлаш йўли билан [73; 425-б.], йирик ер эгалари, ариқ оқсоқоли ва миробларининг хоҳиш-иродаси билан [15; 48-б.) ва ҳаттоки, навбатни сотиб олиш, [43;76-б.] пора бериш [74; 171-б., 44; 41-б.] йўли билан амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида ёзадилар. Бизнингча, бундай ҳолатлар айrim жойларда ва баъзи йиллари кузатилган бўлиши мумкин.



3.2.1-расм. Риштон арифидаги навбатлашиб сув тақсимлаш картаси

Лекин, ариқларга сув тақсимлашда табиий омиллар ҳам эътиборга олинганлиги аниқ. Буни билиш учун, Риштон магистрал ариғида сувдан навбатлашиб фойдаланиш жараёнининг чукур географик ва картографик таҳлили ўтқазилди (3.2.1-расм).

Бу худуддасувга навбат март ойидан бошланиб, июлда тутаган. Эски сана бўйича ҳамал ойи 7 марта бошланишини ҳисобга олсак, навбатлашиб сув олиш тупроқнинг етилиши, вегетация даврининг бошланиши билан бир вақтда бошланган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Риштон худудидаги ерларнисугориш учун З тамагистрал ариқ Сариқўргон сув тақсимлаш масканидан бошланади [73; 5-илова]. Улардан Вохим ариғидан 3 та, Жалоер ариғидан 6 та, Риштон ариғидан 10 та шоҳ ариқлар чиқарилган. Худуднинг чукур картографик таҳлили натижасида қуйидаги этноэкологик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ҳолатлар аниқланди:

1. Риштон ариғидан сув ичадиган «оқ тупроқли» худудда жойлашган Оқтомир, Кўшқайроқ, Тўда, Қалайнов ва Катпут қишлоқлари ўн кун сув олганларидан сўнг «қора тупроқли» худудида жойлашган Зодиён, Жалаер, Бўжай, Бешкапа, Ғармачит қишлоқлари сув олганлиги таъкидланган [15; 51-б.]. Риштон туманининг бугунги тупроқ ҳаритаси таҳлил қилинганда юқоридаги «оқ тупроқли» худудларда 0,5-1,0 м. дан шағалли, кучсиз шўрланган, ўрта қумоқли эскидан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар тарқалганлигини кўриш мумкин. Геоморфологик жиҳатидан бу худуд тоғолди текисликлар ва адирликларнинг оч тусли бўз тупроқлар зонасига киради [145; 72-б.] «Қора тупроқли» худудлар эса чўл зонасининг 0,5-0,7 м баъзан 1,0-2,0 м.дан шўх қатламлари мавжуд, кучсиз шўрланган ва ювилган, ўртacha ва оғир қумоқли эскидан суғориладиган ўтлоқи саз аллювиал тупроқлар тарқалган. Мазкур тупроқлар бонитировка ўтказиш мақсадида чукур таҳлил қилинган. Натижада оч тусли бўз тупроқлар ўзининг механик таркибидан келиб чиқиб, эрта баҳорда ўтлоқи-аллювиал тупроқларга нисбатан 5-7 кун аввал етилиши аниқланган [141; 68-б.]. Бундан кўриниб

турибиди, узоқ йиллар давомида синчиклаб қузатиш натижасида маҳаллий дехқонлар навбатлашиб сув тақсимлаш тизимини тупроқнинг етилишига қараб белгилаганликлари ва бу ҳақидаги билимларни авлоддан-авлодга бериб келганликлари маълум бўлади. Сувдан шу тартибда навбатлашиб фойдаланиш Исфара-Хўжабақирғон дарё тизимида [43; 72-б.], Шоҳимардонсой, Аравон-Оқбура тизимида [74; 72-б.] ҳам жорий этилганлигини эътиборга олсак, водийнинг барча суғориладиган худудларида сувдан тежамкорлик билан дарё режимини ўзгартирмасдан балки, унга мослашиб (адаптация қилиб) фойдаланилганликлари кузатилади. Бу юксак этноэкологик маданиятнинг моддий қўринишларидан бири бўлиб, қадимги Вавилон, Эрон ва Ҳиндистонда суғориш оқибатида юзага келган экологик фожиалар Фарғона водийсида бўлишига йўл қўйилмаган. Суғориладиган ерлар майдони бўйича Туркистон – Миср, Франция, Италия, Испания, Кавказорти давлатларидан олдинга ўтиб, факатгина АҚШ ва Ҳиндистондан кейинги ўринни эгаллаган [73; 427-б.].

2. Ҳар бир ариқ унинг этагида (энг қуйида) жойлашган қишлоқ номи ёки этнос номи билан аталган. Бу ҳолат шу ҳудудда яшовчи аҳолига нисбатан сувга, ариққа нисбатан эгалик ҳиссини шакллантирган. Натижада, бугунги кунимиз учун ниҳоятда долзарб бўлган муаммолардан ариқни турли хил ифлосланишлардан сақлаш, ариқ атрофида ҳимоя зonasини (қирғоқларни ємириши, жарланиш) мустаҳкамлаш каби масалалар маъмуриятни аралашувисиз ҳал этилган. Ариқларнинг номланишида у ариқдан сув оладиган қишлоқлар номидан ташқари кишиларнинг исми ва амали билан аталган ариқлар ҳам мавжуд бўлган, масалан, Абдуллабаён, Амиробод. Ариқларнинг маълум қавм (этнос) номи билан аталиши (Қипчоқ, Жалоир, Бўжай) бу ариқларнинг «эгаси борлиги»ни англатиб, бошқаларга эслатиб турган. Топонимист олим Н.Улуқовнинг ёзишича, этногидронимларда номнинг соддалашуви юз беради, масалан, форсча Жуйитуркон (Чуст тумани, Варзак қишлоғи) аслида форсча жўй+и+турк+он қўшимчаларининг келишувидан ясалган бўлиб, «ўзбеклар ариғи» деган маънони англатади [107;

82-бет]. Бундай «эгаси бор» ариқларнинг ҳар томчи суви тежалган ва истеъмолга яроқли ҳолда сақланган.

Бундан ташқари сув объектларини номлаш йирик шаҳарлар номидан бошлаб, то сув обьекти кириб борган энг кичик маҳаллалар номига қадар давом этган. Масалан, Андижонсой, Марғилонсой, Намангансой, Кўқонсой, Шахрихонсой, Косонсойлар шаҳарлар номидан, Аравонсой, Шоҳимардонсой, Чинободсой, Чортоксой, Кувасой, Олтиариқсой, Файзиободсой, Чимёнсой, Чодаксой, Ғовасой, Чортоксой номлари қишлоқлар номидан, Даҳанасой, Чорвок, Кўкжар, Туягум, Жўйдам кабилармаҳаллаларномидан олинган.

3. Ҳар қандай гидротехник иншоот каби ариқларни ҳам йил давомида ишчи ҳолатда сақлаб туриш, сув ўтказиш қобилиятини тиклаш, ариқ қирғоқларининг мустаҳкамлаш, йил охирида эса уни тозалаш ишларига жамоани жалб этишда ҳам юқоридаги «ариқ эгалари»нинг алоҳида мажбуриятлари бўлган. Бу ишлар одатда бир ариқдан сув ичган жамоа вакилларининг умумий ҳашарлари билан бажарилган. Магистрал ариқдан сув олувчи ҳар бир қишлоққа умумий ҳашарда қатнашиш учун ишчи кучи сони қишлоқнинг суғориладиган ер майдонига мос ҳолда тақсимлаб берилган [45; 52-б.].

Сувдан фойдаланишни бошқаришдаги географик жиҳатдан тадқиқотга муҳтож бўлган навбатдаги йўналиш ҳудудий-маъмурий бошқарувнинг ҳавзали ёндашув бўйича олиб борилганлигидир. Бундай бошқарув ҳам бугунги экологик билимлар нуқтаи-назаридан қаралганда ниҳоятга катта экологик афзалликларга эгалиги адабиётларда таъкидланган [14; 45; 115; 116;].

Ҳар бир суғориш тизимишининг ягона маъмурий бирликдан бошқарилиши сув тақсимоти, сувга навбатни белгилаш, экин турларини танлашда қўл келган. Маъмурий бирликлар ҳудудларининг шакли (конфигурацияси) дарёдан чиқарилган ариқлар бўйига ўтказилганлиги ер ва сувдан унумли фойдаланишини таъминлаган. Ҳар бир ҳавзадаги қишлоқлар


аҳолиси бир-бири билан сув йўллари орқали боғланган бўлиб, қишлоққа сув бир вақтда берилганлиги учун экин турлари ҳам ҳар бир қишлоқ учун деярли бир хил бўлишига олиб келган. Бу «мажбурий ихтисослашув» меҳнат малакалари ортишига, ҳамқишлоқлар бир-бирига ёрдам беришига имконият яратиб, сувнинг исроф бўлишига мутлақо йўл қўймаган.

Кўқон хонлиги даврида мавжуд бўлган 15 та бегликнинг чегаралари [15; 94-б.] асосий суғориш тизими ҳисобланган дарё ҳавзаси чегаралари билан мос тушганлигини қузатиш мумкин. Масалан, Андижон беклиги Андижонсой, Шаҳрихон беклиги Шаҳрихонсой, Марғилон беклиги чегаралари Марғилонсой дарёси ҳавзасига мос тушган. Бошқарув ҳам мазкур дарё тармоғи орқали амалга оширилган. Алоқалар дарё тармоғи бўйлаб шаклланган. Ҳар бир бекликнинг маъмурий маркази ва чегаралари биз ажратган этноэкологик районлар чегарасига деярли мос тушишини 2.2.1-жадвал ва 2.2.1-расмдан кўриш мумкин.

Асрлар давомида шаклланиб келган бу тизимнинг бузилиши Кўқон хонлиги тугатилиб, бекликлар чегаралари ўзгартирилиб, Фарғона вилояти ва ҳудудий уъедзлар ташкил этилиши [81; 56-б.] сув таъминотини издан чиқариб, сувдан фойдаланувчилар ўртасида турли хил салбий ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлганлиги маълум.

А.Ф.Миддендорфнинг ёзишича, «1877 йил Марғилон уъездининг Шаҳрихон аҳолиси губернаторга мурожаат қилиб, аввал Шаҳрихон шаҳрига, ҳозирда Андижон ва Ўш уъездларига қарайдиган Қорасув, Маъмуробод, Жалолқудук, Сўфи-қишлоқ аҳолиси сувни ушлаб қолаётганликлари туфайли экинлари суғорилмай қолаётганлигини билдирганлар» [74; 173-б.]. Бу ҳолатга губернаторнинг махсус қарори билан амалий ёрдам берилганлиги таъкидланган.

Мазкур ҳолатни ҳам картографик усулда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик (3.2.2-расм). Кўқон хонлиги даврида Шаҳрихон беклигининг маъмурий чегараси Шаҳрихонсой дарёси бўйлаб ўтказилиб, Шаҳрихондан Қорасув қишлоғигача давом этган.



3.2.2 расм. Шахрихоной хавзасининг худудиниң маъмурий бўлинишдаги ўзгаришлар харитаси

3.2.2.-расм. Шахрихоной хавзасининг худудий-маъмурий бўлинишидаги ўзгаришлар картаси

Суғориш тизими니 бошқариш учун Шаҳрихондан тайинланган мироблар баҳор ойларидан бошлаб, ишга киришганлар. Шаҳрихондан Қорасувгача бўлган дарё қирғоғидаги ариқларга сув олиш иншоотларида адолатли назоратни ўрнатганлар.

Сув ҳар бир қишлоққа унинг суғориладиган ерлари миқдорида [71], тақсимлаб берилишига эришилган ва сувни дарёнинг энг қуи қисмидаги аҳоли масканларига ҳам етиб боришига эришилган.

Юқоридаги маъмурий-худудий бўлинишнинг ўзгартирилиши бир дарё ҳавзасини З та маъмурий марказдан бошқарилишига олиб келган. Асака, Шаҳрихон, Бўз каби аҳоли масканлари Марғилон уъездига, Кула, Хўжаобод, Қорасув аҳоли масканлари Ўш уъездига, Сўфиқишлоқ, Жалолқудук, Маъмуробод эса, Андижон уъездига бўйсуниши белгиланган. Натижада, уъезд марказларидан тайинланган мироблар сувнинг адолатли тақсимланишида хатоликларга йўл қўйиб, бутун ҳавза аҳолиси нуқтаи-назаридан эмас балки, ўzlари яшайдиган уъездлар аҳолиси фаровонлигини ўйлаб ҳаракат қилганлар. Юқорида айтилганидек, Шариат қонунларининг Сувдан фойдаланиш бўлимининг 8-бандини [71] бузилишига олиб келинган. Оқибатда худудда ижтимоий-экологик мувозанат бузилган. Аҳолининг сугорма деҳқончиликдан оладиган даромадлари камайиб, кўплаб ўзлаштирилган худудларда чўллашиш жараёни юз берган.

Демак, Фарғона водийсидаги сув тақсимлаш ва навбат билан сув олиш, гидротехник иншоотларни номлаш ва бошқарув тизимидағи кўп асрлик тажрибани янада чуқурроқ ўрганиш ва уларни ижтимоий-экологик билимлар ойнаси орқали қайта кўриб чиқиш бугунги кунда экологик мувозанатни сақлашга амалий ёрдам беради.

3.3. Аҳоли масканларини ташкил этишнинг ҳудудий хусусиятлари

Аҳоли масканларининг ҳудудий жойлашишида ер юзасининг кишилар томонидан ўзлаштирилиши жуда узок вақт давом этадиган тарихий жараён ҳисобланиб, у ҳудуднинг ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, Фарғона водийсидаги аҳоли масканлари юзага келишида ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган баландлик поғоналарига асосланган этноэкологик минтақаларнинг таъсирини кузатиш мумкин. Ўзлаштириш дастлаб, водийнинг юқори, учинчи қисман тўртинчи, этноэкологик минтақаларида чорвачилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик ҳамда, лалмикор дехқончилик билан шуғулланувчи аҳоли томонидан бошланганиниадабиётларда таъкидланади [13; 111-б.].

Энг қадимги Хитой ёзма манбаларида Фарғонада 70 та «шаҳар» мавжуд бўлиб, уларда, 60 минг оила ёки 300 минг аҳоли яшаганлиги қайд этилади. [32; 529-б.]. Бу шаҳарларнинг аксарият қисми ҳам Фарғона водийсининг юқоридаги тўртинчи, учинчи этноэкологик минтақада жойлашганлигини кўриш мумкин. Бу минтақалардаги аҳоли масканларида аҳоли асосан чорвачилик, лалмикор дехқончилик ва тоғ боғдорчилиги билан шуғулланган. Чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг ярим ўтроқ ҳаёт кечириши кузатила бошлагандан сўнг, уларни водийнинг қуи қисмларига тушиб, қишлоғ учун ўзларига алоҳида жой ҳозирлаганликлари кузатилган. Бундай аҳоли масканларида аҳолининг қўрғонлар шаклидаги яшаш жойлари шаклланган. Уларнинг номларида ҳам кўпроқ «қўрғон» сўзи қатнашганлигини кузатамиз [13; 81; 118;]. Бундай «қўрғонлар» қиши ойларида гавжум, савдо, ҳунармандчилик ривожланган қишлоқлар кўринишида бўлса, бошқа ойларда аҳолининг асосий қисмини тоғли яйловларга кўчиб кетиши кузатилган. Фарғона водийсининг тоғадир,чўл ландшафтлари туташган минтақасида олиб борилган топонимик тадқиқотларимизда қўрғон, қўрғонча сўzlари қатнашган 100 ортиқ жойномлари қайд этилди. Бу қўрғонча

шаклидаги аҳоли масканлари кўпроқ яримўтроқ қирғиз, қипчоқ, турк, қорақолпоқ каби чорвадор аҳоли учун хос бўлиб, улар одатда дехқончилик билан шуғулланувчи ўзбек ва тожиклар яшайдиган қишлоқлар яқинида бунёд этилган. Бу номларнинг аксарият қисми уни ташкил этган уруғ ёки уруғ оқсоқолининг номи билан аталиши С.С.Губаева (1983) томонидан таъкидланган эди. Бизнинг дастлабки тадқиқотларимизда Нўгайқўрғон, Қипчоққўрғон, Қирғизқўрғон, Қозоққўрғон каби этнонимларни, Тўракўрғон, Хонқўрғон, Хўжақўрғон, Юсуфқўрғонча, Сўфиқўрғон каби антропонимларни аниқлаш имкони бўлди. Шунингдек, Фарғона водийсининг мазкур минтақасида Қизилқўрғон, Ўртакўрғон, Қозиқўрғон топонимлари 2 мартадан, Қорақўрғон, Тепақўрғон топонимлари 3 мартадан, Учқўрғон, Тошқўрғон топонимлари 4 мартадан, Янгиқўрғон, Кўрғонтепа топонимлари 5 мартадан, Кўрғонча топоними эса 12 марта топоним сифатида аҳоли масканларига кўйилганлиги юқоридаги фикрларни асослайди. Бошқа қўрғон сўзи қатнашган аҳоли масканларининг этноэкологик жиҳатларига 4.1-параграфда батафсил тўхталамиз.

Экологик нуқтаи-назардан ёндашилганда бундай аҳоли масканларининг иккита, айrim ҳолатларда учта ландшафт минтақаси чегарасида юзага келиши ҳақидаги Л.Н.Гумилев (1990) томонидан олдинга сурилган этноэкологик қонуният Фарғона водийсида ҳам тўлиқ ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Тадқиқ этилаётган даврда юзага келган аҳоли масканлари адир, тоғ, чўл ландшафтлари туташган жойларида шакллана бошлаган. Буларга Косон, Чодак, Аҳси, Ўш, Аравон, Эрши, Қува, Ўзган, Поп каби аҳоли масканларини мисол қилиб келтириш мумкин [111; 24-б.]. Бундай турли ландшафт зоналари жойлашган аҳоли масканларида аҳоли сонини ортиши билан табиатга тушадиган антропоген босимнинг микдорини меъёрлаштириш эътиборга олинган. Бу ҳудудларда яйловларни, тоғ боғдорчилигигида фойдаланиладиган «ўрмон-боғлар» ва лалмикор дехқончиликдаги ерлар унумдорлиги пасайиб, деградацияга учрашининг олди олинган. Ҳар бир ландшафт зонасидан унинг «табиати»га мос ҳолда

фойдаланишга асосланган күчманчи, ярим күчманчи ҳамда ўтроқ ахоли истиқомат қиласынан ахоли масканлари юзага келган.

Бу ахоли масканларыда иқтисодий алоқалар вертикал шаклда бўлиб, Фарғона водийсидаги юқорида келтириб ўтилган баландлик поғоналарига мос келувчи этноэкологик минтақалардаги бу алоқалар водийда суформа дехқончиликнинг ривожланишига қадар сақланиб қолган. Натижада тўртинчи минтақада Ворух, Исфара, Боткент, Шоҳимардон, Сўх, Новқат, Ўш, Чодак, Чоркесар, Сефедбулон каби ахоли масканлари орасида ўзаро боғлиқлик юзага келиб, бу ахоли масканлари этноландшафт минтақаларда «минтақавий марказ»лар вазифасини бажарган. Шу билан бир вақтнинг ўзида, бу масканларнинг водийда суформа дехқончилик маданиятининг шаклланиши билан бажарадиган функциялари яъни, минтақавий марказ функциясига қўшимча равишда «муқаддас зиёратгоҳлар» вазифаси ҳам юклатилган. Бу ҳакда 4.2-параграфда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Бу минтақадан фарқли равишида учинчи минтақада юзага келган ахоли масканларыда нисбатан хунармандчилик ва савдони, боғдорчиликни кўпроқ ривожланиши кузатилди. Мисол тариқасида Риштон, Исфара ахоли масканларини ўрганиш мумкин. Адир ва чўл ландшафти оралиғида шаклланган бу марказларда кўчманчи ахоли билан биргалиқда хунармандчиликнинг (Риштон кулолчилиги) ва боғдорчиликнинг (Исфара ўригини етиштириш) ривожланганлиги табиий ландшафтга оғирлик туширмасдан ахоли сонини ортириш имкониятини берган. Шунинг учун бу марказлар атрофдаги бошқа ахоли масканларига қараганда тезроқ ривожланиб борган. Бундан ташқари Яйпан, Арсиф, Қува, Мингтепа, Аравон, Косон, Янгиқўрғон, Чорток, Олмос, Поп, Чуст ахоли масканларининг ҳар бирида чорвачилик ва дехқончиликка қўшимча равишида маълум бир ихтисослашган табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган ҳунар тури ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Яйпандада узумчилик, виночилик, Арсифда ёнғоқ етиштириш, Қувада анорчилик, Мингтепа ва Аравонда тандирчилик, йилқичилик, Косонда кулолчилик, Янгиқўрғонда ғайноли ва

кўксултон, Чортокда писта ва бодом етиштириш, Чустда темирчилик (Дамашқ қиличлари), дўппичилик, Олмосда [74; 276-б.] олма етиштириш каби соҳа ва касблар кенг ривожланиб, сайқалланиб, тўпланган анъана, кўнишка ва малакалар авлоддан-авлодга берилиб борган.

Бошқа қурғоқчил ҳудудларда кузатилгани каби Фарғона водийсида ҳам ҳудуднинг дехқончиликдаги ўзлаштирилиши суғориш тизимининг ривожланиши асосий аҳоли масканлари жойлашишига ҳам ўз таъсирини ўтказган [32; 529-б.].

XIX асрнинг охирига келиб, Фарғона водийсидаги аҳоли масканларининг жойлашишидаги ҳозирги кўриниш тўлиқ шаклланди. Бундай жойлашишга суғориш омилидан ташқари албатта табиий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар ҳам таъсир кўрсатди. Фарғона водийси ҳудудининг кичикилигига қарамасдан юқоридаги омиллар таъсирида аҳоли масканларининг (қишлоқларнинг) жойланишида куйидаги экологик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ўзига хосликларни кузатиш мумкин.

Биринчидан, Сирдарёнинг ўнг қирғогида аҳоли масканларининг дарё водийларида узун, тор, тасмасимон ҳолатда жойланиши кузатилади. Наманган уездидаги Подшоотасой, Чортоксой, Чодаксой, Ғовасой, Косонсой дарёлари водийсидаги қишлоқларнинг лентасимон қўринишдаги жойлашганлигини XIX асрнинг охирида ишланган қуйидаги географик харитадан кўриш мумкин (1-илова; 1-расм).

Бундай жойлашишнинг экологик жиҳатдан аҳамиятли томони аҳоли масканлари орасидаги алоқаларнинг горизонтал йўлга қўйилишидир. Бу даврдаги этноэкологик маданият моҳиятини қадимги туркийдан қолган «бир ариқдан сув ичган» иборасини қўллаш орқали тушуниш мумкин. Алоқаларда экологик ва ижтимоий адолатни таъминлашга география фани учун хос бўлган ҳавзали ёндашув тамойили ёрдам берган [115]. Бундай ҳудудларда Ҳидоя асаридаги дарё ёки ариқнинг юқори ва қуи қисмида яшайдиган сувдан фолидаланувчиларни муросага келтирувчи тавсиялар ниҳоятда ўринли ва фойдали бўлган [71].

Иккинчидан, водийдаги барча дарёлар ҳудуднинг адир минтақасидан ўтганидан сўнг конуссимон ёйилмаларни ҳосил қилганлиги. Бунга аввало ёйилмаларнинг типик намунаси сифатида Сўх конуссимон ёйилмасини келтириш мумкин. Шунингдек, Исфара, Шоҳимардонсой, Исфайрамсой, Аравонсой, Оқбура, Мойлисой, Норин каби дарёларнинг адирлар ҳалқасидан чиқиш жойларида аҳоли масканлари конуссимон ёйилмаларда ҳам юқоридаги қонуният асосида жойлашган аҳоли масканлари кузатилади (2-илова; 2-расм).

Бу аҳоли масканларнинг жойлашишида ижтимоий экологик жиҳатдан ўрганишга арзигулик жиҳати уларнинг орасидаги масофаларни ва асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган суғоришга яроқли ер майдонларининг етарли бўлишини таъминланганлигидир.

Учинчидан, конуссимон ёйилмаларда бир текис жойлашган қишлоқларда савдо-маданий алоқалари шаклланиши натижасида ҳар бир ёйилманинг «марказий маскани» шаклланганлигидир. Учинчи типдаги аҳоли масканлари яъни конуссимон ёйилмаларнинг ўрта қисмларида, суғориш тармоқларининг қуий қисмида «марказий маскан»га нисбатан жойлашганлигини кўриш мумкин. Бундай марказлар вазифасини Исфара, Кўқон, Олтиарик, Марғилон, Асака, Андижон, Учқўрғон каби шаҳарлар бажарган. Одатда марказий масканнинг конуссимон ёйилманинг ўрта қисмида жойлашганлиги унинг иқтисодий омиллар (savdo маркази, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқарув, транспорт тутуни) таъсирида йириклишиб кетишига олиб келган. Бундай типдаги аҳоли масканларига Марғилон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларнинг жойлашиши мисол бўлади.

Тўртинчидан, Марказий Фарғонадаги чўлли ландшафтларда якка ҳолдаги йирик қишлоқлар шаклланганлиги. Бундай аҳоли масканларига Бўз, Ёзёвон, Мингбулоқ каби аҳоли масканлари ҳозирда ҳам туман марказлари вазифасини бажаради.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашмаган қишлоқлар водийда кўп учрамаса-да, аралаш вазифани бажарувчи турлар кенг тарқалган. Фарғона

водийси атрофидаги тоғлардан бошланадиган дарёларнинг юқори қисмидаги қишлоқлар «муқаддас зиёратгоҳлар» (этноэкологик ёндашувда кўриқхоналар) вазифасини бажаради. У қишлоқларнинг топонимида ислом динига тааллуқли бўлган азиз авлиёлар, пайғамбарлар номлари қўпчиликни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашмаган иккинчи қишлоқлар гуруҳи таркибида бозор ва карвон сўzlари кўп қатнашади. Бундай қишлоқлар аҳолиси кўпроқ савдогарлик билан машғулдир.

Учинчи боб бўйича хулоса

Фарғона водийси худудида, XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар, 4 та этноландшафт минтақада анъанавий хўжалик юритишнинг жойни табиий имкониятларидан ва махаллий аҳолининг кўп асрлик кўникма ва малакаларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беридаган табиий-тарихий тури шаклланган. Ҳар бир минтақа учунердан фойдаланишнинг экологик жиҳатдан хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан самарали, ижтимоий жиҳатдан фойдали бўлган турлари танлаб олинган ва ривожлантирилган.

Водийда сув ресурсларидан тежамли, дарёлар режими ва йўналишини ўзгартирмасдан, тупроқнинг етилиши ҳамда сувга бўлган талабини ҳисобга оловчи “ариқларга навбатлашиб сув тақсимлаш” маданияти шаклланган. Суғориш тизимининг минтақани маъмурий бошқарув усули билан мувофиқлаштирилиши натижасида сув ресурсларини тежаш ва адолатли тақсимлаш имконини берувчи ҳавзали бошқарув тизими бунёд этилган.

Аҳоли масканларининг ҳудудий жойлашиши узок давом этган тарихий жараён маҳсули бўлиб, унда ҳар бир этноэкологик минтақанинг ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан, иқтисодий географик ўрнидан самарали фойдаланишга кўмаклашувчи жойлаштириш тамойилларига амал қилинган.

Аҳоли масканлари, сув объектлари ва ерларнинг (дала контурларини) номлашда этномимлар ва антропотопонимлардан кенг фойдаланилган. Бу мазкур обьектга нисбатан эгалик ҳиссини ҳамда оқилона экологик муносабатни шакллантирган.

4-БОБ. ФАРГОНА ВОДИЙСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЬНАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

4.1. Географик номларнинг ижтимоий экологик функцияси ва улардан фойдаланиш

Табиатни муҳофаза қилишнинг анъанавий усуллари сифатида экологик мазмунга эга бўлган географик термин ва номлардан фойдаланишнинг метологик асослари ҳақида 1.2.-параграфда айтиб ўтилди. [78; 109; 110;]. Географик обьектларни номлашда унинг табиий-географик хусусиятига эътибор қаратилади. Топонимларнинг табиий-географик асосларини ландшафт компонентларининг хусусиятлари (рельеф, иқлим, гидрографик тўр, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ҳамда унинг тури (Чўл, чала чўл, дашт, ўрмон...) белгилайди. Шу жойда топонимларнинг дастлабки, антропоген таъсирга учрамаган ҳолатидан келиб чиқиб ном берилганига эътибор қаратиш зарур бўлади. Чунки, обьектга ном берилгандан сўнг у хўжалик фаолиятига тортилиши, антропоген таъсир остида ўзгариши кузатилади.

Экологик топонимларни амалда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатларига, бажарадиган вазифасига қараб, 4 та гурӯхларга бўлишни таклиф этиш мумкин (2.1.-параграф).

Юқоридаги тасниф бўйича *биринчи гурӯҳга* Фарғона водийсида ҳозирги вақтда антропоген таъсир натижасида йўқ қилиб юборилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида маълумот берувчи топонимлар киритилади. Улар анча олдиндан маълум бўлса-да, бироқ улар экологик билимлар ойнаси орқали таҳлил этилмаган. Ўзбекистонда С.Қораевнинг 1970 йилда нашр этилган «Географик номлар маъносини биласизми?» номли асарида экологик функцияси мавжуд топонимлар ҳақида илк бор фикр билдирган эди. Олим жойларга ном беришга асос бўлган ўсимлик ёки ҳайвонлар йўқ бўлиб кетганини, бироқ жой номлари сақланиб қолганлигини ёзди [126; 4-б.] Бу

номлар таҳлилига экологик тамойиллар бўйича ёндашилса, кишилар хўжалик фаолияти ёки бошқа омиллар натижасида йўқ қилиб юборилган ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида маълумот олиши мумкин. Масалан, юқоридаги асарда қачонлардир мамлакатимиз ҳудудида яшаган *Қулон*, (*Қулонсой*, *Қулонбоши*, *Қулонтепа* топонимларидан), *Булон* (Булон, Булонти топонимларидан), *Сиртлон* (Дўлта, Дўлтали топонимларидан), *Йўлбарс* (Палангдара топонимидан) каби ҳайвонлар ҳозирда йўқ бўлиб кетганини айтилади. Бу ҳолат сабабларини, моҳиятини очиб бериш, бундай ҳолатлар келажакда тақрорланмаслиги учун ҳаракат йўналишини белгилаб бериш экологик топонимика йўналишидаги тадқиқотлар асосини ташкил этади.

Фарғона водийсидаги учрайдиган ҳайвонот дунёсининг вакиллари ҳам жой номларига, ҳамда этонимларнинг тамғаси сифатида қабилалар [39; 74-б.] номига қўйилган ҳолатлар кўп учрайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам мазкур ҳайвонларнинг кўпчилиги бугунги кунда Фарғона водийсида табиий ҳолда учрамаслигини қайд этиш зарур. Жумладан, Бувайда туманидаги *Алқор*, Андижон туманидаги *Бўрибой*, Марҳамат туманидаги *Бўрибоши*, Данғара туманидаги *Бўриқум*, Норин туманидаги *Бўритепа*, Балиқчи ва Норин туманларидағи *Еттиқашқир* каби номлар жой ёки уруғ номи бўлишидан қатъий назар бугунги кунда республикамиз Қизил китобига киритилган бўрининг номидан олингандир. Ундан ташқари Фарғона водийсида ҳозирда ёввойи ҳолда учрамайдиган туж номи билан боғлиқ жой номлари Марғилон шаҳрида (*Туягум*), Жалақудук (*Туялас*) ва Избоскан туманларида (*Туячи*) учрайди. Шунингдек, қушлар номи билан боғлиқ Кўштепа туманидаги *Қорақушчи*, Ўзбекистон ва Шахрихон туманларидағи *Қушқўноқ*, Фурқат ва Марҳамат туманларидағи Қушчи, Асака туманидаги *Олақанот*, Жалақудук туманидаги *Янгисор* каби жой номлари бор. Бундан ташқари уй ҳайвонлари номи билан аталувчи *Кўчкорчи*, *Олабуқа*, *Бўрибосар*, *Катта-Айғир*, *Кичиктўртайғир* каби жой номлари ҳам учрайди. Бу номларнинг кўпчилиги уруғ номидан олинган бўлиши ҳам мумкинлигини қайд зарур [89]. Шундай бўлганда, ҳам номнинг қўйилиши аждодларимизнинг табиатнинг нозик

жонзотларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш тимсоли сифатида қаралиши зарур. Ҳайвонот дунёсига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш жуда қадимдан халқимизнинг азалий удумларидан бири саналган. Жумладан, «Авесто» китобида келтирилишича, ит илоҳий ҳайвон ҳисобланган. Итга азоб берган ёки уни ўлдирган одамни минг қамчи уриб жазолашган [125]. Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони-Каримнинг Бақара, Моида, Нахл, Хаж, Қасос, Анфол сураларида ва хадисларда ҳайвонот дунёсига раҳм-шафқат билан муносабатда бўлиш кўп марта айтилган.

Фарғона водийсида ҳозирда йўқ бўлиб кетган ёки камайган ўсимликлар номи билан боғлиқ ҳолдаги жой номлари ҳам учрайди. Масалан, Бешариқ туманида Чорбоғтуронги номли қишлоқ бор. Чор атрофда туронғи ўсанлиги туфайли шундай номланган қишлоқда ҳозирда туронғини топиш қийин. Шунингдек, кўплаб ўсимликлар номи билан аталган жойларда бу ўсимлик учрамаслиги мумкин. Жумладан, Андижон туманидаги Пистамозор, Чилонмозор, Марҳамат туманидаги Чилон каби.

Ўсимлик номларининг экологик тадқиқотлар учун аҳамиятли томони шундаки, улар топонимиканинг позитивлик қонунияти [128] асосида қўйилган. Бу қонуният бўйича қўйилган номлар географик объектларнинг табиий ёки ижтимоий-иқтисодий аломатларини, ўзига ҳос ҳусусиятларини яъни реал воқеа-ҳодисаларни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам бу номлар билан аталган ўсимликлар учун мазкур худудларнинг тупроқ экологик шароити энг мақбул эканлигини ҳам англатади. Масалан, Жалақудук, Пахтаобод, Олтиариқ, Ўзбекистон, Косонсой, Поп, Янгиқўрғон туманларида *Олмазор*, *Олтиариқ*, Бувайда туманлари ва Марғилон шаҳрида Узумзор, Олтиариқ туманида Узумчи, Уйчи туманида *Шафтоли*, *Шафтолизор*, Бўз, Андижон туманларида *Мингўрик*, Фарғона, Андижон, Косонсой ва Чорток туманларида *Ўрикзор*, Қува ва Избоскан туманларида *Анорзор*, Наманган туманида *Анжирзор* каби жой номлари шулар жумласидандир.

Иккинчи гурухга жойнинг хўжаликда (асосан дехқончиликда) фойдаланиш нуқтаи-назаридан салбий хусусиятларини акс эттирувчи географик номлар ва терминлар киради. Фарғона водийсида бундай гурухга *адир, бўз, бўқтар, дара, дам, дашт, ёвон, ёз (и), жар (ёр), зах, кўлоб, сел, санг, тагоб, тақир, шўр, чим, қия, қум, қоқкаби* жойнинг хусусиятини акс эттирувчи терминлар иштирокида ясалаган жой номларини киритиш мумкин. Бундай терминларнинг экологик аҳамияти шундан иборатки, улар тупроқнинг шўрланишини, ер ости сувларининг ер бетига яқинлигини, худуднинг ер усти тузилиши ҳақидаги ахборотни (хабарни) ном орқали у ердан фойдаланувчиларга етказиб беради. Рельефи тепа бўлган жойларда ҳимоя функциясидан ташқари, ер ости сувларининг чуқурда бўлиши, ернинг захлаш хавфи камлиги билан ҳам характерланади. Рельефнинг қиялиги жарланиш, шўрланиш, эрозияни юзага келтирса, рельефнинг қуи қисмида жойлашган ҳудуларда ер ости сувларининг кўтарилиши, ботқоқлашиши каби салбий ҳолатлар кўпроқ кузатилади. Юқоридаги холатларни халқимиз жой номларини мавжуд рельефга мослаб қўйиш орқали номнинг экологик функциясини ҳосил қилишган. Жойга ном у жой кишилари томонидан ўзлаштирилгандан сунг қўйилади. Антропоген таъсирни ҳар қандай салбий экологик ўзгаришларга олиб келиши номларнинг даракчилик функцияси орқали кейинги авлодларга етказиб берилади.

Водийда худуднинг жарлик эканлигини ёки жарланиш хавфи юқорилиги ҳақида дарак беручи *Жаманжар* (Ўзбекистон тумани), *Жарқишилоқ* (Бешарик, Данғара, Тошлоқ туманлари), *Ёрқишилоқ* (Жалақудук, Чуст туманлари), *Жартепа* (Балиқчи тумани), *Ёртепа* (Тўракўрғон тумани), *Ёрбоши* (Булоқбоши, Уйчи, Андижон туманлари), *Кесканёр* (Чорток, Уйчи туманлари) каби қишлоқ ва маҳалла номлари учрайди.

Фарғона водийсида тупроқнинг шўрланиши билан боғлиқ бўлган жой номлари ҳам талайгина. Улар жумласига *Шўр* (Учкўприк тумани, Балиқчи, Бувайда, Бешарик, Фурқат туманлари), *Шўрқишилоқ* (Бувайда, Ўзбекистон,

Боғдод, Тошлок, Наманган, Асака, Марҳамат туманлари), *Шўрқақир* (Марҳамат тумани) ларни киритиш мумкин. Экологик даракчилик функциясини бажарувчи жой номлари орасида нафақат қишлоқ, маҳалла, кўча номлари балки, бутун бошли туманлар номи борлиги диққатга сазовордир. Жумладан, Ёзёвон (чўл, дала, текислик), Тошлок (қиррали тош), Кўргонтепа (баланддаги қўрғон), Чорток (чор атрофи тоғ) каби туман номлари жойнинг реълеф хусусиятини англатса, Бешариқ, Булоқбоши, Жалакудуд, Олтиариқ, Учқўприк каби туманлар номи эса бевосита сувлик билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш мумкин.

Учинчи гуруҳга ноёб табиат гўшаларини (сой, булоқ, чашма, тоғ, гор, қоя, тепалик) ҳамда шаҳар, қишлоқ, маҳалла ҳудудини ёки уни бир қисмини муҳофаза қилишга ёрдам берувчи географик номлар киритилади. Бундай географик номлар билан аталган жой, тоғ ва сувликлар аҳоли томонидан илоҳийлаштириб, зиёратгоҳ ва қадамжоларга айлантирилган. Бундай номлар шу ҳудуддаги табиат компонентларини муҳофаза қилишга, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, аҳоли масканларида сокин ва осойишта муҳитни яратишга ёрдам беради. Бундай диний–хуқуқий муҳофаза усулини қўллаб она табиатни асрашга ўлкамизда шаклланган юксак маънавий этноэкологик маданият сифатида қаралмоғи лозим. Топонимлар таркибида «авлиё», «азиз», «бобо», «бува», «гўр», «мозор», «момо», «ота», «пир», «улуг» сўзларидан бирининг қўлланиши асосида яратилган топонимлар манзилни кўрсатиб беришдан ташқари экологик вазифани ҳам бажаради [136, 60 б.]. Фарғона водийсида бундай номлар қаторига *Тошқўргони Азиз*, *Ёрдони Азиз*, *Сатқак Азиз* (Фарғона тумани), *Зангібобо* (Андижон тумани), *Оқёзбобо*, *Қораёзбобо* (Ўзбекистон тумани), *Қулбобо* (Фурқат тумани), *Бувайдо* (Бувайдо тумани), *Бувайдо* (Шахрихон тумани), *Баланд Гўртепа* (Мингбулоқ тумани), *Гўраввол* (Марғилон шаҳри), *Гўровон* (Балиқчи тумани), *Гўрмирон* (Косонсой тумани), *Арабмозор* (Тошлок тумани), *Бувимозор* (Бувайдо тумани), *Гурунчмозор* (Жалақудук тумани), *Мозортаги* (Қува, Фарғона туманлари), *Хўжамозор* (Данғара тумани),

Зираимомо (Олтиариқ тумани), *Момохон* (Мингбулоқ тумани), *Мустофокүл-ота* (Риштон тумани), *Ялонгочота* (Күқон шахри), *Күчкорота* (Қирғизистон Республикаси), *Пошибопирим* (Бувайда тумани), *Үширим*, *Йигитпирим* (Қирғизистон Республикаси) каби номларни мисол келтириш мүмкін.

Тұртинги гурухга хусусий мулк сифатида бирор бир кишига, миллат, әлат ёки уруғ-қабилага, мачит, мадраса, мактаб, маҳалла ёки қишлоқ ахолисига вактинча ёки доимий фойдаланиш, умрбод әгалик қилиш ҳуқуки билан берилған күчмас мулк асосан ерлар, қадимда эса маҳалла ёки қишлоқни ариқ, сой, қудук ёки ховузномларини экологик функцияси ҳақида фикр юритилади. Бундай номлар кишиларда табиий-антропоген объектларга нисбатан әгалик хиссини шакллантиради, улардан оқилона, асраб авайлаб фойдаланишга чорлайди. Хусусий мулкка нисбатан әхтиёткорлик билан муносабатда бўлиш орқали бу объектларнинг табиий-экологик ҳолати сақлаб қолинади. Бундай номларнинг чек қўшимчаси билан ҳосил бўлган гурухига *Бобочек* (Шахрихон тумани), *Даминбойчик* (Избоскан тумани), *Ёрқинбойчик* (Учқўргон тумани), *Мирзабошичек* (Балиқчи тумани), *Насриддинчик* (Пахтаобод тумани) кабиларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари табиий-антропоген объектларга (Ер, сув хавзаси, маҳалла ва б.) әгалик қилиш орқали бу ердаги ижтимоий-экологик мувозанатни сақлаш маданияти жой номларига киши ёки уруғ, қабила номларини бериш орқали рўёбга чиқарилган.

Аҳоли масканларини шу ерда яшаган уруғ-қабила, әлат номи билан аташ кенг тарқалган. Водийдаги топонимлар орасида уруғ-қабила номларини билдирувчи *Айрончи*, *Бешбола*, *Бешкапа*, *Бўжай*, *Дўрман*, *Жалоур*, *Галаботир*, *Кенагас*, *Минг*, *Найман*, *Қангли* *Үйгур*, *Қашқар*, *Қурама*, *Қўнгирот* каби номлар кўп тақрорланади. Баъзан топоним таркибидаги бир элемент этноним бўлиши кузатилади. *Арабон*, *Араббанд*, *Араблар*, *Арабмозор*, *Арабхона*, *Арабқишлоқ*, *Арабқўргонча*, *Аравон*, *Янги Араб*, *Эски Араб*, *Арабек*, *Арабтўпи*, *Араб* маҳалла каби қишлоқлар номи араб халқи номи билан боғлиқдир. Фарғона водийси топонимик харитасига киритилган

қишлоқ ва маҳаллаларга қўйилган номлар орасида энг кенг тарқалгани найман уруғининг номидир. Ҳозирда *Найман* номли қишлоқлар Фарғона водийсининг Андижон, Бувайда, Булоқбоши, Марҳамат, Мингбулоқ, Норин, Олтиариқ, Поп, Тошлоқ, Шахрихон, Қува туманларида ҳамда Қувасой шаҳрида, Найманча Данғара, Тўракўрғон туманларида, Найман-Бўстон Тошлоқ туманида, Наймансой Ўзбекистон туманида учрайди.

Гидроойконимлар таҳлилида уларнинг қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номланиш тамойилларини белгилашда сув обьектларининг маълум бир этник гурӯҳга, бирор аҳоли масканига ёки айrim кишиларга тегишли эканлигини билдирадиган гидронимлардан олинган ойконимлар ҳам учрайди [107]. Водийда *Қипчоқариқ* (Кўқон шаҳри), *Қирғизариқ*, *Наймансой* (Фарғона тумани), *Қувасой* (Қувасой шаҳри), *Оқтепасой* (Қувасой шаҳри), *Хўжсаариқ* (Тошлоқ, Марҳамат тумани) каби қишлоқ ва маҳалла номлари мазкур тамойил асосида яратилган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики географик обьектларга қўйилган номларнинг экологик функциясини ўрганиш амалий ва назарий ахамиятга эга масаладир. Бундан ташқари экологик топонимлар халқимизнинг асрлар давомида яратиб, авлоддан-авлодга бериб келган юксак этноэкологик маданиятининг таркибий қисми бўлиб уни илмий таҳлил қилиш ҳар бир соҳа мутахассисининг муқаддас бурчидир.

4.2. Қадамжолар ва зиёратгоҳларни худудий жойлашувиининг ижтимоий географик функцияси

Маънавий маданиятимизнинг таркибий қисмларидан бири бўлган диний дунёқарашда ҳам табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор жиҳатлар учрайди. Бироқ бу мавзуни барча йўналишлари ҳам географик жиҳатдан ўрганишнинг, география фанининг тадқиқот обьекти бўлавермайди. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида диний дунёқарашнинг шаклланишида географик

омилнинг ҳам таъсири борлиги ҳақидаги фикрлар кенг тарқалмоқда. Албатта бундай йўналишдаги тадқиқот обьектлари география фанининг ўрганиш обьекти бўлиши учун қўйиладиган жуда муҳим учта методологик талабга жавоб бериши керак. Биринчидан, унинг худудийлиги, карталаштириш имкониятининг мавжудлиги; иккинчидан, мажмуалилиги, ландшафт қобиғининг ҳолати ва ривожланишига таъсир этиши; учинчидан, уларни тадқиқ этиш орқали янги билимларга эришиш мумкинлиги талаб этилади [17].

Юқоридаги талабдан ҳамда экология ва география йўналишида олиб борилган тадқиқотларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, диний ҳуқуқий муҳофазанинг худудий жиҳатларига эътибор қаратилди. Динимизда мавжуд бўлган қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг экологик функциясини ўрганишга эътибор қаратилди [15; 24; 86; 97;].

Диннинг экологик функцияси анча мураккаб бўлиб, у диннинг дунёқарашини шакллантирувчи ва тартибга соловчи функцияларини бирикувидан таркиб топади. Унинг фаолият доирасига у ёки бу диний йўналиш томонидан ташкил этилган дунёни муқаддаслаштирилган тасвирини атроф-муҳит билан муносабати ҳамда инсонларнинг мазкур муқаддас жойларга бўлган аҳлоқий муносабатларини хулқ-автор қоидаларида сақланиб қолиши киради. Бундай ёндашувда диний муқаддас экология ҳақида фикр юритиш мумкинлиги В.Л.Огудин томонидан таъкидланади. Муқаддас зиёратгоҳларни ўрганиш ва уларни таснифлаш тамойиллари анча мукаммал ўрганилган [11; 85; 86;]. Экология учун аҳамиятли таснифлар орасида биз икки гуруҳдаги муқаддас жойларни ажратиб олдик. Биринчи гуруҳга сув ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муқаддас зиёратгоҳлар, иккинчи гуруҳга эса шаҳарлар ҳудудидаги «экологик сокин ҳудудлар» ташкил этиш эҳтиёжи юзасидан вужудга келган муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар ўрганилди.

Ўрта Осиёning қуруқ иқлими шароитида бевосита сувликлар билан боғлиқ бўлган диний эътиқоднинг кўриниши сифатидаги «муқаддас жойлар»

Фарғона водийсини тўлиқ қоплаб олган дейиш мумкин. Бундай масканлар вужудга келишининг ижтимоий-иктисодий ва ҳудудий жиҳатлари XIV-XV асрлардан бошлаб Фарғона водийсининг ярим кўчманчи ҳаёт кечиравчи аҳолисининг катта қисми ўтрок ҳаёт кечириш тарзига ўтди. Натижада водийнинг атрофини ўраб турган адир ва тоғликларни ўзлаштириш кучайди. Бу ҳудудларда қадимдан мавжуд бўлган «ўрмон-боғлар»нинг ҳудуди кескин кисқариб, суғориладиган экин ерларнинг майдони кенгайди. Оқибатда тоғли ҳудудларда тупроқ эрозиясининг кучайиши ва дарёлар режими ўзгариши юз берди. Ўрмон ҳудудлар билан ҳайдаладиган экин ерларнинг намлигини тутиб туриши ўртасидаги фарқ анча кескин бўлиб, ёз ойларида тўлиб оқувчи дарёларнинг катта қисми баҳор ойларида тўлиб оқишига, тошқин ва селларнинг бир неча баробар кўп бўлишига олиб келди. Айниқса Фарғона водийсидаги гидрологик режимига кўра муз-қор ва қор-муз сувларидан тўйинувчи тўлин сув даври баҳор ёз ойларига тўғри келувчи дарёларда кескин ўзгаришлар юзага келган. Дарёлар тўлинсув (половедье) ва тошқин (паводок) даврларининг баҳор ойларига сурилиши ёзги камсувлик даврни (межень) ёз ойларида кузатилиши юз берган. Бунинг оқибатида қурғоқчилик, суғориб дехқончилик қилинадиган майдонларда қахатчилик ва очарчилик бошланган. Бу ҳолат кишиларни узоқ вақт мулоҳаза қилишга, табиатнинг қайси унсурида кескин ўзгаришлар юз берганлигини билишга унданган ва кишилар тоғли ҳудудларнинг кескин ўзлаштирилиши бундай қийинчиликларга сабаб бўлаётганлигини билганлар. Ҳар қандай усул ва воситалар ёрдамида табиатнинг бузулган унсурларини тузатишга киришилган. Бу йўналишда Фарғона водийсида IX-X асрлардан бошлаб шаклана бошлаган «муқаддас қадамжо»ларга бўлган эътибор кескин кучайган. Натижада водийдаги дарёлар тизимида ҳавзани бутунлай қоплаб оловчи муқаддас қадамжолар вужудга келган. Р.Я.Рассудова [1985] бундай қадамжоларни даражасига кўра 3 та гурухга ажратади [97; 96-б.]. Биринчи гурухга водийдаги бутун аҳоли сифинадиган 7 та қадамжони киритади. Улар Ўш, Жалолобод, Аравон, Кампировот, Қадамжо, Шоҳимардон, Йигитпирим

аҳоли масканларида жойлашгандир. Бу қадамжолар Оқбўйра, Қорадарё, Аравон, Шохимардонсой дарёлари ҳавзаларида жойлашган. Иккинчи гурухга конуссимон ёйилмаларнинг юқори қисмида, сугориш каналларининг бошланиш жойларида жойлашган қишлоқлардаги қадамжолар киритилиб, улар кўпроқ Хўжа, Тўра, Сайд каби диний уламолар номи билан боғлиқ. Уларга Водилдаги Чинор ота, Хожи ота, Мозортаги, Сариқўргондаги Нурсух ва Риштон каналлари бошланадиган жойлаги Ғовсил Аъзам мозори каби қадамжолар киритилиб, бу улуғ зотлар Шохимардон ва Сўх сувининг «эгалари» деб эътироф этилган. Учинчи гурухга эса сугориш каналларининг этакларидағи, чашма ва булоклар ёрдамида сугориладиган (хокоб усулида) худудлардаги қадамжолар Хонқиз, Чимён, Арсиф, Файзиобод, Ёрмазор, Сатқак киритилган [97; 96-б.].

Юқоридаги каби муқаддас қадамжоларни сугориш тизимлари бўйича районлаштириш таклифи В.Л.Огудин (2001) томонидан ҳам берилган. Бундай районлаштиришда биз В.Л.Огудин томонидан таклиф этилган «қабиланинг худудий мажмуаси» ёки «масжиднинг худудий мажмуаси» каби муқаддас бирликларни ажратишдан (районлаштиришдан) кўра, «жамоаларнинг худудий мажмуасини» ажратиш экологик нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Сабаби «қабилаларнинг худудий мажмуаси» В.Л.Огудин таъкидлаганидек, кишиларнинг дастлабки йигиладиган (мулоқотга киришадиган) жойлари сифатида юзага келган ва бу худудлар кейинчалик илоҳийлаштирилиб, сифиниладиган масканга айлантирилган. Бироқ, бу даврда кишиларнинг бу масканларга кучли экологик таъсир ўтказганлигини ёки, аксинча ҳолатларни юзага келган деб таъкидлаш у қадар тўғри эмас.

Таклиф этилаётган «районлаштириш»ни ажратишда асосий тамойил сифатида табиатга энг кўп таъсир кўрсатувчи омил сугориш тизими олинди. Бундай ёндашувда жамоанинг сифинадиган худудий мажмуаси таркиби дарё ирмоқлари ва каналлар бўйича ўтказилди. Бунда водийдаги 4 та этноландшафт минтақанинг деярли ҳар бирида дарё ҳавзаси бўйича

юқоридан қуиға қараб тушилса, алоҳида этноэкологик район ва шунга мос келувчи «муқаддас қадамжолар»лар шаклланганлиги кузатилади. Ҳар бир районнинг экологик функциясини янада аниқроқ тасаввур қилиш учун Шоҳимардонсой ҳудудидаги муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар ўрганиб чиқилди (З-илова).

Мазкур ҳудудни таҳлил қилиш орқали районга ҳос бўлган қуидаги умумий ва хусусий белгиларни ажратиш мумкин. Биринчидан, район ҳосил қилувчи омил сифатида дарё ҳавзаси ва сугориш тармоқлари олинган. Бу ҳавзанинг шаклланиши ва ягона районга бирлаштирилиши ҳудуднинг сугориб дехқончилик қилиш тармоғига тортилиши билан бевосита боғлик эканлигини таъкидлаш зарур. Иккинчидин, мазкур районнинг алоҳида ажралиб турувчи чегаралари мавжудлиги кузатилади. Яъни, район шарқда Исфайрам, ғарбда Сўх ҳавзалари билан жанубда эса водийнинг Ўратепа воҳаси билан ажралиб турувчи сувайирғич билан, шимолда эса конуссимон ёйилманинг этаклари билан чегараланади. Учинчидан, районнинг ички таркибий тузилиши ҳам ўзига ҳос бўлиб, дастлабки район дарёning тўйиниши ҳудудини, кейинги районлар эса дарёning ирмоқлари ва чиқарилган йирик каналлар орқали ўтказилади. Тўртинчидан, ҳар бир район ўзининг алоҳида марказига ва муқаддас масканига эгалиги билан ажралиб турди. Шу билан бир қаторда, бутун ҳавза учун умумий марказ ролини ўйновчи энг йирик муқаддас марказ ва шаҳар ҳам ажратилади. Мазкур тамойиллар асосида Шоҳимардонсой ҳавзасида 4 та район Шоҳимардон, Водил, Марғилон ва Ёзёвон райони ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай районлаштириш Фарғона водийсидаги барча йирик дарёлар учун ҳос бўлиб, уларда ҳам, бу районлар қуида келтириладиган экологик вазифаларни бажариб келган.

Биринчи Шоҳимардон райони экологик жиҳатдан муҳим функцияни бажариб, дарё суви режими миқдорини тартибга солиб турган. Дарёларнинг сув йиғадиган ҳавзаларини имкон борича ўзлаштирмасликка, ундаги табиат неъматларини асраб-авайлашга, ўзига ҳос «қўриқхона»лар яратишга

киришилган. Ҳар бир дарёга ягона табиий тизим сифатида қаралиб, унинг бошланишидан қўйилиш жойигача бўлган худудларда ягона ижтимоий-иктисодий тизим яратилган. Дарёларнинг юқори қисми «муқаддас зиёратгоҳлар» сифатида ҳимояга олинган. У худудларда ерни ҳайдаш, дарахтни кесиш, ҳайвонот дунёсини нобуд қилиш қаттиқ қоралангандан ва тақиқлангандан.

Иловада Шоҳимардонсой дарёсининг сув йигадиган ҳавзасида ва унинг ўзани бўйлаб юзага келган муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг харитаси келитирилган. Харитадан кўриниб турибдики, бундай «кўриқхона»ларнинг 80 фоизидан кўпроғи дарё ҳавзасининг суви йигиладиган тоғли худудларда жойлашгандир.

Ўрганилаётган минтақада дехқончилик кам ривожланган, асосан тоғ боғдорчилиги, чорвачилик ва зиёратчиларга хизмат кўрсатиш тизими ривожланган. Аҳолининг анчагина қисми дарёнинг қуи қисмидаги дехқончилик билан шуғулланувчилар томонидан олиб келинган хайр-эҳсон, назр-ниёз ҳисобига яшаган ва табиатга ортиқча аралашибга эҳтиёж сезмаган.

Водийнинг атрофидаги дарё ҳавзаларида бизнинг ҳисобимизга кўра, 250 дан ортиқ «муқаддас зиёратгоҳ»лар ва қадамжолар борлигини кўриш мумкин (4-илова). Бундай муқаддас зиёратгоҳлар «кичик биосфера кўриқхона»ларини эслатади. Кейинги йиллардаги кузатишларда бундай жойларда Фарғона водийсида кишиларнинг таъсири натижасида йўқ бўлиб кетган ҳайвон ва ўсимлик турлари ҳам учрамоқда. Жумладан, жанубий Фарғонадаги Гўзал ота зиёратгоҳида (Қатронбоштоғ тизмасининг шимолий ёнбағрида) диний муҳофаза туфайли Жаннат хашоратхўри (*Terpsiphone paradisi*), Обшир ота шаршараси ҳудудида эса бинафшаранг қуш (*Myoptonus caerulus*) учрамоқда [88; 36-б.]. Бундан ташқари зиёратгоҳлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бўладиган ҳайриҳоҳ муносабат балиқларни (Чашма, Сатқак, Арсиф зиёратгоҳларида), қушларни (Каптарли мозор), айрим сув ўтларини (Чодак) табиий ҳолда сақланиб қолиши ва кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Бундай зиёратгоҳларда сувнинг мусаффолиги, турли рельеф шаклларини (қоя, тош, ғорларни) ҳамда ўсимлик дунёси вакилларини табиий ҳолда сақланиб келаётганлиги диний экологик маданиятнинг бу худудлардаги таъсири намунасиdir. Жамиятимиз вакилларининг зиёрат маданиятини, диний обод-аҳлоқ қоидаларига оғишмай амал қилишлари экологик хавф хатарни олдини олишдаги энг муҳим восита сифатида қаралмоғи лозим [112].

Иккинчи Водил районида қадамжо ва зиёратгоҳлар дарё сувини адолатли тақсимлаш ва унинг суғориладиган далаларга ўз вақтида етиб боришини таъминлашдек ижтимоий функцияни бажарган. Шунинг учун ҳам, бундай қадамжолар халқ хурмат қиласидиган, эъзозлайдиган диний уламолар, тўралар, хўжалар, саййидлар номи билан аталган. Бу районда Шоҳимардонсойнинг Марғилонсой, Фазиободсой, Олтиариқсой, Миндонсой, Катпутсой каби тармоқлари ажралади. Водилдаги Чинор ота, Хожи ота, Мозортаги каби зиёратгоҳлар ва уларнинг «эга»ларига аҳоли ўз қишлоқларига борадиган сув миқдорини кўпайтириш, камайтириш ёки бутунлай қуритиб қўйишкудратига эга бўлган авлиёлар сифатида қараганлар. Бундай ёндашув ижтимоий-экологик адолатни таъминлашга, сув етишмайдиган йиллари сув тақсимотини ҳалол, одилона ўтказишни амалга оширишга ёрдам берган. Шу билан бир вақтнинг ўзида канал ва ариқларни бошқариш, тозалаш ишларини ташкиллашни ҳам йўлга қўйишда қишлоқ жамоаларининг ҳиссаларини белгилаб берган. Бундай тадбирлар баҳор ойларида Наврӯз, сумалак ва дарвишона (даршана) кўринишида ўтказилган. Ҳар бир суғориш тизимига 25 тадан 40 тагача қишлоқлар киритилганлиги ва уларнинг радиуси 15-20 км оралиғида бўлганлигини кўриш мумкин [97; 102-б.].

Бугунги кунда бу райондаги асосий муаммолардан бири, ҳисобланган трансчегаравий дарёлардан биргаликда фойдаланиш масаласи ҳам тарихда юксак қадриятлар даражасига кўтарилилган этноэкологик маданият кўринишида адолатли ҳал этилган. Тарихда икки ва ундан ортиқ ҳалқлар,

аҳоли масканларида сувдан ҳамжиҳатлик асосида фойдаланишда ислом хукуқи нормаларига асосланилганлигини кўриш мумкин [71; 459-б.].

Учинчи Марғилон райони суғориш тармоқларининг этакларида, баъзан обикор дехқончилик қилиш булоқ сувлари ёрдамида ёки хокоб тарзида амалга ошириладиган, рельефи ботик бўлган конуссимон ёйилмаларнинг оралиқ қисмларини ўз ичига олади. Шоҳимардонсой тизимида бу районда ҳам диний эътиқод бўйича 7 та муқаддас зиёратгоҳ аниқ ажратилиб, улар ҳақидаги афсонавий дунёқарааш шакллантирилган. Бу зиёратгоҳларга Хонқиз, Чимён, Арсиф, Файзиобод, Ёрмазор, Сатқак, Найман қишлоқларида жойлашган алоҳида булоқларга эга бўлган зиёратгоҳларни киритиш мумкин [97; 98-б.].

Тўртинчи Ёзёвон райони – дарё суви етиб бормайдиган лекин булоқ ва ҷашмалар, зах сувлар ер бетига яқин бўлган, ҳавзанинг энг четки қисмларини эгаллайди. У ерларда булоқлар атрофида ёлғиз дараҳтлар кўп ўсиб, улар атрофида аҳоли жамланган. Яккатут, Қайрағоч, Мингчинор қаби аҳоли масканлари мазкур тамойил бўйича ташкил этилган зиёратгоҳлардир.

Табиатни диний экологик муҳофаза қилишнинг географик нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш мумкин бўлган навбатдаги йўналиши аҳоли масканлари ичидаги юқорида таъкидланганидек, «экологик сокин ҳудудлар»ни хариталаштириш орқали амалга оширилди. Марғилон шаҳри мисолида шаҳар ҳудудида экологик сокинликни таъминлаш вазифасини ҳам бажарувчи қадамжо ва зиёратгоҳлар харитаси ишланди (илова; 3-расм). Картографик тадқиқотлар натижасида, бу объектларнинг жойлашиши ва бажарадиган вазифасига кўра, қуйидаги экологик жиҳатларни таъкидлаш мумкин:

- Шаҳар аҳолисига диний, маънавий озуқа бериш, Ислом арконларида қатъий талаб этиладиган озодалик ва покликка чорлаш, Аллоҳ томонидан яратилган неъматларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш;

- Шаҳарда демографик юкнинг ортиб бориши билан ҳудуд табиатини, у ердаги сув ҳавзаларини (ариқ, қудук, ҳовуз) мусаффолигини сақлаш;
- Гузарлар ва бозорларда кун давомида бўладиган юқори шовқинли ҳудудлардан кишилар бироз четда қолиши ва дам олиб мулоқат қилишларини таъминлаш;
- Ҳар бир касб ва ҳунар эгалари ишини барокатли қилишга, уларни руҳан қўллаб-қувватлашга чорловчи мўътабар инсонлар, дин намоёндалари ва устозларни хурмат ва эъзозлашни тарғиб қилишга қаратилган функцияларни бажарган.

Минтақада экологик мувозанатни сақлаш, табиий ресурслардан оқилони фойдаланиш ҳамда маҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўрини такомиллаштиришда, бошқа омиллар билан бир қаторда, диннинг экология йўналишдаги қўрсатмалари, тавсия ва тақиқларидан фойдаланиш кутилган натижани беради. География йўналишидаги тадқиқотларда мазкур масалаларнинг ҳудудий жиҳатларинигина ёритишга эътибор қаратилди.

4.3. Этноэкологик маданият намуналаридан ҳудудни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш йўналишлари

Йигилган барча маълумотлардан (якуний хулосалар, ишланган карталар) минтақанинг барқарор ривожланишини таъминловчи ландшафт-экологик режалаштириш жараёнида қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқишида фойдаланилди.

Ҳудудни халқ хўжалиги тармоқлари бўйича мос ҳолда тақсимлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишида этноэкологикёндашувга амал қилиш минтақавий режалаштиришда энг тўғри усул ҳисобланади. Бу қўйидагилар билан асосланади. Аввало, дарёларнинг оқими ва режимини жойнинг ландшафт қоплами белгилайди, ҳамда минтақада ландшафтга таъсир этувчи барча халқ хўжалиги тармоқларини жойлашишига бевосита таъсир этади. Бундан ташқари морфометрик қўрсаткичларига боғлиқ равища турли

ландшафт шакллари (масалан, тоғ-текислик) ўртасида модда ва энергия алмашинуви юз беради [18; 30-б.]. Бу жараёнда экологик жиҳатдан заарли элементларнинг миграцияси ҳам этноэкологик район бўйича тарқалишига сабаб бўлади. Шу билан бирга район маълум турдаги микроиқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалган ареаллари ҳисобланниб, уларни муҳофаза қилиш учун район бўйича қарор қабул қилиш энг тўғри ҳисобланади [62]. Бундай ёндашувнинг энг муҳим жиҳати ҳар бир этноэкологик район учун хос бўлган, махаллий аҳолида асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш имконияти яратилади.

Фаргона водийсининг ҳар бир этноландшафт минтақаси учун тавсиялар худудий режалаштиришнинг тадқиқотда ўрганиб чиқилган куйидаги 5 та йўналишга мос ҳолда ишлаб чиқилади:

1. Худуднинг халқ хўжалги тармоқлари орасида муқобил тақсимланишини, қишлоқ хўжалик ерларини ландшафт талабларига мос келувчи ер турларига ажратилишини, экин майдонлари таркибини ҳам ландшафт турига мос ҳолда тақсимланишини таъминлаш бўйича;
2. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш, тежаш, сув объектларининг химоя зоналарини ташкил этиш ва сув хўжалигини оқилона бошқариш бўйича;
3. Аҳоли масканларини худудий жойлаштириш ва шаҳарсозлик нормаларида экологик архитектура ва экологик дизайн талабларига амал қилиш;
4. Табиатни муҳофаза қилиш ва муҳофаза қилинадиган табиий худудлар тўрини шакллантириш, экологик каркас яратишда гуманитар-географик билимлардан (экотопонимика, қадамжолар ва зиёратгоҳлар) фойдаланиш бўйича;
5. Экологик туризм ва рекреацияни ривожлантириш, экологик таълим-тарбияда этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш.

Фарғона водийсида хавзали ёндашув бўйича ландшафт-экологик режасини ишлаб чиқишида ҳудуд этноэкологик маданият нуқтаи-назаридан 4 та этномаданий ландшафт минтақасига бўлинди. Ҳар бир минтақа учун барқарор ривожлантиришва ландшафтли режалаштиришнинг юқоридаги 5 та банди бўйича алоҳида тавсиялар ишлаб чиқилади.

Биринчи этноландшафт минтақа водийдаги дарёлар конуссимон ёйилмаларнинг чекка қисмлари ва конус оралиғи ботикларини ҳамда Марказий Фарғона чўл ҳудудларини эгаллайди. Маъмурий жиҳатдан бу ҳудудда Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Бувайда туманларини ҳамда Кўштепа, Олтиариқ, Дангара туманларининг чўл ҳудудларини, Андижон вилоятининг Бўз, Улуғнор туманлари, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманини ўз ичига олади.

Мазкур минтақа бўйича анъанавий этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб, қуидаги тавсиялар берилади:

А. Минтақа нисбатан янги ўзлаштирилган ҳудуд бўлиб, экологик жиҳатдан энг нозик ҳисобланади. Агроирригацион қатламнинг камлиги, тупроқ қатламишининг шўрлашиши, қум барханларининг мавжудлиги, ер ости сувларининг ер бетига яқинлиги асосий экологик муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун, бу минтақада захира ва табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар, ўрмон фонди ерларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бўз, Дангара туманларидаги ўрмон хўжаликлари майдонини кенгайтириш, Қизилтепа (Олтиариқ тумани) ҳудудини рекреация ва соғломлаштириш зonasига айлантириш, Тошкент-Ўш-Эргаштом халқаро автомагистралини экологик талабларга мос ҳолда таъмирлаш ва яшил ҳудуд бунёд этиш, янги ташкил этилган сув омбори ва унга туташ ҳудудларда аҳоли дам олиш зоналарини кенгайтириш тавсия этилади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида кўп йиллик дарахтзорлар (ихота дарахтзорлари) миқдорини кенгайтириш, айниқса, дарахт ва бута

ўсимликларидан саксовул, чиннигул, жийда, шўра, туронги каби майда баргли дараҳтлар ва эфемер ўсимликлар майдонини кенгайтириш тавсия этилади.

Экин майдонлари таркибида шўрга чидамли экинлардан оқ жўхори (*Sorghum cernuum*) шоли, полиз экинлариданқовун етиштиришни кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

В. Минтақа водийнинг ер ости сувлари жамланадиган ва ер бетига сизиб чиқадиган ҳудуди бўлганлиги сув ресурсларидан фойдаланишда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Сабаби бу ҳудудда ер ости сувларининг тўйиниш даври билан (июнь-август) [116] қишлоқ хўжалик экинларини сугориш бир даврга тўғри келади. Натижада, бу ҳолат кўплаб салбий экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари, бу ҳудудда янги қурилган сув хўжалиги объектларидан форйдаланишда экологик талабларга қатъий амал қилиш тавсия қилинади.

С. Аҳоли масканларини ҳудудий жойлаштириш ва шаҳарсозлик нормаларида экологик талабларни бажариш учун бу минтақада тўла имкониятлар мавжуд. Янги ўзлаштирилаётган ҳудудларда ташкил этилаётган аҳоли масканларида дараҳтзорлар майдонини кенгайтириш, шамол йўналишига мос равишда ихотазорлар ташкил этиш тавсия этилади. Суғориш тармоқларига ва автомагистралларга яқин жойлашган ҳудудлардаги аҳоли масканларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Д. Минтақада дарё суви етиб бормайдиган лекин булоқ ва чашмалар, зах сувлар ер бетига яқин жойлашган ҳудудларда, ёлғиз дараҳтлар атрофида табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги зиёратгоҳлар ва қадамжолар ташкил этиш тавсия этилади. Географик объектларни номлашда мазкур ландшафтнинг экологик муаммоларни келтириб чиқарувчи компонентлар ҳакида дарак берувчи географик терминлардан (шўр, қум, зах) фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Е. Анъанавий ҳудуддан фойдаланиш жараёнида мазкур минтақада туризм ва рекреацияни ривожлантириш бўйича маълумотлар базаси мавжуд

эмас. Бирок, кейинги йилларда «Бувайда қумлари», «Ёзёвон табиат ёдгорлиги» худудларида экотуризм ва рекреацияни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Келажакда бу соҳани янада ривожлантириш тавсия этилади. Мазкур минтақада этноэкологик йўналишдаги таълим-тарбияни ривожлантиришда анъанавий чўл ландшафтларидан фойдаланиш бўйича тўпланган билим ва кўникмалар билан маҳаллий аҳолини таништириб бориш мақсадга мувофиқ. Бунда мактаблардаги ўлкашунослик тўгараклари имкониятидан кенгроқ фойдаланиш мумкин.

Иккинчи этноландшафт минтақа водийдаги дарё ва сойларнинг конуссимон ёйилмасининг марказий қисмини эгалласа-да, бироқ қия текисликлардан иборат. Маъмурий жиҳатдан бу ҳудудда Фаргона вилоятининг Бешариқ, Ўзбекистон, Фурқат, Учқўприк, Боғодод, Риштон, Қўштепа, Тошлоқ туманларини ҳамда Олтиариқ, Қува туманларининг мазкур ландшафт зонасидаги қисмини, Андижон вилоятининг Шахрихон, Асака, Андижон, Олтинқўл, Избоскан, Пахтаобод туманларини, Наманган вилоятининг Учқўрғон, Норин, Уйчи, Наманган, Тўракўрғон туманлари ҳудудини эгаллайди.

Мазкур минтақа бўйича анъанавий этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб, қўйидаги тавсиялар берилади:

А.Ер тоифаларидан асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, аҳоли манзилгоҳлари ерлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар катта миқдорни эгаллайди. Бу ҳудуднинг асосий қисмидан интенсив фойдаланилади, бу ўз навбатида ҳудудга тушадиган демографик, техноген, ирригацион, кимёвий, антропоген босим миқдорининг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда.Шунинг учун, бу ҳудудларда «экологик сокинлик ҳудудлари»ни - зиёратгоҳ, қадамжо, мақбара, мозорлар каби инсонлар ва табиатга ором берувчи масканларни кенгайтириш тавсия этилади. Табиатни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш ва, айниқса, тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар майдонини кескин кўпайтириш

имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга сугориш тармоқлари атрофидаги сув фонди ерлари майдонини ҳам кенгайтириш экологик талабларга мос келади.

Минтақада қишлоқ хўжалик ерлари таркиби ва миқдорини ҳозирги ҳолатда сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқа тармоқлар учун ер ажратишида қишлоқ хўжалигига фойдаланиб бўлмайдиган ёки фойдаланиш имконияти камроқ бўлган (рельефи ноқулай) худудлардан ер ажратиш тавсия этилади.

Экин майдонларининг таркибида донли, мойли, толали ва ем-ҳашак экинлари миқдорини кўпайтириб бориш тавсия этилади. Хусусан, донли экинларнинг камсувталаб, эртапишар навларини (мош, тариқ, жавдар, қўноқ, кузги буғдой), мойли экинларни (кунжут, пахта, зигир, рапс, махсар, кўкнори, кунгабоқар, каноп), ем-ҳашак экинларини (маккажўхори, беда, арпа) кўпроқ экиш тавсия этилади. Дехқончиликда тупроқ унумдорлигини сақлашга, қаратилган алмашлаб экиш ва ерни ўғитлашдаги этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш юқори самара беради.

В. Минтақа сув ресурслари билан тўлиқ таъминланган ва сугориш тизими энг ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Навбатдаги вазифа, мазкур техник иншоотларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш, сугоришнинг янги инновацион усулларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишидир.

С. Минтақада 2018 йил 1 январь ҳолатига қўра, Фарғона водийси аҳолисининг 72,4 фоизи йиғилган. Бундан ташқари аҳолисининг 100 минг кишидан ошган водийдаги 5 та шаҳарнинг (Наманган, Андижон, Фарғона, Кўқон, Марғилон) барчаси мазкур минтақада жойлашган. Бу ўз навбатида мазкур минтақадаги демографик юкнинг меъёрдан ортиб кетишини кўрсатади. Шунинг учун, бу ҳудуд ва шаҳарларда замонавий ландшафт дизайни талabalарига мос келадиган яшил ҳудудлар кенг майдонни эгаллайдиган «боғ-сайилгоҳ» масканларини яратиш тавсия этилади. Бунда этноэкологик маданиятнинг «экологик сокинлик ҳудудлари» ёки шаҳар атрофидаги ота-боболаримиз яратган боғлардан (боғи баланд, боғи беҳишт,

боғи шамол...) ёхуд қадамжо ва зиёратгоҳлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади.

D. Мазкур минтақадаги экологик жиҳатдан ҳавфли объектлар ва аҳоли масканларини қурилишини имкон даражасида чеклаш, экологик функцияни бажарувчи ёки унга кўмаклашувчи халқ хўжалиги тармоқларини кўпроқ жойлаштириш тавсия этилади. Бу ҳудудларда ижтимоий соҳа объектларини ва таълим муасасаларини ривожлантириш орқали экологик таълим тарбияни амалга ошириш имкониятидан тўлароқ фойдаланиш мумкин.

E. Ушбу ҳудуд бугунги кунда ҳам Фарғона водийсидаги туризм энг ривожланган ҳудудлардан ҳисобланади. Кўқон, Риштон, Марғилон, Шаҳриҳон, Чуст ҳудудларидағи мавжуд туристик объектларни кенгайтириш ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарларининг рекреация ва туризмни ривожлантириш имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, Қува, Ахсиқент каби тарихий-археологик ёдгорликлар мажуд ҳудудларнинг туристик имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Учинчи этноландшафт минтақа Фарғона водийсидаги дарёлар конуссимон ёйилмасининг юқори қисмларидағи текисликлар адир орти, адир оралиғи ботиқларини эгаллайди.

Маъмурий жиҳатдан бу ҳудудда Фарғона вилоятининг Фарғона тумани, Кувасой шаҳри ҳамда Тошлоқ, Қува туманларининг адирлик ҳудудларини Андижон вилоятининг Марҳамат, Булоқбоши, Ҳўжаобод, Жалолқудук, Кўргонтепа туманларини, Наманган вилоятининг Чорток, Янгиқўрғон, Косонсой, Чустхамда Поп туманининг мазкур ландшафт зонасидаги қисмини эгаллайди.

Мазкур минтақа бўйича лардшафт-экологик режалаштириш ишларида анъанавий этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб, қуйидаги тавсиялар берилади:

A. Ер тоифалари орасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар микдорини хозирги холатда сақлаб қолиш, аҳоли масканлари ерлари ва сув

фонди ерлари миқдорини кенгайтириш тавсия этилади. Сабаби, бу ҳудуднинг биринчи ва иккинчи минтақаларга сув ресурсларини тақсимлашдаги ўрни ва аҳамияти хозирда ҳам сақланиб қолган. Водийдаги гидоузелларнинг асосий қисми ушбу минтақада жойлашган.

Қишлоқ хўжалиги ерлариникўпроқ боғдорчилик ва узумчилик учун ажратиш, суғориладиган экин майдонлари таркибини имкон борича камайтириб бориш мақсадга мувофиқ. Кам сув талаб қиласиган данакли боғларнива ҳар бир ҳудуд учун мос бўлган экин ва дараҳт турларини кўпайтириш тавсия этилади. Масалан, Андижонда нашвоти, Наманганд олма, Қўқонда гилос, Марғилонда узум, Қувада анор, Риштонда ўрик, Қувасойда бехи, Чустда нок, Булоқбошида бодом, Олтиариқда бодринг ва турп, Боғдодда қозонювғич, Пахтаободда ерёнғоқ, Марҳаматда кунгабоқар, Сўхда сабзи ва картошка ва б. Бундай қадимдан экиб келинган, махаллий аҳолини мазкур экинларни парваришилаш учун кўunikмаси бор, ландшафт талабига мос тушувчи дараҳт ва экин турлари майдонларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Минтақа учун экологик жиҳатдан хос ва мос бўлган мевали дараҳтлар турини аниқлашда жой номларидан фойдаланиш усули тавсия этилади. Минтақада ўрик, шафтоли, олма, анжир, анор дараҳтларининг анъанавий масканлари географик номларда акс этади, масалан, Ўрикзор (Фарғона, Риштон, Наманганд, Косонсой, Чорток туманлари), Шафтоли (Уйчи тумани), Шафтозор, Олма (Наманганд тумани), Олмазор (Жалақудуд, Косонсой, Янгиқурғон туманлари), Олма-бел (Чуст тумани шимоли), Анжирзор (Наманганд тумани), Анорзор (Қува, Избоскан туманлари) кабилар.

Экин майдонлари таркиби иккинчи минтақадан кўп фарқ қиласиган. Кейинги йилларда бу ҳудудларда ҳам боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш тавсия этилади.

В. Минтақа юқорида таъкидланганидек, биринчи, иккинчи этноландшафт минтақалар учун сув тақсимлаш иншоатлари (Қўқон, Сариқўрғон, Водил, Куйганёр ва бошқ.) жойлашган ҳудуддир. Ҳавзали

ёндашув бўйича амалга оширилаётган ландшафт-экологик районлаштиришда бу минтақага сув ресурсларини тўғри тақсимлаш ва ундан оқилона фойдаланиш функциясини бажарадиган сув хўжалиги тизимининг муассаларини жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу ҳудудда қўшимча равиша рекреация ва туризм обьектларини жойлаштириш ва ривожлантириш лозим.

C. Минтақадаги аҳоли масканлари энг қадимги ўзлаштирилган ҳудудларда жойлашганлиги, уларнинг қўргон, қалья шаклидаги кўринишлари ҳозирги давргача сақланиб келган. Аҳоли масканларини шаклланишига сабаб бўлган ресурслар миқдорининг тугаши ёки камайиши уларнинг кейинги иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатишини эътиборга олиш зарур. Нефт-газ қазиб чиқариш билан боғлик бўлган шаҳарчаларнинг деярли барчаси ушбу минтақада жойлашган. Чимён, Миндон, Полвонтош, Андижон, Хўжаобод, Жанубий Оламушук каби шаҳарчаларда аҳолини бошқа соҳаларга ихтисослашувини таъминлаш ва бандлигига эришиш учун тарихдан мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда кучли савдогарлик фаолиятини йўлга қўйиш (анъанавий чорбозорчилар) таклиф этилади.

D. Мазкур минтақадаги аҳоли масканларида табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган ишларни ташкил этишда этноэкологик маданиятнинг таркибий қисми бўлган қадамжолар ва зиёратгоҳларни ҳудудий жойлаштириш усулларидан фойдаланиш мумкин. Минтақада ҳозиргача ҳисобга олинган 72 та (илова; 4-жадвал) қадамжо ва зиёратгоҳларнинг мавжудлигининг ўзи бу ҳудудда табиатни муҳофазакилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишда диний-хуқуқий усуллардан фойдаланишни ҳам тавсия этиш мумкин.

E. Бу масканлар ўзининг хушманзара табиати ва серсув, сўлим гўшалари билан қадимда ҳам, ҳозирда ҳам зиёратчиларни ўзига жалб этиб келган. Водил, Аввал, Чимён, Арсиф, Полвонтош, Хўжаобод, Ширмонбулоқ, Булоқбоши, Жанубий Олмамушук, Корасув, Хонобод, Чорток, Косонсой,

Янгиқўрғон, Чуст каби худудларда туризмни, жумладан, зиёрат ва экологик туризмни ривожлантириш тавсия этилади. Мазкур худудда Фарғона водийсининг дастлабки аҳоли масканлири (Арсиф, Куббо, Эрши, Косон, Чуст) бунёд этилганлигини эътиборга олиб, у ерларда тарихий-археологик туризмни янада ривожлантириш тавсия қилинади. Юқоридаги зиёратгоҳлар орасида халқаро диний туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд бўлган Жалакудуд туманида жойлашган Кутайба ибн Муслим зиёратгоҳини (илова; 4-жадвал, № 219) тубдан қайта қуриш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи этноландшафт минтаقا Олой, Туркистон, Фарғона, Қурара, Чотқол тизмалари ва адирлари ҳудудини ўз ичига олиб, маъмурий жиҳатдан Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Ёрдон-Шоҳимардон анклавларини, Наманган вилояти Поп туманининг Чодак-Чоркесар ҳудудларини эгаллайди.

Мазкур минтаقا бўйича ландшафт-экологик режалаштириш ишларида анъанавий этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиб, қуйидаги тавсиялар берилади:

А. Минтақанинг дарёлар ҳавзасининг қуи қисмларидаги ерларни сув билан таъминлашдаги ижтимоий-экологик функциясини эътиборга олиб, ҳудуднинг асосий қисмини ўрмон фонди, сув фонди ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ажратиш тавсия этилади. Қишлоқ хўжалиги, аҳоли масканлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларни салмоғини камайтириш ёки ҳозирги ҳолатда сақлаб қолиш экологик жиҳатдан муҳимдир.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг асосий қисми анъанавий этноэкологик ёндашув бўйича яйловлар ва тог боғдорчилигига ажратилганлигини инобатга олиб, бу ерларда зиравор ва доривор ўсимликларни кўпайтириш, ёнгоқ, писта, бодом каби ҳудуд ландшафтига мос бўлган дарахтзорлар бунёд этиш тавсия этилади.

Экин майдонлари таркибида анъанавий равища етиштириб келинган илдизмевали экинлар (сабзи, картошка, ерёнғоқ) салмоғини кенгайтириш ва боғдорчилекни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

В. Ушбу минтақада Хўжабақирғон, Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрам, Аравон, Оқбўра, Қорадарё, Норин, Подшоотасой, Ғовасой, Чортоксой, Чодаксой каби Фарғона водийсини сув билан таъминловчи асосий дарёлар бошланади. Уларнинг тўйиниш ҳавзаларини муҳофаза қилишда диний-хуқуқий усуллардан фойдаланиб, «ўрмон-боғлар», зиёратгоҳлар ва қадамжолар тизимини ривожлантириш тавсия этилади. Шоҳимардонсој ҳавзасидаги каби қадамжоларни ривожлантиришда қўшни давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш кутилган натижани беради.

С. Мазкур минтақадаги аҳоли масканлари зиммасига дарё суви ва режимини сақлаш, ёзги сайёҳлар оқимиға етарлича хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш тавсия этилади. Бундан ташқари минтақа табиатига демографик юкнинг меъёрдан ортиқ бўлишини олдини олиш учун туристларга хизмат кўрсатиш ва кучли савдо тизимини ривожлантириш этноэкологик маданият намуналаридан келиб чиқиб тавсия этилади.

Д. Минтақани водийни сув билан таъминлашдаги экологик функциясидан келиб чиқиб, бу ҳудудларда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўрини ташкил этиш ландшафт-экологик режалаштиришнинг кечикириб бўлмайдиган бандларидан бири сифатида тавсия этилади. Чунки, мазкур ҳудудда маҳаллий аҳоли томонидан ташкил этилган ўзига хос «қўриқхона»лар (қадамжолар ва зиёратгоҳлар кўринишида) тизимининг мавжудлиги юқоридаги фикримизни асослайди.

Е. Мазкур минтақада экологик туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг энг қулай имкониятлари мавжудлиги эътиборга олинади. Этноэкологик маданият қўринишлари сифатида халқаро аҳамиятга молик деб эътироф этилган ислом динидаги 7 та қадамжонинг барчаси (Ўш, Жалолобод, Аравон, Кампировот, Қадамжо, Шоҳимардон, Йигитпирим)

ушбу ҳудудда жойлашганлиги экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари нақадар кенглигини кўрсатади.

Бугунги кунда, кишилик жамияти билан атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, унга нисбатан истеъмолчилик ва маданиятсиз муносабатларидан мутлақо воз кечиш ва юксак экологик маданиятни шакллантириш таълим тизими олдига қўйилаётган асосий вазифалардан бирига айланмоқда.

Юқоридаги тавсияларни амалга ошириш минтақада барқарор ривожланишни таъминлашнинг дастлабки шарти ҳисобланади. Уни ҳаётга татбиқ этиш эса юксак экологик онг ва маданиятга эга бўлган кишилар томонидангина амалга оширилиши мумкин. Чунки, ландшафт-экологик режалаштириш юқорида таъкидланганидек, умумий режалаштиришнинг таркибий қисми бўлиб, режа ишларини бошқарувчиларда табиий ландшафтга фақат ресурс сифатида қараб ҳўжалик манфаатларини олдинги ўринга қўйиш ҳолатлари ҳанузгача учрайди. Тармоқларни «ўзаро муросага келтириш» учун эса экологик билим ва маданият зарурдир. Шунинг учун ҳам, этноэкологик маданият намуналарини Ўзбекистондаги таълим тизимига олиб кириш, хориж олийгоҳларида (Москва Давлат университети, География факультети, Жанубий Федерал университети, Ростов на Дон) бўлгани каби этноэкология курсини география ва экология йўналишидаги талабаларга танлов фани сифатида ўқитиш тавсия этилади.

Экологик муаммоларнинг юзага келишига бошқа сабаблар билан бир қаторда умумий этноэкологик маданиятнинг унутилиши, анъанавий табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тизимига менсимасдан муносабатда бўлиш каби омиллар ҳам сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилди (1.3.-параграф). Шунинг учун ҳам, кўп асрлар давомида шаклланган минтақа халқларининг табиат (атроф-муҳит) ва жамият (инсон) ўртасидаги ўзаро муносабатларида такомиллашиб борган этноэкологик маданият намуналарини бошланғич ва ўрта таълим тизимидан ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчи боб бўйича хуроса

Географик номларнинг экологик функциясини ўрганиш ва ундан амалиётда фойдаланиш бўйича етарлича маълумотлар базаси тўпланган. Географик номларнинг экологик функцияси бўйича 4 та гурӯхга бўлиб тадқиқ этиш таклиф қилинди.

Тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида диннинг экологик функцияси тадқиқ этилди. Диний дунёқарашни табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ишига кўмаклашувчи, табиий-антропоген генезисга эга бўлган, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларидан фойдаланиш ҳамда зиёрат туризмини ривожлантириш имкониятларини яратувчи таснифий жадвал тузилди.

Минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун ландшафт-экологик режалаштириш ва инновацион экологик лойиҳалар яратиш, экологик таълим ва тарбияни амалга оширишда тадқиқот жараёнида йиғилган этноэкологик маданият намуналаридан фойдаланиш йўналишлари белгилаб чиқилди.

ХУЛОСА

Тадқиқотда бажарилган изланишлар асосида қуидаги хулосалар чиқарилди:

1. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни барқарорлаштириш, юзага келаётган худудий ижтимоий-географик муаммоларни ҳал этишда маҳаллий халқларнинг табиатдан фойдаланиш борасидаги анъанавий маданиятини ўрганувчи этногеографик ва этноэкологик тадқиқотларга бўлган эҳтиёж ва талаб шакллантирилди;
2. Ижтимоий география йўналишидаги этноэкологик тадқиқотларнинг обьекти сифатида этноэкологик маданиятнинг барча йўналиш ва элементлари эмас балки, географиянинг З та методологик талабига жавоб берадиган, яъни худудий мазмунга эга, карталаштириш имконияти мавжуд ва уни тадқиқ этиш географик қобиқ учун янги билимлар берадиган йўналишлари танлаб олинди. Шунга кўра, этноэкологик маданиятнинг моддий йўналишидан ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ва аҳоли масканлари худудий ташкил этиш, маънавий йўналишларидан эса географик обьектларга ном бериш, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларни ташкил этиш маданияти ҳамда этноэкологик таълим-тарбиянинг худудий жиҳатларини ўрганиш ажратиб олинди;
3. Маҳаллий аҳоли томонидан қўлланилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, алоҳида қадрият сифатида сақланган, табиий (боқувчи) она ландшафт билан уйғунликка асосланган табиатдан фойдаланиш маданиятининг кескин ўзгартирилиши барча тарихий даврларда салбий ижтимоий-географик оқибатларни келтириб чиқарганлиги аниқланди. Айниқса, қуруқ иқлими худудларда маҳаллий аҳолининг ер-сувдан фойдаланиш маданиятини етарлича эътиборга олмаслик салбий экологик оқибатларга олиб келган;
4. Этноэкологик маданиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи табиий ва ижтимоий географик омилларни ўзаро алоқадорлик ва яхлитликда ўрганишни таъминлаш учун тарихий-географик ва тизимли ёндашув танлаб олинди. Фарғона водийсида табиий ресурслардан фойдаланишнинг тарихий-

географик хусусиятлари асосида 3 та давр (1876 йилгача; 1876-1991 й.й.; 1991 йилдан кейинги) ажратилди. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳар бир даври учун хос бўлган табиий-тарихий, товар-мақсадли, дастур-мақсадли турларини хусусиятларидан ер фонди ва экин майдонларининг худудий таркибини такомиллаштиришда фойдаланилган;

5. Фарғона водийси худуди этногеографик маданиятни шакллантирувчи табиат, аҳоли хўжалик кўрсаткичларини миқдорий баҳолаш асосида, 4 та этноландшафт минтақаси ва 17 та этноэкологик районларга ажратилди. Мазкур районлар тўри картасидан қишлоқ хўжалиги ерларининг истиқболли лойиҳаларини ишлаб чиқишида фойдаланиш тавсия этилди;

6. Фарғона водийси худудида XIX аср охиридан ва XX аср бошларига қадар мавжуд бўлган анъанавий хўжалик юритишида ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳар бир этноэкологик районлар ва этномаданий ландшафтлар учун хос ер тоифалари, ер турлари, асосий экин ва дараҳт турлари аниқлаб чиқилди. Алмашлаб экин экиш, суғориладиган ерларни бўз, кўриқ сифатида дам олдириш ва ўғитлашнинг тарихий-маҳаллий усувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

7. Водийда сув ресурсларидан тежамли, дарёлар режими ва йўналишини ўзгартирмасдан, тупроқнинг етилиши ҳамда сувга бўлган талабини ҳисобга оловчи «кариқларга навбати билан сув тақсимлаш» маданияти шаклланган. Суғориш тизимининг худудни маъмурий бошқарув усули билан мувофиқлаштирилиши натижасида сув ресурсларини тежаш ва адолатли тақсимлаш тавсия этилади;

8. Аҳоли масканларининг худудий жойлашиши узоқ давом этган тарихий географик жараён маҳсулни бўлиб, унда ҳар бир этногеографик худуднинг ер, сув ва бошқа табиий ресурсларидан, иқтисодий географик ўрнидан самарали фойдаланишга кўмаклашувчи жойлаштириш тамоилилларига амал қилинган. Топонимларнинг ижтимоий-географик функциясидан фойдаланиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи таснифий жадвал тузилди;

9. Табий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни худудий ташкил этишни такомиллаштиришга кўмаклашувчи, табий-антропоген генезисга эга бўлган, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолардан фойдаланиш ҳамда рекрацион объектлар тўрини такомиллаштириш имкониятларига хизмат қиласидиган географик ахборотлар базаси яратилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.	Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 754-ХII-сон Конуни. 1992 йил 9 декабрь. http://lex.uz/pages/getpage....
2.	Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги 269-II-сон Конуни. 2001 йил 30 август. http://lex.uz/pages/getpage....
3.	Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. – Тошкент: Адолат, 2011. – 152 б.
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль. http://lex.uz/pages/getpage....
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон Қарори. 2018 йил 28 ноябрь. http://lex.uz/pages/getpage....
6.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 273-сон Қарори. 2016 йил 23 август. http://lex.uz/pages/getpage....
7.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фарғона вилоятида анор етиштиришни қўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 791-сон Қарори. 2018 йил 4 октябрь. http://lex.uz/pages/getpage....
8.	Ўзбекистон Республикаси миллий таълим тизимига Барқарор ривожланиш концепциясини киритиш бўйича ҳаракат дастури.

	http://www.uznature.uz/?q=ru/node/2474
9.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Туркманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 25 август, №173 (7131).

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

10.	Абашин С.Н. Социальные взаимоотношения в современном узбекском кишлаке (по материалам Ферганской долины): Автореф. дис. канд. ист. наук. –М., 1997.-с.24
11.	Абдулахатов Н. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари. “Фарғона” нашриёти, 2007.-304 б.
12.	Абдулкасимов А.А. Проблемы изучения межгорно-котловинных ландшафтов Средней Азии. – Т.: Фан, 1983. - 125 с.
13.	Абдуллаев У. Валихонова Г. Фарғона водийси аҳолиси: Этник таркибининг шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи. Т.: Navroz, 2016. 252 б.
14.	Абдулхамидов А. Из истории орошения Кокандского оазиса.- Т.: Фан, 1974. - 105 с.
15.	Абдулхамидов А. Орошения в предгорьях Узбекистана.- Т.: Фан, 1990. - 176 с.
16.	Абу Райхон Беруний. 100 ҳикмат (ибратли сўзлар). - Т.: Фан, 1993. -22 б.
17.	Алаев Э.Б. Социально-экономическая география: понятийно-терминологический словарь.- М.: Мысль, 1983. - 350с
18.	Алибеков Л.Н. Новые подходы к сопряженному изучению горных и равнинных ландшафтов (на примере Средней Азии).// География и природные ресурсы. - Новосибирск, 1992.- №3, - С.29-37

19.	Андианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Историко-этнографические области (Проблемы историко – этнографического районирования) // Сов.Этнография. –Москва, 1975. - № 3. -С.15-25.
20.	Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. Т.: О‘zbekiston НМИУ,2015 -672 б.
21.	Афанасьев О.Е. Картографирование топонимических территориальных систем средствами ГИС-технологий // В сб. «Рациональное природо-пользование: Школа-конференция молодых учёных с участием стран СНГ». – М.:Географический ф-т МГУ, 2005. – С. 33–37.
22.	Аҳмадалиев Ю. Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишнинг социал-экологик хусусиятлари. Ўзбекистон География Жамияти ахбороти. Тошкент, 2003. 23-жилд. -Б. 58-59.
23.	Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари. // “Фарғона” нашриёти, 2009. -140 б.
24.	Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2014. -340 б.
25.	Аҳмадалиев Ю.И., Комилова Н.Ў., Отакулов П.С. Этноэкологик маданият ҳақида// Ўзбекистон география жамияти ахбороти. Тошкент, 2015 й. 45-том, 47-50 б.
26.	Аҳмадалиев Ю., Абдуғаниев О., Комилова Н. Ландшафт ва Наврўз// Ўзбекистон география жамияти ахбороти. Тошкент, 2017 й. 50-том, 24-27-б.
27.	Аширов А. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида қадимги диний эътиқодлар изи. // Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.-Тошкент, 2000. -173 б.
28.	Бабур-наме, Записки Бабура – Т.: Узбекистан, 1982. – 256 с.
29.	Бабушкин Л.Н., Когай И.А., Закиров Ш.С. Агроклиматические условия сельского хозяйства Узбекистана. –Т.: Мехнат, 1985. -160 с.

30.	Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользования // Автореф. дисс. ... д.и.н. – М., 2003. – 51 с.
31.	Баллиева Р. Этнокультурные особенности природопользования народов Приаралья (в конце XIX начале XX века) М.: Компания Спутник,2003.-86 с.
32.	Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Соч., Т.2. Часть 1. - М.: изд. Восточ. лит. 1963.- С.1-66.
33.	Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана / Соч., Т.3. - М.: Наука. 1965. -С.5-31.
34.	Берг Л.С. Номогенез или эволюция на основе закономерностей. Прага, 1922.-650 с.
35.	Боймирзаев К. Фарғона водийси воҳа ландшафтларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. –Т.: “Фан” нашриёти. 130 б.
36.	Брук С.И. Историко-этнографическое картографирование и его современные проблемы // Сов. Этнография. -Москва, 1973 № 3.- С.7 – 17.
37.	Веденин Ю.А. Формирование нового культурно-экологического подхода к сохранению наследия // Экология культуры: Альманах Института Наследия «Территория». – М.: Институт Наследия, 2000. С.74-82
38.	Веденин Ю.А. Иноформационная парадигма культурного ландшафта//Културный ландшафт как объект наследия.–М.: Институт Наследия; СПб.: Дмитрий Буланин, 2004.-С. 68-81
39.	Гладкий И.Ю. Географические основы этнической экологии: Дисс. доктора геогр.наук. – СПб, 2006-380 с. www.rangifer.org/gumilev/k12_2.shtml#06
40.	Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в.в. Т.; Фан, 1983. -105 с.

41.	Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX-начале XX в. (Этнокультурные процессы). Т.: Фан, 1991. – 127 с.
42.	Гумелев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. Л.: Гидрометеоиздат, 1990. - 528 с.
43.	Дружинин А.Г. Теоретико-методологические основы географических исследований культуры // Автореф. дисс. ... д.г.н. – СПб., 1995. – 49с.
44.	Ершов Н.Н. Система водопользования дореволюционном кишлаке.// Сов.этнографии. -Москва, №4. 1955. -С.70-78.
45.	Жабборов И. Ўзбеклар (Анъанавий хўжалиги,турмуш тарзи ва этномаданияти)-Т.: Шарқ, 2008. –240 б.
46.	Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX аср XX аср бошлари). –Т.: Фан, 1977. 168 б.
47.	Жекулин В.С. Историческая география: предмет и методы. –Л.: Наука. 1982. –224 с.
48.	Жиров А.И. Теоретические основы геоэкологии.- СПб., 2001. 204 с.
49.	Занданова Б. А.Культовые места как элементы культурных ландшафтов(на примере национального парка «Тункинский»).// География и природные ресурсы. - Новосибирск, 2007- №3, - С.139-143
50.	Иванов К.И. Проблемы этнической географии. - СПб., Издательства СПБУ, 1998. 216 с.
51.	Ильин И.А. Водные ресурсы Ферганской долины (Гидрологический очерк) –Л.: «Гидрометеоиздат», 1959. -247 с.
52.	Иногомов М.И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах Узбекской ССР.// Автореф. дис. канд. ист. наук. –Ташкент., 1956. 18 с.
53.	Исақов З. Фарғона водийси анъанавий дехқончилик маданияти (Хўжалик маданий анъаналар: тавсифи ва таҳлили).-Т.: Янги аср. 2011. 144 б.

54.	Исаченко А.Г. О двух трактовках понятия «культурный ландшафт» //Изв. РГО.-СПб. -Вып .1.-2003. с. 41-52
55.	Калуцков В.Н. Ландшафт в культурной географии. - М.: Новый хронограф, 2008. -158 с.
56.	Калуцков В.Н. Ландшафтная концепция в культурной географии.: Дисс. ...докт. географ. наук.- М., 2009-295 с. //www.rangifer.org/gumilev/k12_2.shtm#06
57.	Караев С.К. Топонимия Узбекистана с топонимическим словарём.-Т.: 2015,-500 с.
58.	Клокова К.Б. Традиционное природопользование коренных малочисленных народов севера (географические и социально-экономические проблемы).: Автореф. дис. ...докт. географ. наук.- М., 1998-30с. //www.rangifer.org/gumilev/k12_2.shtm#06
59.	Козлов В.И., Покшишевский В.В. Этнография и география // Сов.этнография. 1973. N 1,-С.3-14.
60.	Козлов, В.И. Основные проблемы этнической экологии. //Сов.этнография, 1983, № 1,-С.3-16
61.	Комилов О. Ўзбекистонда сугориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар–Т.: Akademnashr. 2016, 336 б.
62.	Комилова Н.Қ. Тиббиёт географиясининг назарий ва амалий масалалари. –Т.: Шарқ, 2016. 264 б.
63.	Кочуров Б.И., Геоэкология: экодиагностика и эколого-хозяйственный баланс территории. - Смоленск: СГУ, 1999. - 154 с. (http://www.izdatgeo.ru).
64.	Крупник И.И. Арктическая этноэкология: Модели традиционного природопользования морских охотников и оленеводов Северной Евразии. М.: Наука, 1989. 260 с.
65.	Кулагина Е. Г. Этноэкологическая культура: от традиций к инновациям. //Научный журнал «Культура и цивилизация» 2`2016.

	164-171 с.
66.	Кулясова А.А. Этноэкологический подход - возможности для устойчивого развития // Устойчивое развитие и экологический менеджмент: учебное пособие. СПб.: 2009. 194 с.
67.	Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Новый Маргилан.: 1980. - 210с.
68.	Ландшафтное планирование: принципы, методы, европейский и российский опыт/ А. Н. Антипов [и др.]. – Иркутск: Изд-во Ин-та географии СО РАН, 2002. – 141 с.
69.	Левин М.Г., Чебоксаров Н.Н. Хозяйственно-культурные типы и историко-этнографические области (к постановке проблемы) // Сов. этнография, 1955, № 4. С. 3–7.
70.	Лихачев Д.С. Экология культуры: прошлое – будущему.–Л.: 1985. 124 с.
71.	Максудов А. Изменение почвенно-экологических условий Ферганской долины под антропогенным воздействием. – Т.: Фан,1990.- 92с.
72.	Маргинани Б. Хидоя. Комментарии мусульманского права: в 2 ч. Ч. 2. Т. III-IV/пер. с. англ.; под ред. Н.И.Гродекова; отв.ред., авт. предисл., вступ. ст. и науч. комм. проф. А.Х.Саидов. – М.: Волтерс Клювер, 2010.-656 с.
73.	Маркарян Э.С. К общей характеристике культуры и ее жизнеобеспечивающей подсистемы // Культура жизнеобеспечения и этнос. Опыт этнокультурологического исследования (на материалах армянской сельской культуры). Отв. ред. С.А.Арутюнов, Э.С. Маркарян. Ереван: изд. АН АрмССР, 1983. С. 17–40.
74.	Масальский В. Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Том. XIX. Туркестанский край. СПб.: книгоиздательства

	А.Ф. Девринень, 1913. - 864 с.
75.	Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. (перевод с нем.) СПб., Изд. Императорский Академии наук, 1882. - 498с.
76.	Мингалеева М. Т. Формирование этноэкологической культуры подростков в современной общеобразовательной школе //Диссертацияна соискание ученой степени кандидата педагогических наук.Ульяновск, 2015-185 С
77.	Моисеев, Н.Н. «Устойчивое развитие» и экологическое образование/ Н.Н. Моисеев. Время определять национальные цели. –М.:МНЭПУ, 1997. – 256 с.
78.	Монтескье Ш.Дух законов.-Ч.2.-СПб.,1862. 450 с.
79.	Мурзаев Э.М. Топонимика и ландшафты прошлого // Топонимика на службе географии. Вопр. географии.Сб. 110.М.: Мысль, 1979. С. 11-18.
80.	Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарх). Т.: Чүлпон, 1994. 236 б.
81.	Мягков С.М.Социальная экология: этнокультурные основы устойчивого развития.-М.: НИи ПИ экологии города, 2001.-190 с.
82.	Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казан, 1876.-216с.
83.	Нигматов А. Табиий географик фанларнинг назарий муаммолари. –Т.: “Fanvatexnologiya”,2010.-202 б.
84.	Обзор Ферганской области за 1887 г., -Новый Маргилан: Типография Ферг. Обл.правления. 1889 г. -С.3-48.
85.	Образование в интересах устойчивого развития. http://ru.unesco.org/themes/obrazovanie-v-interesah-ustoychivogo-razvitiya-0
86.	Огудин В.Л. Места поклонения Ферганы как объект научного исследования. - Этнографическое обозрение. 2001. № 1, с. 63-79.

	www.ecoethics.ru/old/m12/x26.html
87.	Огудин В.Л. Экологическая функция религии. <i>journal.iea.ras.ru/archive/2000s/2001/no1/2001_1_023_Ogudin.pdf</i>
